

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

## Йилнинг ҳар чорагида чоп этиладиган ахборот-таҳлилий бюллетени

«Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқбонлик таълими» Лойиҳаси

№ 5 сон [март - апрел 2010]



Европа  
Комиссияси



Уруш ва тинчликни  
ёритиш институти (IWPR)

## МУҲТАРАМ МУШТАРИЙЛАР!

Эътиборингизга Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари бўйича юз бераётган долзарб ҳодисаларни қамраб олган ахборот-таҳлилий бюллетенининг бешинчи сонини ҳавола этамиз. Сўнгги икки ой давомида дунёни, жумладан, Марказий Осиёни табиий ва ижтимоий офатлар бўлмиш зилзилалар, тошқинлар, вулқон отилиши, инқилоб кабилар ларзага солди.

Қурмонбек Бакиевнинг йиқилиши маҳол бўлган режими беш йил аввал бўлгани сингари (ўшанда Бакиев президент Ақаевни йиқитган “лола инқилоби” тўлқинида ҳокимият тепасига келганди) оломоннинг норозилиги босими остида яқсон бўлгандек эди. Қирғизистонда бўлиб ўтган воқеалар: ҳукуматнинг муваққат ҳукумат қўлига ўтиши, оммавий тартибсизликлар ва Бишкекда саксон беш кишининг вафот этиши жаҳон миқёсидаги энг долзарб янгилик бўлди.

ЕХХТ ташкилоти ва баъзи давлат раҳбарлари воситачилигида Қурмонбек Бакиев истеъфога кетиши ҳақидаги аризага имзо чекди. Шундан сўнг унинг шаҳсан жаноб Лукашенко таклифига биноан Қозоғистондан Минск шаҳрига йўл олгани маълум бўлди.

Айни пайтда, 7 апрел куни содир бўлган ҳукумат алмашуви келажакда Қирғизистонга қандай ўзгаришлар олиб келиши бўйича баҳслар ҳамон давом этмоқда. Бу сафар Қирғизистон давлат бошқарувининг қандай моделини олиши ва давлатни ким бошқариши бўйича турли сиёсий ва геосиёсий мунозаралар олиб борилмоқда.

Аммо аҳолининг аксар қисмини, авваломбор, янги ҳукуматнинг қисқа муддат ичида ва юзага келган шароитда тартиб ўрната олиши ва қонун устуворлигини таъминлай олиши масаласи ўйлантормоқда.

Айрим пайтларда ўта фойдалидай кўринган бу баҳс-мунозараларда асосий нарса - ўта муҳим халқаро ҳужжатлар ва Конституциямизнинг биринчи саҳифаларида ёзиб қўйилган “инсон, унинг ҳаёти ва ҳақ-ҳуқуқлари қиймати” эсдан чиқариб қўйилаяпти. Шу боис, биз доимо, ҳаттоки энг долзарб сиёсий воқеаларни ёрита туриб ҳам, ишимизнинг фақат профессионал стандартларидан келиб чиққан, инсон ҳуқуқларини унутмаган ҳолда фаолият юритамиз.

Инқилоблар пайтида, таълим ва соғлиқни сақлаш ҳақида умуман унутиш мумкин. Аслида эса, айнан мана шу соҳалар маданият даражасини шакллантириб, мамлакат ички хавфсизлигини таъминлай олиши мумкин.

Шунинг учун, лойиҳамизнинг навбатдаги катта бир бўлими айнан сифатли таълим олиш масаласига бағишланди.

Эслатиб ўтамиз, бюллетень Британиянинг Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) томонидан Европа Комиссияси кўмагида амалга оширилаётган “Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбонликтаълими” лойиҳасидоирасида чоп қилинмоқда. Лойиҳа мақсадларидан бири жамоатчиликнинг Марказий Осиё давлатларидаги инсон ҳуқуқлари бўйича кундалик муаммоларидан хабардорлигини оширишдир. Бугунги кунда лойиҳа Қирғизистонда болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи, Тожикистонда ўз жонига қасд қилувчилар сонининг ошиши, Қозоғистондаги сўз эркинлиги каби масалаларнинг ечим топиши учун мулоқот платформасини таъминлаб келмоқда.

Лойиҳанинг бошқа бир йўналиши нодавлат ташкилоти вакиллари жамоатчилик билан мулоқот ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишга ўргатиш, ҳамда журналистлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар ва маҳаллий қонунчилик доирасидаги тренинглар ташкил этишдир.

Бугун Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) ўз фаолиятини Европа, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия, Филлиппин, Уганда, Шимолий Африка, Зимбабве, Кавказ, ҳамда Марказий Осиё давлатларида муваффақиятли равишда амалга ошириб келмоқда. Марказий Осиё минтақасида IWPR ўз фаолиятини 1999 йилда бошлаб, ушбу вақт оралиғида давлат ва нодавлат сектори, ҳамда медиа-тузилмалар билан конструктив ҳамкорлик ўрнатишга муваффақ бўлди.

IWPR биринчилардан бўлиб маҳаллий журналистлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларга хориждаги ҳамкасблари билан алоқа ўрнатишга кўмак берди. Вақти келиб бу кенг ҳамкорлик кўринишини олди. Ишга бўлган бундай ёндашув янги алоқаларни кенгайтириш, ғоялар, билим ва тажрибанинг доимий алмашинуви жараёнини таъминлаб берди.

Натижада сўзлашув баръери ва дунёқарашларнинг турлича бўлишига қарамай, [www.iwpr.net](http://www.iwpr.net) веб-саҳифасида ҳамкорликда ёзилган кўплаб мақолалар чоп этилди. Айнан шу иш туфайли IWPR инсон ҳуқуқлари, демократия ва бир қатор муаммоли мавзулар билан боғлиқ масалаларни ёритишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшишга муваффақ бўлди.

Бюллетеннинг ҳар бир сонидида биз Сизни лойиҳанинг фаолияти билан таништириб, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича алоҳида ҳолатлар билан таништириб, минтақамиздаги давлатларда содир бўлаётган воқеаларни объектив ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.



## УШБУ СОНДА:



### 03 ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ

#### 10 ДОЛЗАРБ ИНТЕРВЮ

1. Нигина Бахриева: Тоҷикистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари фуқаролик урушини ҳали унутмаганлари сабабли оммавий намоишлар ўтказишдан қўра, расмийлар билан мулоқот олиб боришни маъқул кўрадилар
2. Бернд Рэчел: Туркменистон соғлиқни сақлаш тизими тадқиқотлари “қора туйнук”нинг ўрганилиши кабидир

#### 15 ҚОЗОҒИСТОН:

1. Африкаликлар Қозоғистонда яшаш ҳуқуқи учун курашмоқдалар

#### 16 ҚИРҒИЗИСТОН:

1. Ҳукумат ер эгаллаб олувчилар билан курашмоқда
2. Қўшни давлатлар Қирғизистонга чўчинкираб қарамоқдалар

МАХСУС РЕПОРТАЖ / Бозор иқтисоди шароитида Қирғизистон асосий таълими ўзгаришлар талаб қилмоқда

#### 23 ТОЖИКИСТОН:

1. МАХСУС РЕПОРТАЖ/ Ажралган аёллар ҳеч вақосиз қолмоқдалар
2. Тоҷикистонда қизлар мактабга қатнамай қўйди

#### 26 ЎЗБЕКИСТОН:

1. Ўзбекистонда болалар меҳнати ҳануз “анъанавий” ҳисобланмоқда
2. Расмий органлар оиладаги зўравонлик муаммоси мавжудлигини рад этишмоқда
3. ОИТС га қарши курашчи ўз қарашлари учун қамоқда ўтирибди
4. Шарҳ: Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ қўмитасининг Ўзбекистондаги вазиятни ўнглаш бўйича қаҳриқлари саҳродаги одам чинқиригини эслатади

#### 32 ТУРКМАНИСТОН:

1. Г.Қонунларни инсонпарварроқ қилиш бир текисда амалга оширилиши лозим
2. Шарҳ: Ишсизларга эътибор қилмаган расмийлар уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини бузмоқда

## ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ



### Интернет саводхонлик бўйича ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистлар учун минтақавий тренинг.

*Бишкек, Қирғизистон, 29-31 март*

Мазкур тренинг минтақанинг уч давлати бўлмиш Қозоғистон, Қирғизистон ва Тоҷикистон ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистлари учун Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) нинг Қирғизистон Республикасидаги Ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.

Тренингнинг асосий мақсадлари эса, Интернет тармоғининг фаол фойдаланувчилари бўлмиш ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистларни бутунжаҳон тармоқдан фойдаланишда юзага келиши мумкин бўлган хатарлар ҳақида огоҳлантириш, ҳамда шахсий ва тижорий мазмундаги маълумотларни ҳимоя қилиш усулларига ўргатиш бўлди. Уч кунлик тренинг давомида унинг ҳар бир иштирокчисига ўргатилган билимларни пухта ўзлаштириш учун амалий машқлар бажариш таклиф этилди.

Нидерландда рўйхатдан ўтган “Туркменистон демократик фуқаролик иттифоқи” нодавлат ташкилоти раҳбари Вячеслав Мамедов, мазкур тренинга тренер сифатида ташкил этилди. Вячеслав Мамедов дунёнинг турли давлатларидаги фуқаролик жамияти фаоллари учун мазкур мавзу юзасидан тренинг ўтиш бўйича кўп йиллик тажрибага эгадир.

“Бизнинг электрон ёзишмаимиз учинчи шахслар учун очиқ бўлиши доимо долзарб бўлиб келган. Энг ёмони эса, бунинг электрон ёзишма олиб бораётган инсонга маълум бўлмаслигидир. Шу боис, у ўз маълумотларини ҳимоя қилиш учун ҳеч қандай механизмлар қўлламайди. Интернетда ишлаш бўйича тренинг давомида олинган билимлар келажақда сизларга ёрдам беришига умид қиламан”, - деди тадбирга яқун ясаш давомида Вячеслав Мамедов. “Zonakz.net” Интернет – газетаси журналисти, тренинг иштирокчиларидан бири Владислав Юрицин қўйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Мазкур тренинг Интернетда ишлаш бўйича менинг дунё қарашимни анча кенгайтди. Амалий машқлар давомида мен аввал фақат эшитганларим ҳақида бафуржа тушунчага эга бўлдим. Бу мен фаолият юритаётган таҳририятга жуда ҳам фойдали бўлишига аминман”.

Тоҷикистон вакили, инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш Бюроси ҳуқуқшуноси Худойназар Мамадзаров, мазкур тренинг чоғида ўзи учун жуда кўп янгиликлар кашф қилганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

“Менинг жамоат бирлашмасидаги фаолиятим IT-соҳа билан чамбарчас боғлиқ бўлгани боис, аввал мен бу ҳақда етарли тушунчага эга эдим. Аммо бу тренинг давомида мен аввалроқ олган билимларим етарли эмаслигини тушуниб етдим. Мен мазкур тренинглар йирик ва бошланғич жамоат бирлашмалари ходимлари, ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистлар учун доимий равишда ўтказилиши керак дея ҳисоблайман. Бу Тожикистон нодавлат ташкилотлари сектори учун жуда муҳим”, - деди Маммад Назаров.

Тренинг иштирокчилари ўргатилган билимларнинг ўзлаштиришда қулайлик яратган тренинг материалларининг афзалликларини ҳам алоҳида баҳолаб ўтдилар.

“Бизга машқларни бажариш бўйича етарли даражада тушунарли бўлган қадамма-қадам қўлланма тақдим этилди. Шунинг учун, биз уч кун давомида барча техник топшириқларни муваффақиятли бажара олдик”, - деди Қирғизистон вакиласи, “Демократия ва фуқаролик жамияти учун” Коалицияси етакчиси Динара Ошураҳунова.

“Барчаси осон, тушунарли ва фойдали бўлди”, - дея қўшимча қилди қирғизистонлик ҳуқуқ ҳимоячиси, “Озодлик овози” жамоат жамғармаси раҳбари Сардор Бағишбеков. “Мен ҳуқуқ ҳимояси жабҳасида Интернет-ресурслардан саводли фойдаланиш маданиятини яратиш ва унга ҳар кун амал қилиш шарт деб ўйлайман. Ҳуқуқ ҳимоячилари компютерларида улар ҳимоя қилаётган инсонлар ҳақида маълумот бўлиши мумкин ва бу маълумот барчага ошкор бўлиши ҳар доим ҳам яхши оқибатларга олиб келмайди”, - деди Бағишбеков.

“Маълумотдан фаол равишда фойдаланиладиган журналистика ва инсон ҳуқуқлари соҳаларида ёвуз ниятли шахслардан зарар кўриш эҳтимоли кўпроқ. Бир неча кун давомида биз хатарлардан қандай огоҳ бўлиш ва Интернетдаги ишимизни хавфсизлироқ қилиш бўйича катта ҳажмдаги маълумотларга эга бўлдик. Мен ишим кўп бўлишига қарамай, мазкур тренингда иштирок этганим ва муҳим тажрибага эга бўлганимдан афсусланмайман”, - дея таъкидлаб ўтди тренинг иштирокчиси, “Mojaraplata.kz” лойиҳасининг Қозоғистон бўйича веб-менежери Инесса Шлапак.

Тадбир иштирокчиларига кўра, IWPR тренингда олган маслаҳат ва билимлари уларнинг келажақдаги Интернетда ишлашлари учун фойдали бўлади. Ўз навбатида, Қозоғистон ва Тожикистон вакиллари мазкур тренинглар улар мамлакатларида ҳам ўтказилиши тарафдорлари эканларини таъкидлаб ўтдилар.

## “Марказий Осиёда ўрта таълим олишга бўлган имконият: муаммо ва истиқболлар” мавзусидаги минтақавий давра суҳбати.

Душанбе, 16-17 апрел .

В Таълим вазирлиги ва БМТ нинг Болалар Жамғармаси (UNICEF), Тожикистондаги Қўмак жамғармаси очик жамияти институти кўмагида Уруш ва тинчликни ёритиш институти томонидан ташкил этилган форум ишида минтақанинг тўрт мамлакати – Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистондан ташриф буюрган 60 дан зиёд вакил иштирок этди.



Тадбир давомида унинг иштирокчилари, ҳар бир мамлакатда ўзига яраша турли жиддий фарқлари бўлишига қарамай, умумий жиҳатларга ҳам эга бўлган асосий ўрта таълим олишга бўлган имкониятнинг турли жабҳаларини муҳокама қилдилар.

“60 миллион аҳолига эга бўлган минтақанинг беш мамлакатида жуда кўп ўхшаш муаммолар, хусусан таълим соҳасидаги муаммолар ҳам мавжуд. Ҳамма мамлакатлар олдида, авваломбор, умумий бир масала мавжуд, у ҳам бўлса дунёдаги меҳнатни иқтисодий жиҳатдан тақсимлашда ўз ўрнини топа олиш. Демак, биз аҳолимизни дунё талабларига жавоб бера оладиган сифатли таълим олишга бўлган имконият билан таъминлай олишимиз керак”, - деди Қозоғистон парламенти депутаты Мурот Абенов.

Туркменистондан ташқари минтақадаги барча мамлакатлар олдида турган яна бир умумий масала сифатида, таълим тизимидаги ислохотлар, хусусан 12-йиллик таълим тизимига ўтиш экани айтилди.

“Бугун кўпгина республикаларнинг таълим соҳасида ислохотлар олиб

борилмоқда”, - дея таъкидлаб ўтди Тожикистон президенти Ижроия аппаратининг таълим ва илм-фан бўлими мудирини Ҳамидуллоҳон Факеров, - “Тожикистон ҳам ушбу йўналишда ишлар олиб бормоқда ва 2014 йилга келиб 12-йиллик ўрта таълим олиш тизимига ўтиш тараддудида”.

“Бу таълим олишга бўлган ёндашувнинг умуман янги бир ғоясидир ва бунда биз бир-биримизга қўмак бериб, зарурият бўлганда қўллаб-қувватлашимиз ҳам мумкин”, - дея таъкидлаб ўтди Абенов.

Қозоқ депутати унинг мамлакати 2001 йилдаёқ 12-йиллик таълим олиш тизимига ўтишни режаллагани, аммо амалда буни ҳали бажармагани ҳақида гапириб берди: “Бизнинг мамлакатда

таълим соҳасининг барча тизимларини мазкур ислохотларга тайёрлаш ва уни максимал равишда амалга ошириш учун бу масалага секин-аста ва босқичма-босқич ўтишмоқда”, - дея таъкидлади у.

“12-йиллик таълим олишга ўтиш бўйича муаммолар кўп, ва, авваломбор, бу молиявий муаммолардир”, - деди Тожикистон таълим академиясининг Президенти Ирина Каримова. Аммо унинг айтишича, таълим вазирлиги барча зарур ҳаражатларни ҳисоблаб чиққан. – “Шунингдек, биз бошқа мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, ўзимизнинг ёндашувимизни ишлаб чиқдик. Ҳар бир мамлакат ислохотларни амалга ошириш бўйича ўз йўналишига эгадир”.

Давра суҳбати чоғида мамлакатлар мазкур соҳада ислохотлар амалга ошириш бўйича турли босқичда эканлари, аммо уларнинг ҳар бирида таълим олишга бўлган имкониятларга ўз тўсиқлари борлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, минтақанинг ҳар бир мамлакатида маълум бир миқдордаги болалар мактабда таълим олиш имконидан маҳрум эканлари таъкидланди. Масалан, Тожикистонда расмий маълумотларга кўра, бундай болалар сони ўқувчиларнинг умумий сонидан 2, 5%, Қозоғистон ва Ўзбекистонда 0, 2%, Қирғизистонда эса 80 мингдан ошиқ эканини кўрсатмоқда.

Санаб ўтилган мамлакатларда энг ҳимоясиз қатламни учдан биригина



таълим олишга муваффақ бўлаётган имконияти чекланган болалар ташкил қилади.

Давра суҳбати иштирокчилари, таълим олишга бўлган имкониятларни чеклайдиган бошқа факторлар сифатида турмуш даражасининг пастлиги, қашшоқлик, коррупция, миграция ва болалар меҳнатининг бошқа турли шакллари келтириб ўтдилар.

Минтақа мамлакатлари учун таълим олиш соҳасидаги яна бир умумий муаммо сифатида болаларни мактаб ёшигача бўлган таълим билан қамраб олиш экани айтилди. Масалан, “Очиқ жамият” таълим дастурлари Институтининг раҳбари Назархудо Дастамбуевнинг айтишича, Тожикистонда бу соҳадаги вазият жуда фожиалидир:

“Фақат 7 фоиз болаларгина мактабгача бўлган таълим олиш имконига эгадирлар. Бу эса ўрта таълим олиш даражасига таъсир қилмай қолмайди”, - дея ҳисоблайди у.

Қозоғистонлик иштирокчилар, бу муаммо улар мамлакатларида ҳам мавжудлигини, мамлакатда 5 % гина болалар мактабгача таълим олиш имконига эга эканликларини таъкидлаб ўтдилар. Қирғизистонда эса, сўнгги пайтларда мактабда таълим олишга тўсқинлик қилаётган юқорида санаб ўтилган муаммолардан ташқари, болаларнинг мактабдаги хавфсизлиги масаласи ҳам хавотирли факторлардан бири бўлиб қолмоқда.

“Кўпчилик ўқувчилар учун мактаб таълим олиш учун хавфсиз ва ишончли жой бўлмай қолди”, - дея айтиб берди қирғизистонлик иштирокчи бўлган болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва улар манфаатларини илгари суриш нодавлат ташкилотлар тармоғи лойиҳасининг менежери Наталя Воробёва.

“Бунга сўнгги пайтларда кенг тус олган мактаб рэкетти сабаб бўлмоқда”. Унинг айтишича, бу муаммо билан мамлакатнинг барча ўқувчилари ҳар куни тўқнаш келадилар. Шунингдек, бундай товламачилик оқибатида болаларнинг вафот этиши ҳолатлари ҳам анча кўпайган.

Воробёванинг фикрича, таълим ва ички ишлар вазирликлари бундай ҳолатлар олдини олиш бўйича чоралар кўрмоқда, аммо улар етарлича эмас.

“Расмий статистикага кўра, Ўзбекистонда саводхонлик даражаси жуда юқори. Аммо сифатли таълим олишга бўлган имкониятлар, ҳамда болалар меҳнатидан кенг фойдаланиш борасида муаммолар мавжуд”, - дея айтиб берди мустақил медиа - эксперт Сергей Наумов.

Тожикистонда ўзига яраша муаммолардан бири сифатида қизларнинг таълим олишга бўлган имкониятлари пасайиб бораётгани айтилмоқда. “Олий маълумотли аёллар” жамоат ташкилоти раҳбари Гулжаҳон Бобосодиқованинг айтишича, Тожикистонда ўрта мактабни битираётган қизлар сони камайиб бораётганига бир қанча сабаблар мавжуддир. Улар орасида турмуш даражасининг пасайиб бораётгани, ўқиш учун сарф-ҳаражатнинг кўпайиб бораётгани ва аёлнинг жамиятдаги роли ва ўрни ҳақидаги анъанавий тушунчалар келтирилмоқда.

Давра суҳбати иши якунлари бўйича унинг иштирокчилари Марказий Осиё мамлакатларидаги таълим билан боғлиқ вазиятни яхшилашга қаратилган универсал маслаҳатлар ишлаб чиқдилар. Давра суҳбати иштирокчиларининг бу маслаҳатларни ўз ҳамкорлари ва ҳамкасблари орасида тарқатиб, ҳамда улардан ўз фаолиятларида қўлланишлари утилмоқда.

#### **ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ УЧУН:**

- Болаларнинг асосий ҳуқуқлари ва имкониятлари, хусусан уларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Марказий Осиё мамлакатлари парламентлараро тармоғини ташкил этиш имкониятларини кўриб чиқиш;
- Камчиликларни ўрганиш ва уларнинг тўлиқ тадбиқ этилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир мамлакатда Марказий Осиё мамлакатлари томонидан ўрта таълимга алоқадор бўлган шартномалардан келиб чиққан ҳолда ратификация қилинган халқаро ва минтақавий мажбуриятларнинг бажарилишини таҳлил қилиш;
- Ҳар бир мамлакатда умумий таълим соҳасидаги қонунчилик таҳлилини ўтказиб, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;
- Умумий таълим соҳасидаги қонунчиликни амалга ошириш бўйича мониторинг ишларига нодавлат ташкилотларини жалб қилиш;
- Умумий таълим тизимини бюджетдан молиялаштиришни кўпайтириш;
- Умумий таълим тизимини молиялаштириш учун бюджетдан ташқари қўшимча сармояларни жалб қилиш;
- Умумий таълим тизимидаги яқка ўқувчиларни молиялаштиришга ўтишнинг нақадар мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги масаласини ўрганиб чиқиш ҳамда мазкур схема қабул қилинган тақдирда, яқка ўқувчиларни молиялаштиришни

#### **“Марказий Осиёда ўрта таълим олишга бўлган имконият: муаммо ва истиқболлар” мавзусидаги минтақавий давра суҳбати иштирокчиларининг маслаҳатлари**

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат ва нодавлат органлари, халқаро ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари бўлмиш давра суҳбати иштирокчилари,

Ўрта таълим тўғрисидаги қонунчиликнинг бугунги воқеликка мувофиқлиги масаласини муҳокама қилиб;

Марказий Осиёнинг барча мамлакатларида асосий таълим олиш сифати борасида хавотирларини билдириб;

Асосий таълим олишга бўлган имкониятлар соҳасидаги салбий ижтимоий-иқтисодий факторларни ўрганиб чиқиб;

Оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳаси билан боғлиқ масалаларни ёритишдаги роллари ва кўмакларининг муҳимлигини тан олиб

Кўйидаги маслаҳатларни қабул қилдилар:

амалга оширишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш;

- Инклюзив таълим тизимини жорий қилиш, хусусан алоҳида тоғли ва даштли ҳудудларда;
- Мигрант-болалар ҳуқуқи, хусусан мигрантлар фарзандларини керакли норматив актлар қабул қилиш ва умумтаълим ўқув муассасалари тизимига мослашиш бўйича механизмлар ишлаб чиқиш орқали уларнинг сифатли умумий таълим олишларини таъминлаш;
- Имконияти чекланган болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини биноларни техник ва коммуникация воситалари билан таъмирлаш, архитектура тўсиқларини бартараф этиш, ҳамда уларни ўқитиш бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқиш орқали таъминлаш;
- Ҳукуматларни имконияти чекланган одамларнинг ўз ҳуқуқлари, жумладан таълим олишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда барча шароитларни яратишга мажбурлайдиган ногиронлар ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш;
- Умумий таълим тизимида ҳар қандай дискриминацион кўринишлар, жумладан, қизлар таълим олишининг чекланиши кабиларни бартараф этиш мақсадида мактаб таълим дастурларини танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, қизлар ўртасида кўп учраётган мактабга борма кўйиш ҳолатларини бартараф қилиш ҳамда аёллар ва эркаклар роли ва мажбуриятлари бўйича юзага келган стереотипларни йўқ қилиш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш;
- Ўқитувчиларнинг этник озчилик тилида дарс бериши бўйича ҳаракатларни фаоллаштириш ва этник озчилик тилида чоп этиладиган китоблар миқдорини ошириш. Болаларни ўқитишга тайёрлаш мақсадида, мактабда ўқитиладиган тил она тили бўлмаган ҳудудларда, тайёрлаш синфлари ёки мактабгача бўлган муассасалар тармоғини кенгайтириш;
- Ноформал таълим ривожланиши ва болаларнинг дам олишига катта эътибор ажратиш;
- Умумий таълим сифатига таъсир этадиган контекст факторлар таҳлилини олиб бориш;
- Таълим тизимини такомиллаштириш, муаммолари бор бўлган ўқувчиларни аниқлаш механизмини ишлаб чиқиш

#### НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН:

- Камчиликларни ўрганиш ва уларнинг тўлиқ тадбиқ этилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир мамлакатда Марказий Осиё мамлакатлари томонидан ўрта таълимга алоқадор бўлган шартномалардан келиб чиққан ҳолда ратификация қилинган халқаро ва минтақавий мажбуриятларнинг бажарилишини таҳлил қилишда давлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
- Умумий таълим бўйича қонунчиликнинг халқаро меёрларга жавоб беришини таъминлаш мақсадида унинг таҳлил қилинишида иштирок этиш;
- Умумий таълим соҳасидаги қонунчиликни қабул қилиш ва унинг амалга оширилишини мониторинг қилиб бориш;
- Умумий таълим тизимини молиялаштириш учун бюджетдан ташқари қўшимча сармояларни жалб қилишда давлат органларига кўмаклашиш;
- Инклюзив таълимни тадбиқ этишда давлат органларига кўмаклашиш;
- Қизлар ўртасида кўп учраётган мактабга борма кўйиш ҳолатларини бартараф қилиш ҳамда аёллар ва эркаклар роли ва мажбуриятлари бўйича юзага келган стереотипларни йўқ қилиш бўйича стратегияни ишлаб чиқишда давлат органлари билан ҳамкорликда иш юритиш;
- Таълим олиш ноформал муассасалари тизимини ривожлантиришда давлат структуралари билан ҳамкорликда ишлашни давом эттириш;
- Болалар меҳнати мониторинги бўйича лойиҳаларни амалга ошириш орқали; болалар меҳнатидан фойдаланилаётганлик ҳақида тегишли органларга маълумот етказиш орқали; ўқишда муаммога дуч келаётган болаларни аниқлаш ва уларнинг таълим муассасаларига қайтишига ёрдам бериш орқали болалар меҳнатига, айниқса унинг энг ёмон кўринишларига барҳам беришда давлат органларига кўмак кўрсатиш;
- Универсал Даврий Шарҳ ва БМТ нинг инсон ҳуқуқлари бўйича комитетига муқобил ҳисоботлар йўллаш орқали кенг жамоатчилик эътиборини умумий таълим соҳаси ва уларнинг ўқишига шароит яратиш (ўқишга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, 63-форма, қайд белгиси кабиларсиз қабул қилиш) орқали; вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланиш бўйича оила ва меҳнат қонунчилигида жавобгарликни кучайтириш орқали болалар меҳнатига, айниқса унинг энг ёмон кўринишлари барҳам бериш юзасидан чоралар кўришда давом этиш;

Ўқитувчиларнинг сифатли иш олиб бориши учун уларнинг молиявий ва моддий аҳволи юзасидан, ўқитувчи касбининг роли ва обрўсини ошириш, ҳамда ёш кадрларни жалб қилиш бўйича таҳлил олиб бориш;

Мактабгача бўлган таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ва мактабгача бўлган таълимни рағбатлантириш бўйича чоралар кўриш, айниқса кам таъминланган оилалар орасида боланинг ёшлигиданоқ тараққий топиши ва таълим олиши муҳимлиги бўйича хабардорлигини ошириш орқали; шу боис ноформал жамоа механизмларини рағбатлантириш ва боланинг ёшлигиданоқ ҳар тарафлама тараққий топиши бўйича режа ишлаб чиқиш;

Жисмоний шахсларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилиш имкониятларини берувчи иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар борасидаги Халқаро пактга Қўшимча протоколни ратификация қилиш;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий институтларнинг таълим олишга бўлган имкониятлар бўйича мониторингларни фаол равишда олиб бориши, жумладан мазкур маълумотни ҳар йиллик ҳисоботларга киритиш, ҳамда жамоатчиликни хабардор қилиш, хусусан ОАВ лари орқали;

Марказларини ривожлантириш, шунингдек, жамоатчилик билан алоқалар бўйича маҳаллий миқёсдаги масъул шахсларни фаоллаштириш ҳамда брифинг, матбуот анжуманлари, матбуот варақчалари шаклида мунтазам ахборот тақдим этиб туриш орқали оммавий ахборот воситаларида таълимий масалалар ҳолис ёритилишини таъминлаш учун ОАВ билан янада фаолроқ ҳамкорлик қилиш;

Марказий Осиё мамлакатларидаги таълим вазирликлари қошида “таълимий” журналистика тараққиёти бўйича имкониятларни кўриб чиқиш.



ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича мавжуд муаммолардан хабардор қилиш;

- Аҳолининг умумий таълим мавзусига эътиборини ошириш мақсадида тарғибот кампаниялари ва акциялар ўтказиш;
- Журналистларнинг таълим соҳасидаги масалаларни сифатли ва холис ёритиб боришлари, ҳамда Марказий Осиё давлатлари таълим тизимидаги ютуқларидан хабардор бўлишлари учун тренинг, семинар ва бошқа тадбирлар ўтказиш;
- Таълим муассасаларида сифатли таълим олишга бўлган ҳуқуққа риоя қилинишини ОАВ ларини жалб қилган ҳолда доимий равишда фаол мониторинг қилиб бориш.

## ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР УЧУН

- Болалар ҳуқуқи соҳаси бўйича Марказий Осиё мамлакатларида парламентларо тармоқнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши имкониятларини қўллаб-қувватлашни кўриб чиқиш;
- Камчиликларни ўрганиш ва уларнинг тўлиқ тадбиқ этилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир мамлакатда Марказий Осиё мамлакатлари томонидан ўрта таълимга алоқадор бўлган шартномалардан келиб чиққан ҳолда ратификация қилинган халқаро ва минтақавий мажбуриятларнинг бажарилишини таҳлил қилишда Марказий Осиё мамлакатларига кўмаклашиш;
- Умумий таълим соҳасидаги қонунчилик таҳлилинини ўтказиб, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда Марказий Осиё мамлакатларига кўмак кўрсатиш;
- Умумий таълим тизимини молиялаштиришда бюджетдан ташқари қўшимча сармояларни жалб қилишда давлат органларини рағбатлантириш;
- Марказий Осиё мамлакатларининг инклюзив таълимни тадбиқ этишдаги ҳаракатларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;
- Қизлар ўртасида кўп учраётган мактабга бормай қўйиш ҳолатларини бартараф қилиш ҳамда аёллар ва эркаклар роли ва мажбуриятлари бўйича юзага келган

стереотипларни йўқ қилиш бўйича стратегияни ишлаб чиқилишини қўллаб-қувватлаш;

- Марказий Осиё мамлакатлари давлат органлари ва нодавлат ташкилотларининг болалар меҳнатининг олдини олиш бўйича сайи-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш;
- Таълим тизимини яхшилаш мақсадида таълимий лойиҳаларга ажратилаётган маблағларни адресли тақсим қилиш;
- Сифатли умумий таълим олиш имкониятлари бўйича олиб борилаётган мониторингда нодавлат ташкилотлари ва ОАВ ларининг иштирокини рағбатлантириш, хусусан лойиҳаларни амалга ошириш ва муқобил ҳисоботларни тақдим этиш орқали;
- Умумий таълим масалаларини мониторинг қилиш ва ёритишда Марказий Осиё мамлакатларининг давлат органлари, нодавлат ташкилотлари ва ОАВ лари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишда кўмаклашиш.

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА МЕДИА ЭКСПЕРТЛАР УЧУН:

- ОАВ ларида болалар ҳуқуқи, хусусан умумий таълим олишга бўлган имкониятлар мавзусини ёритиш масаласига тизимли ёндошиш;
- Ихтисослашган (“таълимий”) журналистика ривожланишини қўллаб-қувватлаш;
- Имконияти чекланган болалар, мигрант-болалар, ҳамда қизларнинг таълим олишга бўлган имкониятлари масаласини фаол ёритиб бориш;
- Маҳаллий жамоалар, хусусан ота-оналар, жамоат ташкилотларининг мактаб ҳаётида фаол иштирок этишлари учун доимий ва ҳар тарафлама ахборот кампаниясини амалга ошириш;
- ОАВ ларида умумий таълим бўйича махсус рубрикалар ташкил этиш;
- Болалар ҳуқуқи, жумладан уларнинг таълим олишга бўлган имкониятлари масаласини ёритишда журналистик этика қоидаларига риоя қилиш.

## «Ислондаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг замонавий дунёдаги инсон универсал ҳуқуқ ва эркинликлари билан муносабати» очиқ маърузаси

Ўш, 17 март

Ўш давлат университетида сиёсатшунослик ва исломий тадқиқотлар фанлар доктори Қодир Маликовнинг “Ислондаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг замонавий дунёдаги инсон универсал ҳуқуқ ва эркинликлари билан муносабати” мавзусидаги очиқ маърузаси бўлиб ўтди.

Жаноб Маликов, жаҳон динлари ичида Ислондан кўра давлат ва ҳуқуққа дохилроқ бўлган дин йўқ дея ҳисоблайди. Аввалдан ислонда жамият қуриш асослари мавжуд бўлган. Бу ўз навбатида, фикҳга асосланган ислон давлатининг ташкил этилишига олиб келган.

Доктор Қодир Маликов сўзларига кўра, “фикҳда инсон ҳуқуқлари меъёрларининг алоҳида кодификацияси йўқ. Шунга қарамай, инсон ҳуқуқлари исломий сиёсий моделнинг асосий қисмини ташкил қилади. Инсон ҳуқуқлари меъёрлари фикҳнинг манбаи бўлган Қуръон Карим ва пайғамбар суннатида, энг обрўли ҳуқуқшуносларнинг яқдил фикрлари (ижма), ҳамда энг мўътабар фақиҳлар ижмоъси ҳамда қиёсида акс этган”.

Маъруза тингловчиларидан бири бўлган талаба қиз Ойгул, Ислон унинг ҳаётида катта рол ўйнагани боис, маъруза ҳам унинг учун жуда фойда-

ли бўлганини тан олди. Талабанинг тан олишича, мусулмон ҳуқуқининг кўпгина жабҳалари фақат қисман ишлатилади.

Маъруза тингловчиларидан бири Ислонбек Азиз ўғли ислон қонунчилиги меъёрларини анчадан буён билишини айтади. Аммо Шариат, Қуръон ва Суннатга асосланган Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги исломий декларация тайёрлангани унинг учун янгилик бўлибди.

“Ислон оммалашаётган ҳозирги шароитда ислон дини бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш зарурати юзага келган. Айнан шунинг учун бу маъруза қизиқарли бўлди”, дея сўзини хулосалайди Ислонбек.



Қайд этиш жоизки, бу уруш ва тинчликни ёритиш Институти (IWPR) нинг Европа Иттифоқи кўмагида амалга оширилаётган “ОАВ лари орқали Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбонлик таълими” лойиҳаси доирасида ташкил этилган сон жиҳатидан тўртинчи очиқ маърузадир. Аввалги маърузалар Ишенбай Абдуразоқов, Қодир Маликов ва Жооқорғу Кенеш депутаты Гулжамол Султоналиева каби экспертлар иштирокида бўлиб ўтганди.

Қодир Маликов Испаниянинг Мадрид университети араб, ислом ва Марказий Осиё бўйича тадқиқотлар департаментининг сиёсатшунослик ва исломий тадқиқотлар фанлар доктори даражасига эга бўлиб, Иордания хошимийлар қироллигидаги Иордания миллий университети фикҳ факултетининг магистридир. Шунингдек, у Испаниядаги хавфсизлик ва халқаро алоқалар бўйича Complutense de Madrid университетиде махсус курс ўтаган. Қодир Маликов Ислом бўйича кўплаб илмий ва таҳлилий мақолалар муаллифидир.

## **Болаларнинг умумий таълим олишга бўлган имкониятлари бўйича парламент эшиттиришлари**

*Бишкек, 16 март*

Бишкекда “Болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи борасидаги Қирғизистон Республикаси қонунчилигини амалга ошириш ва унга риоя қилиш” бўйича парламент эшиттиришлари бўлиб ўтди. Тадбирни Қирғизистон Республикаси парламенти Европа Иттифоқи ва БМТ тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссариати, Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) ва ЕХХТ кўмагида ташкиллаштирди.

Эшиттиришлардаги муҳокама болаларнинг умумий таълим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш мавзусига бағишланди. Болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги Қирғизистон Республикаси қонунчилигини амалга ошириш ва унга риоя қилиш ишларини ўрганиш мақсадида, ўтган йил июн ойида Парламент депутатлари бўлмиш Г. Султоналиева, А. Байбураева, И. Жунусов, Ж. Қаниметов, И. Карамушкина, Ж. Раҳимидиновалар иштирокида муваққат депутатлик комиссияси ташкил этилганди.

Парламент эшиттиришларида комиссиянинг тўрт ойлик фаолияти ва республика бўйича 31 та мактабдаги вазиятни текшириш яқунларига бағишланган маълумотнома ҳавола этилди. Шунингдек, парламент эшиттиришларидан олдин мазкур мавзу бўйича

IWPR томонидан Қирғизистоннинг ҳудудларида қатор давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Қирғизистон Республикаси парламентининг депутаты, Коммунистлар фракцияси аъзоси ва болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги Қирғизистон Республикаси қонунчилигини амалга ошириш ва унга риоя қилиш муваққат Комиссияси раиси Гулжамол Султоналиева, парламент аъзолари болаларнинг бепул таълим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини сақлаб қолишни мақсад қилганларини таъкидлаб ўтди.

Халқаро ташкилотлар статистикасига кўра, 2009 йили Қирғизистонда 40 минг бола мактабга қатнамаган. Экспертлар бунга бир қанча сабаблар борлиги, авваломбор, давлат томонидан молиялаштириш ва республикада ўқув муассасаларининг етарли эмаслиги келтиришмоқда.

Муваққат депутатлик комиссияси парламент эшиттиришларида тақдим этилган маълумотномада қўйидаги маълумотларни келтиради: Қирғизистонда таълим соҳасига ажратилган бюджет харажатлари 2010 йилда 7 191 миллион сўмни ёки мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 3 фоизини ташкил қилди. Шу билан бир қаторда, расмийлар сўнгги уч йил давомида таълим соҳасини молиялаштириш уч баробар кўпайганини қайд этгандилар.

Ўқув муассасалари миқдорида ҳақида айтилаётган бўлса, Қирғизистон Республикаси таълим ва илм-фан вазирлигининг мактаб, мактабгача ва мактабдан ташқари Бошқармаси маълумотларига кўра, мамлакат пойтахтида йигирмата мактаб етишмайди. Бунга эса, сўнгги йиллар давомида ички миграция ҳисобига Бишкек аҳолиси сони ошгани сабаб бўлмоқда.

Қирғизистонда минглаб болалар мактабга қатнамаётганига, Муваққат депутатлик комиссияси вакилларига кўра, ўқув муассасасини танлашда оммабоп ва эркин танлов принципини бузаётган қатор факторлар сабаб бўлмоқда. Улар орасида кўпгина мактаблар, айниқса, Бишкек ва Ўш шаҳарлари мактабларида мактаб формасини кийиш мажбурий қилиб қўйилгани, болаларнинг мактабга қабул қилинишида “кириш” имтиҳонлари ва тестдан ўтказиш қабилар бордир.

Барча баробар олишга имконли таълимга тўсқинлик қилаётган яна бир сабаб, бу Қирғизистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” Қонунининг 3 моддасига зид бўлган мактабга қабул қилинишда прописканинг талаб қилинишидир.

Муваққат комиссия кириш бадалларини (2500 сўмдан то 600 долларгача) олиш фактларини тасдиқлаб ўтди. Бу ҳолатлар кўпроқ Бишкек, Ўш ва Чуй

вилоятидаги мактабларда учрайди. Ўрта таълим муассасаларида таълим бериш хизматлари учун сўралаётган тўлов, микротуманлардаги болаларнинг мактабга қатнай олмаётганига яна бир сабабдир. Шу боис, ота-оналар хизмати учун ҳақ тўлай оладиган мактаблар қидиришга мажбурдирлар.

Парламент тингловларида таълим муассасаларида пулли таълим хизматлари кўрсатиш, мактабларда Вассийлар кенгашлари ташкил қилиш, шунингдек, мамлакатда яқка ўқувчиларни молиялаштиришни синовдан ўтказиш бўйича бошланғич эксперимент ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

Парламент эшиттиришларида ижроия ва қонунчилик органлари, таълим тизими ва нодавлат ташкилоти вакиллари иштирок этиб, юқорида келтирилган масалалар бўйича ўз фикрларини билдириб ўтдилар.

Ўқув муассасаларининг қатор вакиллари, ҳозирги вазиятда мактаблар қўшимча ҳомийлик маблағларини жалб қилишга мажбур эканликларини айтиб ўтдилар. Аммо парламент эшиттиришларида сўзга чиққан Қирғизистон Республикаси бош вазир ўринбосари Тожикон Калимбетова, мактаблар давлат муассасалари бўлгани боис, ота-оналардан келиб тушаётган маблағларни йиғиш билан оввора бўлган мактаблар қошида жамоат жамғармаларининг ташкил этилиши қонунга қарши эканини таъкидлаб ўтди.

Ўз навбатида, парламент эшиттиришларида иштирок этган таълим ва илм-фан вазири Абдилда Мусаев қўйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Мактабларда қонунбузарликлар бўйича алоҳида фактлар бор. Аммо уларни тизимли бир кўриниш сифатида умумлаштириб, республикадаги барча таълим соҳаси ана шундай дейиш ноўрин. Биз боланинг мактабга қабул қилинишида унинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи чекланмаслиги учун мактабларнинг низомини қайта таҳлил қилиб, уларни қайта рўйхатдан ўтказишимиз керак”.

Шунингдек, Мусаев буларни қўшимча қилиб ўтди: “Айни пайтда биз бозор иқтисоди даврида яшамоқдамиз, социалистик ёндашув, бу ўтмишдир. Агар тижорий таълим хизматини тўлиқ таъқиқласак, у ҳолда таълим соҳасига буткул зарар етказган бўламиз”.

Учрашув якунида Гулжамол Султоналиева, барча манфаатдор томонлар болаларнинг умумий таълим олишга бўлган имкониятлари бўйича вазиятнинг яхшиланиши бўйича ўз маслаҳатларини Муваққат депутатлик комиссиясига тақдим этишлари мумкинлигини таъкидлаб ўтди. Яқин орада парламент эшиттиришларида айтиб ўтилган маслаҳатлар парламент юқори палатасига ҳавола этилади.



## «Хуқуқ муҳофазасига йўналтирилган журналистика» тренинглари

Душанбе, 12-13 март  
Хўжанд, 15-16 март



ОАВ ларида инсон ҳуқуқлари мавзусини ёритиш хусусиятлари бўйича IWPR томонидан ташкил этилган семинарларда 35 нафар бошловчи ва тажрибали журналистлар таълим олдилар. Қозоғистондаги MediaNet Халқаро журналистика маркази раҳбари Вячеслав Абрамов, бугунги кунда ҳуқуқ муҳофазасига йўналтирилган журналистика икки қисмга бўлиниши, яъни классик халқаро стандартларга асосланган ҳолда мавзунини ёритиш ва инсон ҳуқуқлари бузилиши борасида бир ёқлама, яъни давлат органлари фикрисииз бериладиган “санитар журналистика” эканини айтиб ўтди.

Шунингдек, семинар чоғида журналистлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича баъзи механизмлар билан танишиб ўтдилар. Улар ушбу мавзуларнинг матбуотда ёритилишида йўл қўйилаётган кенг тарқалган хатоларни таҳлил қилиб ўтдилар. Журналистлар ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ мавзуларда интервью, ҳамда журналистик текширувлар олиб бориш маҳоратини ўргандилар.

“Тренинг биз учун фойдали бўлди”, - деди Хоруғдан ташриф буюрган тренинг иштирокчиси Хосият Худоёрбекова. – “Бу мавзулар бизнинг жамият ва журналистларимиз учун қизиқарли. Одатда мен уйга қайтаётган пайтим, ҳамкасбларим мен ўрганган янгиликлар ҳақида айтиб беришимни илтимос қилишади. Кейин улар учун ўзимнинг кичик тренингларимни ўтказишга тўғри келади”.

Хўжандда бўлиб ўтган семинар иштирокчиси Фаррух Аҳроров фикрича, тренинг чиндан ҳам фойдали бўлган: “Журналистлар ҳамма нарсани биламиз деб ўйлашади. Бу лойиҳа журналистикага юридик нуқтаи назардан ёндошиши жуда ҳам яхши”, - деди у.

## Маълумот олиш имконияти масалалари бўйича экспертлар фокус-гурӯҳи

Алмати, 26 март



Алматида БМТ тараққиёт дастури, IWPR, Қозоғистон медиа Альянси ва Буюк Британия элчихонаси томонидан ташкиллаштирилган маълумот олиш имконияти масалалари бўйича экспертлар фокус-гурӯҳи бўлиб ўтди.

Тадбир фуқароларнинг маълумот олиш мақсадида давлат органларига расмий сўров билан мурожаат қилган пайтларида юзага келадиган муаммолар ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича маслаҳатлар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда Қозоғистон Республикаси парламентининг депутати Жақип Асанов, прокуратура ва бошқа давлат органлари, журналистлар, нодавлат ва халқаро ташкилотлари етакчилари ва экспертлари иштирок этдилар.

Депутат Асанов фикрича, 2011 йили қабул қилиниши режалаштирилаётган “Маълумот олишга бўлган имкон тўғрисидаги” қонун давлат органларини қаттиқ назорат қилиш учун таъсирли восита сифатида хизмат қилиши мумкиндир. Жақип Асанов сўзларига кўра, ушбу қонунни жорий йили қабул қилиш учун зарурият ва имкониятлар ҳам мавжуддир.

Жамоат ўртасидаги диалогни мустаҳкамлашга қаратилган ушбу тадбир муҳимлигини таъкидлаб ўтган нодавлат ташкилоти экспертлари, маълумот олишга бўлган имкониятлар масаласида маълумотларнинг сифатсизлиги ва аҳоли билан ишлаётган ходимлар малакаси пастлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Режалаштирилаётган қонунлоийҳаси атрофидаги мушоҳада жуда фаол кечди. Аксар экспертлар, давлат органларининг қонунлоийҳасида кўрсатиб ўтилган тергов, тижорат, давлат ва бошқа сирлар каби чекловларни адекват бўлмаган тарзда қўллашларига йўл қўйилмаслик кераклигини ҳужжатда аниқ кўрсатиб ўтиш муҳимлиги ҳақида айтиб ўтдилар.

Айниқса, “ёпиқ хизмат қўлланмалари”, ҳамда пуллик маълумот, жумладан норматив-ҳуқуқий актларнинг пулга сотилиши каби масалалар фаол мушоҳада этилди.

Ахборот олиш имконияти жабҳасида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосий тавсиялар ахборот олиш имконияти ҳақидаги қонунга қатор чекловлар, кенгайтириб шарҳлаш имкониятини йўққа чиқарувчи тушунчалар, ахборот тақдим қилиш тартибини белгиловчи аниқ механизм ва тақдим этилган сифатсиз ахборот юзасидан шикоят қилиш, давлат органлари ва жамият учун эътиборли бўлган ташкилотларнинг бошқа ҳаракати/ҳаракатсизлиги киритилиши заруригида акс этади.

“Маълумот олишга бўлган имкон тўғрисидаги” қонунлоийҳаси жорий йили Қозоғистон парламенти томонидан кўриб чиқилиши режалаштирилган.

## Ҳуқуқ муҳофазаси мавзусини ёритиш бўйича журналистлар учун тренинг

Алмати, 2-3 март

IWPR нинг Қозоғистондаги Ваколатхонаси тренинг-залида ҳуқуқ муҳофазасини ёритиш бўйича журналистлар учун тренинг бўлиб ўтди.

Тренер сифатида таниқли қозоғистонлик журналист, қозоғистондаги инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш халқаро бюросининг мониторинг бўйича муҳаррири Андрей Гришин, ҳамда IWPR нинг Қозоғистондаги Ваколатхонаси раҳбари Олга Дўсибиева қатнашдилар.

Асосан ёш журналистлар, ҳамда журналистика факултети талабалари иштирок этган тренинг доирасида Қозоғистондаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ асосий муаммолар, ҳуқуқ муҳофазасига қаратилган журналистиканинг мақсад ва вазифалари, унинг журналистикадаги бошқа йўналишлардан фарқи, афзалликлари, камчиликлари, хавф ва тўсиқлари, ҳамда ҳуқуқ муҳофазасини ёритаётган журналистларнинг алоҳида мавқеи ҳақида айтиб ўтилди.

Тренингни асосий қисми ҳуқуқ муҳофазаси журналистиканинг деярли йўқ бўлиб бораётган, аммо анъанага кўра, ушбу касбнинг энг юқори санъати ҳисобланмиш журналистик текширув жанрига бағишланди.

Шунингдек, тренерлар қонунчиликнинг халқаро ва маҳаллий меёрлари, уларнинг мувофиқлиги ёки номувофиқлигига катта эътибор қаратдилар. Маълумки, сўнгисига қозоқ қончилигидаги тўхмат учун жиноий жавобгарлик, даъво аризаларининг чекланмаган муддати ва ҳажмлари каби муаммолар киради.

Андрей Гришин фикрича, ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ журналистика ОАВ ларининг чекланган доираларида қўлланилиши боис, тренинг иштирокчиларини мазкур

соҳада кейинчалик фаолият юритишлари имкониятлари билан таништириш муҳим эди.

Шунинг учун, иштирокчилар тренинг пайтида ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ материалларга қизиқиши катта бўлган нуфузли босма ва он-лайн ОАВ ларининг рўйхатини тузиб чиқдилар.

Ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ мавзуларни ёритадиган аксар ОАВ лари қозоғистондаги ОАВ лари бўлмагани боис, тренинг давомида бир-бирдан кескин фарқ қиладиган маҳаллий ва хориж ОАВ ларига маълумот етказиш усуллари ўрганиб чиқилди.

Шу билан бир қаторда тренинг иштирокчилари маълумот манбалари, ҳамда нодавлат ва давлат ташкилотлари, ҳамкасблари ўртасидаги эксперт шарҳлари, ҳар бир мавзуга ўзига яраша янгилик ва ўқувчи эътиборини тортиб, унга қизиқ бўлган мавзуларни қидириш борасида янги билимларга эга бўлдилар.

Тренерлар ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ журналистиканинг ахлоқи ва хавфсизлиги кабиларга ҳам катта эътибор қаратиб ўтдилар. Чунки турли акция, митинг ва суд маҳкамаларини ёритадиган журналистлар учун махсус инструкциялар мавжуддир.

Бундан ташқари, ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ мавзуларни ёритиш пайтида зарар кўрган тарафнинг вазияти ёмонлашиши, можаро кескинлашишига йўл қўймаслик муҳимлиги ҳам айтиб ўтилди. Ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ журналистиканинг бу ва бошқа муҳим жиҳатлари тренинг давомида ташкил этилган алоҳида сессияларда муҳокама қилинди.

Тренингни баъзи иштирокчилари улар учун бу мавзу профессионал “сирларни” тушуниб етишда янгилик кашф қилганини таъкидлаб ўтдилар.

Тренинг чоғида унинг иштирокчилари ўзларининг келажакдаги мавзулари юзасидан режалар ишлаб чиқдилар.

## ДОЛЗАРЪ ИНТЕРВЮ

### НИГИНА БАҲРИЕВА:

**Тожикистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари фуқаролик урушини ҳали унутмаганлари сабабли оммавий намойишлар ўтказишдан кўра, расмийлар билан мулоқот олиб боришни маъқул кўрадилар**

*Таниқли тожик ҳуқуқ ҳимоячиси Тожикистондаги ҳуқуқ муҳофазаси ҳаракатининг муаммолари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб берди.*

**IWPR:** МДҲ нинг деярли барча мамлакатларида расмий ОАВ лари ёки ҳукумат ҳуқуқ ҳимоячиларига лоқайдлик билан ёндошиб, уларни ҳукуматга нисбатан жиддий муҳолиф куч ёки танқидчилар сифатида кўрмайди. Сизнингча МДҲ давлатларида ҳуқуқ ҳимоячиларини у қадар хуш кўрмасликларига нима сабаб?

**Нигина Баҳриева:** Гап собиқ совет иттифоқининг айнан қайси мамлақати

ҳақида кетаётганига аниқлик киритиб, бу саволга турлича ёндошиш мумкин бўлади. Мен МДҲ мамлакатларининг ҳар бирида ҳам ҳуқуқ ҳимоячилари ва ҳуқуқ муҳофазаси ҳаракатига бир хил муносабат мавжуд дея айтмаган бўлардим.

Бу ўша мамлакатларда ҳуқуқ муҳофазаси қандай юзага келганига ҳам боғлиқ. Масалан, Россияда илк ҳуқуқ ҳимоячилари собиқ сиёсатчилар бўл-



ган. Уларда ҳуқуқ муҳофазасига нисбатан бошқача ёндашув. Улар демократия ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни сиёсий миқёсда юриштига ҳаракат қилганлар.

Шу боис, Россияда ҳуқуқ муҳофазаси ҳаракатининг илк ташкил этилган йиллари кўпгина сиёсий ҳаракатлар амалга оширилганини кузатиш мумкин.

Ҳозир Россияда ҳуқуқ ҳимоячиларининг фаолияти анча чекланган, аммо улар етарли даражада малакалидирлар. Мен улар жиддий муҳолиф кучлар эмас дея айтмаган бўлардим. Улар ҳуқуқ муҳофазаси бўйича жиддий баёнот, тадқиқот ва баҳолашларни амалга оширадilar. Аммо масала ҳукумат ва давлат буларнинг барчасини қандай қабул қилишида.

Украина ва Грузиядаги ҳуқуқ муҳофазаси ҳаракати ҳақида гапириш жуда қийин. Улар етарли равишда фаол ҳаракат қиладилар, аммо менинг фикримча, бу мамлакатларда ҳам жиддий муаммолар мавжуд.

Қирғизистондаги ҳуқуқ ҳимоячилари эса, кўпроқ оммавий ҳаракатларга мойиллар. Шу боис, бу мамлакатда турли акциялар бўлмиш митинг, пикет, жамоат муҳокамалари жуда тараққий толган. Расмий органларда ҳуқуқ ҳимоячилари ўз нуқтаи назарларини илгари суришга ҳаракат қилган жуда кўп гуруҳлар мавжуд.

Қайсидир вақтга келиб буларнинг ҳаммаси инсон ҳақларни судда ҳимоя қилиш, халқаро характердаги механизмлардан фойдаланиш каби ҳуқуқ муҳофазасига ҳуқуқий ёндашув Қирғизистонда тобора камроқ ишлатила бошлашига сабаб бўлди.

Аммо сўнги пайтларда бу вазият анча баланслаштирилган. Масалан, менда стратегик суд жараёнларини мамлакатда қонунлар ишлашни бошлаши учун қўллайдиган кўпгина ҳам-касбларим бор. Айтганча, айнан мана шу ишлаймайдиган қонунлар бизнинг мамлакатларимиз учун умумий муаммодир.

Тожикистонда эса, ҳуқуқ муҳофазаси анча хайрихоҳ, ҳаттоки шовқинсиз дея аташ мумкин. Бунга айнаи босқичда ўзини оқлайди. Тожикистонда нодавлат секторининг ривожланишининг бир қанча босқичлари ҳақида гапириш мумкин.

Унинг илк тўлқини ҳудди собиқ совет иттифоқининг бошқа мамлакатларида бошлангандек бошланган. Мустақиллик йилларида мамлакатда сиёсий фаоллик оша бошлагач, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар кўринишидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларга эга бўлган жамоат ташкилотлари пайдо бўла бошлади.

Ўша пайтдаги жамоат бирлашмаларига ўз фаолиятларини сиёсийлаштириш хос эди. Улар мамлакатдаги у ёки бу сиёсий ҳаракат томонини ёқлаб, ҳукумат учун сиёсий курашга фаол киришгандилар.

Натижада уларнинг аксари 1992 йил охирига келиб, ўз фаолиятларини тўхтатдилар. Баъзиларининг низоми жамоат бирлашмаларига мос келмагани боис, улар фаолияти бекор қилинган ёки таъқиқланган эди.

Нодавлат ташкилотлари тараққий этиш иккинчи босқичи 1992-1997 йилларда бўлиб ўтган фцқаролар уруши пайтига тўғри келди. Бу даврдаги нодавлат ташкилотлари халқаро гуманитар ташкилотлари кўмагида ташкил этилди. Ушбу ташкилотлар фаолиятининг асосий жиҳатлари аҳолига гуманитар ёрдам кўрсатиш, ич терлама, безгак каби ўткир юқумли касалликларга қарши-кураш, тожик қочқинлари ва мамлакатга мажбуран қўчирилганларни қайтариш, ҳамда фуқаролар уруши пайтида бедарак йўқолганларни излашга қаратилган эди.

Ўша пайтда, бу ўзини оқлаган эди, сабаби, мамлакатда буткул инқироз юзга келган пайти, ягона муаммо ўлмади қолиш эди. Ўша пайти инсон ҳуқуқлари ҳақида гапириш жуда қийин эди.

2000 йилга келиб ҳуқуқ муҳофазаси ҳаракатининг фаоллашгани кузатилди.

Илк инсон ҳуқуқлари ташкилотлари, асосан, юридик хизмат кўрсатиш ва таълимий дастурларни амалга ошириш билан шуғулланганлар. Мамлакатда кам таъминланган фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат беришга қаратилган юридик қабулхоналар очила бошланган.

Бунга параллел равишда аёллар ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ташкилотлари кенг тарқала бошлади. Тожик ҳуқуқ муҳофазаси ва умуман олганда тожик нодавлат ташкилоти ҳаракатининг аксарияти халқаро ташкилотлари ҳомийлиги остида ташкил этилганлар. Улар етарли равишда мустақил бўлмаганлар.

Сени доимо молиялаштириб, сен учун ўйлаб, ёзиб, туришсаю, сен фақат шуларни бажарсанг, келажақдаги стратегиян қандай ва имкониятларининг ошириш ҳақида ўйлаш жуда қийин кечади. Мамлакатда ҳуқуқ муҳофазаси ҳаракати ва умуман нодавлат ташкилотлари секторининг сустигига ҳам айнан шу сабаб бўлган.

Аммо кейинчалик янги ташкилотлар тузилиб, профессионалик даражасига оша бошлади. Нодавлат ташкилотларининг лойиҳаларни қандай ёзиш, уларни амалга ошириш учун қандай

қилиб маблағ излаш каби имкониятларини мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб лойиҳа ва дастурлар амалга оширилди. Аммо ҳеч ким вазиятни тизимли равишда ўзгартириш учун ушбу тажрибадан қандай қилиб фойдаланиш кераклигини ҳисобга олмади.

Ҳозир Тожикистондаги ҳуқуқ муҳофазаси таҳлилий даражага кўтарилди бошлади. Аммо имконият деярли йўқ бўлгани боис, бунда жиддий муаммолар ҳам мавжуд. Гендер, ОАВ лари, инсон ҳуқуқлари соҳасида эксперт сифатида жалб қилинадиган одамларни бармоқ билан санаб ўтса бўлади.

Агар сиз бизда ўтказиладиган тадбирларни кузатиб борсангиз, уларда асосан кунда-шундалар иштирок этаётганини пайқашингиз мумкин. Аммо буни деярли барча собиқ совет мамлакатларида кузатиш мумкин. Экспертлар гуруҳи жуда озчилик. Бир тарафдан таҳлилчиларнинг маълум бир гуруҳи бўлгани яхши, аммо муаммолар мутахассисларга нисбатан кўпроқ бўлгани боис, улар доираси кенгайгани ҳам маъқулдир.

Донор ва халқаро ташкилотлар фуқаролик жамиятининг таҳлилий имкониятларини мустаҳкамлаш ҳақида кўп гапирмоқдалар. Бизлар учун таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаб берадиган халқаро маслаҳатчиларни доимо таклиф қилолмаймиз. Биз бу ишларни амалга оширишни ўзимиз ўрганишимиз керак. Маҳаллий эксперт учун бу вазият яқин бўлгани боис, бу ҳам арзон ва самарали бўлади.

Тожик ҳукумати фойдасига гапирадиган бўлсак, улар фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик қилишга тайёрлар. Доимо тадбир, иш бўйича учрашувларимиз, давра суҳбатларига ташриф буюриб, муаммоларни муҳокама қиладилар. Аммо буларнинг барчаси доим ҳам самара бермайди.

Аксар ҳолларда маълум бир учрашув тугаши билан барчаси яқун топади. Бир тарафдан бунга бизнинг қайсидир бир масалани яхши ишлаб чиқмаганимиз сабаб бўлса, иккинчидан қарорлар қабул қилишга доим ҳам сиёсий ирода етишмайди.

Биз ўз мамлакатимизда «Томчи тошни тешади» принципига амал қилган ҳолда ишлаяпмиз. Эртами-кечи бизда барибир ўзгаришлар бўлади.

**IWPR:** Ҳозир Тожикистондаги ҳуқуқ ҳимоячилари ўз вазифаларини бажараяптиларми? Мамлакатимиздаги ушбу ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

**Баҳриева:** Бизнинг ҳуқуқ муҳофазамизда профессионаллар етарли. Масалан, агар биз инсон ҳуқуқлари ҳақида



гапирадиган бўлсак, бу юристлардир. Аслида ҳуқуқ ҳимоячисининг албатта юрист бўлиши шарт эмас. У инсон ҳуқуқлари масаласини яхши тушуниши кифоя.

Ҳуқуқ муҳофазаси ҳаракатимизда ўзи-га яраша тарихий бир хотира бор, бу фуқаролар урушидир. Шу боис, биз қандайдир очиқ акциялар, оммавий мурожаатларга эҳтиёткорлик билан ёндошамиз.

Тартибсизликларга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай нарса бизнинг ҳуқуқ муҳофазаси ҳаракатимиз томонидан қабул қилинмайди. Мазкур ҳолатда, бу мулоқот.

Музокаралар олиб боришга уруниш узоқ муддатли, аммо аксар ҳолларда самарали жараёндир. Бунда биз доим ҳам ўз нуқтаи назаримизни ҳимоя қилолмаймиз. Баъзан биз бирор-бир фаолиятни ёмон бошламаймиз. Ёдин-гизда бўлса, маълумот олишга бўлган имкониятлар, жамоат ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунлоийҳалари бўйича муҳокамалар олиб боришга урунишлар бўлган. Уларнинг бошланиши доимо яхши кечади, таҳлил ва муҳокамалар ўтказилади. Аммо “Кейин нима бўлади? Натижада қандай қонун қабул қилинади, деган савол туғилгач, бунинг юзасидан олиб борилган ҳаракатлар туҳтайди.

Бу жараёни парламентда назорат қилиш, депутатлар билан учрашиш, қонунлоийҳаларида маълум бир муаммолар борлиги ва уларни ҳал этиш кераклигига ишонтириш керак. Аммо буларнинг барчаси охиригача амалга оширилмапти.

**IWPR:** Бу нима билан боғлиқ?

Баҳриева: Ўйлашимча, кўпчилик ҳукумат билан низога боришни истамаяпти. Ҳукумат билан ўзаро лойиҳалар ва фаолият мавжуд, улар бунинг ёмонлашишига йўл қўйишмоқчи эмас. Бошқа тарафдан эса, уларда ўзларининг ҳақликларини исботлашга етарли далиллар етишмаяпти.

Бизда қонунчилик ташаббуслари билан чиқадиган, шу жараёнинг ўзида иштирок этадиган ташкилотлар кам. Бунда фақат давра суҳбатини ўтказишнинг ўзи кифоя қилмайди. Сабаби, давра суҳбати, бу масаланинг буткул ечими дегани эмас. Бунда таҳлил олиб бориш, маслаҳатлар ишлаб чиқиш, турли учрашувлар ўтказиш, ҳаттоки парламент эшиттиришлари ташкил этиш керак. Бизда эса, бундай эшиттиришлар ўтказилмаган.

Ёдимда, давра суҳбатларининг бирида депутатлардан бири бундай деганди: “Доимо қонунлар ёмонлиги, қонунчилик яхши ишламаётга-

нидан арз қиласизлар. Ундан кўра, сизлар нима қилиш кераклигини айтинглар? Сабаби, биз бир неча бор қонунлоийҳаларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик, аммо сизлардан бирор бир изох келиб тушгани йўқ”. Биз муаммо ечимига тизимли равишда ёндоша олмаيمиз, сервис хизмати кўрсатишдан нарига ўтмаймиз.

Баъзи мамлакатларда эса, ташкилотлар сервис хизмат кўрсатишдан воз кечиб, тизимли ўзгаришлар даражасида иш олиб бормоқдалар. Ишга бўлган бундай ёндашув уларни заиф қилиб қўймоқда. Баъзи пайтлари улар одамлар билан алоқа қилмаганлари боис, муаммонинг ўзини тушуниб етмаяптилар.

Сервис ва тизимли ҳаракатлар бирикмаси мавжуд лойиҳалар зарур. Юридик қабулхоналари бўлмоғи зарур. Шу билан бир қаторда, қонунчилик ёки ҳуқуқ амалиётида муаммолар бўлган пайти, маълумотни таҳлил қилиб жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида музокаралар олиб бориш даражасига ўтиш керак.

**IWPR:** Freedom House маълумотларига кўра, яқин кунларгача Тожикистон “қисман эркин” мамлакат мақомига эга бўлган бўлса, ҳозирда у эркин бўлмаган мамлакатлар қаторида келтирилмоқда. Сизнингча, вазият қанчалик кескинлашиши мумкин?

**Баҳриева:** Бу саволга аниқ бир жавоб бериш қийин. Аммо менга мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича вазият ёқмаяпти. Ҳозир халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти ўртасида янада очик мулоқот жараёни кетмоқда. Буни тан олмоқ керак. Кўпроқ қонунлоийҳалари муҳокама қилиниб, ҳамкорликда қабул қилинган ташаббуслар мавжуд. У ёки бу соҳада ўтказилган кўпгина ислохотлар мавжуд. Вазият ўзгараётганидан дарак бераётган яхши жараёнларни кузатиш мумкин.

Кадрлар масаласи ва тизимнинг ўзида ислохотлар олиб бориш бўйича урунишга қаратилган давлат органларининг ўзида кўпгина ташаббуслар мавжуд. Буларнинг барчаси қадамма-қадам бўлса-да, биз инсон ҳуқуқлари бўйича вазиятни яхшилашда қандайдир бир ижобий натижаларга эришаётганимизни кўрсатаёпти.

Бошқа тарафдан эса, бу ҳаракатларни “би рқадам олдинга, икки қадам ортга” принципи бўйича баҳолаш мумкин. Масалан, буни оммавий ахборот воситалари соҳасида юз бераётган жараёнда кузатиш мумкин. Мазкур вазиятда суд ҳокимияти “тўртинчи ҳокимиятга” уруш эълон қилди. Бу жуда ёмон жараён.

ОАВ лари соҳасидаги қонунчилик тизимида ислохотлар амалга оши-

рилмаяпти. Қабул қилинаётган ҳужжатлар нима бўлганда ҳам фикр эркинлиги вазиятини ёмонлашишига олиб келмоқда. Бугун даъво аризалари ОАВ ларига нисбатан берилаётган бўлса, эртага бу бошқалар, масалан, танқидий маъруза ёки муқобил ҳисоботлар очиклаган жамоат ташкилотларига қарши қаратилиши мумкин.

Бу эса, шаън ва қадр-қиймат ҳақоратлангани учун даъво аризаларига олиб келиши мумкин. Натижада ҳеч ким бирор бир гап айтишни истамай қолади. Бунинг оқибатида эса, конструктив танқид йўқ бўла бошлайди.

Агар бошқа мамлакатлардаги вазиятни баҳолайдиган бўлсак, ЕХҲТ нинг сўз эркинлиги бўйича ўтказган таҳлиллари Тожикистон ва Қозоғистон бир даражада эканини кўрсатган. Худого шукрки, бизга бунда Ўзбекистонгача анча бор. Аслида бу жараён иккита жуда жиддий муаммо, яъни фикр эркинлиги ва суд ҳокимиятида маълум бир инқирозни юзага келтирмоқда.

Бу эса, ҳозирда суд ҳокимиятига нисбатан мавжуд бўлган ишончни буткул йўққа чиқариши мумкин. Шунда суд инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси каби қиёфасини буткул йўқотиши мумкин. Бу эса, давлат тизимидаги буткул инқирозга олиб келади.

**IWPR:** Сизнингча вазиятни қандай яхшилаш мумкин?

**Баҳриева:** Яқин кунгача биз халқаро меёрларга мос келган қонун шартлиги ҳақида гапиргандик. Ҳозир бундай қонунлар етарлича. Аммо икки йўналишда иш олиб бориш керак. Одам судга мурожаат қилиб, ўз манфаатларини суд органларида талаб этиши ва ҳимоя қилиши керак.

Бизда деярли ҳеч ким мурожаат қилмайдиган конструктив суд бўйича жуда яхши механизм мавжуд. Парламент конструктив бўлмаган қонунлар қабул қилиб, судлар уларни қўллаётган пайти, улар орқали қонунчиликни ўзгартиришга ҳаракат қилиб, манфаатларни ҳимоя қилиш мумкин. Ҳуқуқий тизим жуда кенг ва унда хатога йўл қўймай бўлмайди.

Ҳаракатсизлик вазият ўзгармаслигига олиб келади. Бунга эса, жоҳиллик, баъзан эса кўрқув сабаб бўлади. Аммо фуқаролик жамияти ва аҳолининг ўзи фаоллашмоғи даркор.

**IWPR:** Баъзан ҳуқуқ ҳимоячилари расмийлар билан мулоқот ўрнатишга уриниб, мавжуд реал муаммо ва қонунбузарчиликларни сезмасликка ҳаракат қилаётганларидек туюлади. Ҳаттоки анча ёпиқ мамлакат ҳисобланмиш кўшни Ўзбекистонда ҳам ҳуқуқ



ҳимоячилари анча фаолдек кўринади. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

**Баҳриева:** Мен бунга қисман қўшиламан. Аммо Ўзбекистонда ҳуқуқ ҳимоячилари анча фаолроқ деб айтмаган бўлардим. Улар сон жиҳатдан камроқ, аммо умидсизликдан қилган ҳайқириқлари анча баланд.

Мен Ўзбекистондаги вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қилаётганларга ўз ҳурматимни изҳор қиламан. Ўзбекистондаги вазиятда, бу анча хатарли. Аксар ўзбек ҳуқуқ ҳимоячилари мамлакатдан ташқарида фаолият юритадилар. Бу жуда ёмон.

Бизда муаммоларни кўтариб, уларни муҳокама қилишга ҳаракат қилишади. Аммо баъзи масалаларда бироз танқидий ёндашув керак. Мен бундай ёндашув расмийлар “кўнглини оғритиб қўяди”, дея ҳисобламайман. Улар ҳам нималарнидир ўзгартириш кераклигини тушуниб етадилар.

Агар танқид исботланган бўлса, расмийлар мулоқотга боришга тайёрлар дея ўйлайман. Масалан, суд тизими нима ёмон ва аниқ қандай ҳаракатларни амалга ошириш кераклиги ҳақида конкрет гапирмоқ. Бу бошқа соҳаларда мавжуд муаммоларга ҳам тегишли.

Қандайдир тадбирларда расмийлар қуйдагиларни жуда кўп айтадилар: “Албатта, сизларга осон. Доимо танқид қиласизлар. Муаммо борлигидан бизнинг хабаримиз йўқ дея ўйлайсизларми? Мавжуд бюджет ва кадрлардан келиб чиққан ҳолда нималарни амалга оширишимиз кераклигини айтинглар? Ва биз бу йўналишда конкрет нималар қилиш кераклиги ҳақида ўйлаймиз».

**IWPR:** HRW ҳисоботида Тожикистондаги ҳуқуқ муҳофазасига оид асосий муаммолар ичида адолатли судловга эришиш имкониятининг йўқлиги, процессуал қонунбузарликлар ва маҳбуслар билан муомалада бошбошдоқликка йўл қўйиш, ҳуқуқнинг нодавлат ва диний ташкилотлар, сиёсий партиялар, ОАВ устидан ҳаддан ортиқ назорат ўрнатганлиги, озиқ-овқат тақчиллиги ва бошқа шу каби муаммолар қайд этилган. Сизнингча, бугун қайси муаммо ва нима сабабдан ўтқир ҳисобланади?

**Баҳриева:** Аслида қаерга қарама ҳамма соҳада ўтқир муаммолар мавжуд. Аммо жорий йили мен фикр эркинлиги, маълумот олишга бўлган имкониятлар, адолатли суд маҳкамалари билан боғлиқ муаммоларни биринчи ўринга чиқарган бўлардим. Мана шу уч масала 2010 йилнинг биринчи июни ойи давомида долзарб бўлиб қолмоқда. Шунингдек, кўчириб чиқариш билан боғлиқ муаммолар ҳам долзарблигича қолмоқда.

**IWPR:** Роғун ГЭСи қурилиши учун тарқатилаётган акциялар оммавий

тус олмақда. Президент берган кафолатлар ва акцияларни сотиб олиш мажбурий эмаслиги ҳақидаги иддаоларга қарамай, кўпгина ташкилотларда маъмурий босим ўтказиш ҳолатлари кузатилаёпти. Нима учун ҳуқуқ ҳимоячилари бу борада сукут сақламоқдалар?

**Баҳриева:** Бирор бир иш сиёсий характерга эга бўлган пайти, аксар ҳолларда ҳуқуқ ҳимоячилари сукут сақлашни афзал кўрадилар. Бу бироз тушунарсиз. Ҳуқуқий давлатда ҳуқуқматга ишонч дея аталадиган принцип мавжуд. Президент, бу ҳуқуқматнинг юқори ишонч даражаси. Агар у оммавий равишда акциялар сотилиши мажбурий бўлмаслигига кафолат бериши ҳақида гапирса, биз унинг сўзларига ишонишимиз керак.

Агар ўқув муассасалари ва бошқа давлат органлари одамларни Роғун ГЭСи қурилиши учун мўлжалланган акцияларни сотиб олишга мажбурлаётган бўлсалар, ва ўз навбатида, одамлар буни истамай муаммога тўқнаш келлаётган бўлсалар, улар суд мурожаат қилишлари мумкин. Бу ҳақда гапирини бошлаб, унинг қандай оқибатларга олиб келишини кузатиш керак. Мажбурлаш ноўрин, яъни акцияни сотиб олмагани учун ўқишда талабага баҳо қўймаслик ёки бунинг учун ишдан бўшатиш нотўғри. Бу қонун бузилиши ҳисобланади. Роғун ГЭСи қурилиши учун мўлжалланган акцияларни сотиб олишга бўлган чақириқлар бор. Шунингдек, ўз имкониятлари, фидокорлик даражасидан келиб чиққан ҳолда бу акцияларни сотиб олиш ёки олмасликка қаратилган фуқаролик иродаси ва жавобгарлик мавжуд.

Бу акциялар мамлакатдаги энергия инқирози билан боғлиқ вазиятни яхшилашга қаратилгани тушунарли. Аммо бунда маълум бир ишончсизлик мавжуд. Қанча акция сотиб олинди? Улардан келиб тушган пуллар қандай тақсимланди ва нималарга сарф қилинди? Агар бу тизим йўлга қўйилиб, шаффоф бўлса, балки бундан аввал акцияларни сотиб олишни истамаган кўпчилик, аксинча иш тутарди.

**IWPR:** Нигина, ўтган йил декабр ойида сизни Бишкекдан бадарға қилинишингизга нима сабаб бўлганига ойдинлик кирита олмайсизми?

**Баҳриева:** Сабаблари аниқлангани йўқ. Аммо мен бу ҳақдаги таҳминларимни ва нима ўйлаётганимни айтиб беришим мумкин. Гап шундаки, мен БМТнинг инсон ҳуқуқлари ҳимояси тизими бўйича эксперти ҳисобланаман.

2004 йилдан бошлаб мен Қирғизистондаги ёш ҳуқуқ фаоллари гуруҳи томонидан амалга оширилаётган “Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро пакт ва унга қўшимча факультатив протоколнинг амалга оши-

рилиши бўйича амалиётчи адвокатлар учун курслар” дастурида ишлайман.

Мазкур дастур доирасида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари комитети аъзолари, обрўли судьялар, ҳамда Европа ва МДХнинг турли мамлакатлари адвокатлари бўлган экспертлар, адвокатларни БМТнинг инсон ҳуқуқлари комитетига шахсий шикоят аризаларини тўғри тузишни ўргатишади.

Масалан, агар Тожикистон Факултатив протокол аъзоси бўла туриб, бу каби илк аризалар БМТнинг инсон ҳуқуқлари комитетига 2000 йилда берилган бўлса, Қирғизистонда бу Пактга биздан аввал қўшилган бўлсалар-да, 2004 йилгача бундай аризалар комитетга берилмаган.

2009 йил август ойида мени ана шу семинарга таклиф қилдилар. У ерда Новқат воқеалари бўйича суд жараёнларида иштирок этган адвокатлар ҳам бор эди. Эслатиб ўтсам, 2008 йил ноябр ойида қирғиз ҳуқуқмати Новқатда Рамазон байрамини нишонлашни таъқиқлаб қўйди ва бунинг барчаси норозилик акциялари ва суд маҳкамаларининг бошланишига олиб келди.

Озодликдан маҳрум қилинганларнинг адвокатлари, маҳбусларга нисбатан қийноқ қўллаш, адолатсиз суд жараёнлари ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бошқа қатор қонунбузарликлар ҳақида гапиргандилар. Кейин менга илк шикоят аризаларини йўллаб, уларни БМТнинг инсон ҳуқуқлари комитетига йўллаш қанчалик тўғри экани бўйича баҳолаб беришимни сўрашди.

2009 йил декабр ойида мен Бишкекдаги қирғиз омбудсмени офисининг таклифига биноан, ёпиқ муассасалар мониторинги бўйича семинарда иштирок этиш учун Қирғизистонга келдим. Аммо бу мамлакат ҳудудига 10 йил давомида кириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, Қирғизистондан бадарға қилиндим. Мен бунинг сабаблари билан қизиққанымда, менга сентябр ойида қирғиз ҳуқуқ-тартибот органлари билан муаммога борганим боис, бадарға қилинаётганим ҳақида айтишди.

Аммо бу ёлғон. Менда ҳеч қачон божхона ва чегара хизматлари, ҳамда ҳужжатларим билан боғлиқ муаммолар бўлмаган. Ҳозир меннинг Қирғизистонда манфаатларим ҳимоя қилиниши учун ишонч қоғозини тайёрлаб, уни Бишкекдаги Мустақил ҳуқуқ муҳофазаси гуруҳидаги ҳамкасбларимга юбордим. Менинг Қирғизистондан бадарға қилинишим тўғрисидаги қарорнинг қайта шириб чиқилиши бўйича судга мурожаат қилмоқчиман.

**Зарина Эргашева,  
Душанбе**



# БЕРНД РЭЧЕЛ: Туркманистон соғлиқни сақлаш тизими тадқиқотлари «қора туйнук» нинг ўрганилиши кабидир

Ўтган йил декабр ойида Туркманистонда ўз фаолиятини бекор қилган «Чегара билмас шифокорлар» («Médecins Sans Frontières» - MSF) халқаро тиббиёт инсонпарвар ташкилоти, 12 апрел куни «Туркманистон: шаффоф бўлмаган соғлиқни сақлаш тизими» номли ҳисоботини эълон қилди. Ушбу ҳисобот мамлакат соғлиқни сақлаш тизимидаги баъзи долзарб масалаларни кенг оммага ошкор қилди. Аммо туркман ҳукумати ушбу ҳисоботга нисбатан салбий муносабат билдирди. ТДХ давлат ахборот агентлиги, ушбу масала муҳокама қилинган вазирлар маҳкамасининг сўнги мажлисида, замонавий Туркманистон ўзига хос ва яхши йўлга қўйилган соғлиқни сақлаш тизимига эга эканлиги ва мустақиллик йилларида унинг барчага очиқ ва самарали бўлгани амалда исботлангани қайд этилгани ҳақида маълум қилди.

Гигиена ва тропик тиббиёт Лондон мактабининг жамоат соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ўқитувчиси, соғлиқни сақлаш тизими ва сиёсати бўйича Европа обсерваторияси тадқиқотчиси, ҳамда «Ниёзовдан сўнг Туркманистондаги соғлиқни сақлаш тизими» китобининг ҳаммуаллифи Бернд Речел, NBCA га берган интервьюсида Туркманистондаги соғлиқни сақлаш тизими бўйича масала юзасидан саволларга жавоб берди.

Жаноб Речел социология бўйича бакалавр, ирқий ва этник тадқиқотлар бўйича магистр, ҳамда Россия ва Шарқий-Европа тадқиқотлари бўйича доктор даражасига эгадир.

Туркман соғлиқни сақлаш тизимини қандай баҳолайсиз?

**Речел:** Туркман соғлиқни сақлаш тизими Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида мавжуд қийинчиликлар, яъни юқори кўрсаткичли юқумли касалликлар, сил касали, ҳамда болалар ва аёллар ўлимининг юқори кўрсаткичи кабиларга дуч келмоқда. Аммо Туркманистон соғлиқни сақлаш тизими шаффоф бўлмагани, вазиятни кескинлаштирмоқда.

Туркмани ҳукумати аксар ҳолларда мавжуд камчиликларни рад қилиш ёки маълумотларни ўзгартириш сиёсатини олиб бормоқда. Энг асосий муаммолардан бири, бу соғлиқни сақлаш тизими ва аҳолининг соғлиги бўйича маълумотларнинг умуман йўқлигидир. Ҳукуматнинг статистика маълумотлари ё кенг оммага ошкор қилинмайди, ё улар нотўғридир. Масалан, буни оналар ўлими юзасидан олиб борилаётган статистикада кузатиш мумкин.

Туркманистондаги оналар ўлими бўйича статистика маълумотлари, Нидерланд бўйича келтирилган ана шундай статистика маълумотларидан ҳам анча паст эди. Бу эса, Туркманистон каби мамлакат учун хос бўлмаган кўрсаткич.

Бундан ташқари, туркман ҳукумати сўнги йилларда мамлакатда ОИВ бўйича бирорта ҳам ҳолат рўйхатга олинмаганини таъкидлаб келмоқда. Бу эса, умуман ақлга сиғмайдиган ишдир. Ҳукумат статистика маълумотлари бўлмаган ёки улар нотўғри кўрсатилган тақдирда, биз мавжуд вазият бўйича аниқ маълумот олиш учун тадқиқотлар олиб боришимиз мумкин.

Аммо айна пайтда Туркманистонда мустақил тадқиқотлар олиб боришнинг имкони йўқ. Туркманистон соғлиқни сақлаш тизими тадқиқотлари «қора туйнук»нинг ўрганилиши кабидир.

**NBCA:** MSF ҳисоботида тиббий парваришнинг паст сифати ва турли сабабларга кўра тиббиёт ходимларининг малакасизлиги келтирилган. Булар тиббиёт ходимларини тайёрлаш ишларининг яхши йўлга қўйилмагани, шифокорлар орасида тез учраб турадиган кадрлар алмашинуви сабаб юзага келган ҳавотир ва ўзига ишончсизликни келтириб чиқарган режим олдидаги кўркувдир.

Сизнингча Туркманистондаги тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси қандай?

**Речел:** Менинг маълумотларим бўйича, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатининг пастлиги ва айниқса малакали тиббий ёрдам кўрсатувчи ходимлар етишмаслиги, мамлакат соғлиқни

сақлаш тизимининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Ниёзов ҳукумати таълим соҳаси, жумладан, тиббиёт бўйича таълим соҳасига жиддий зиён келтирган. Гарчи ҳозирга келиб тиббиёт бўйича таълим олиш муддатлари узайтирилган бўлса-да, унинг сифати шубҳа уйғотмоқда. Собиқ совет иттифоқининг бошқа республикаларида бўлгани каби, тиббий ёрдам кўрсатишга норасмий ҳақ тўлаш кенг тарқалган ҳолатлигича қолмоқда. Бунга шифокорлар маошининг пастлиги сабаб бўлса-да, у керак бўлмаган тиббий ёрдам кўрсатиш ва охир-оқибатда, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатининг пасайишига олиб келмоқда.

**NBCA:** MSF ҳисоботида келтирилган юқумли касалликлар, жумладан сифилис ва ОИВ бўйича ҳолатларнинг яширилиши жамият соғлиғига қандай таъсир қилмоқда. Бу ҳолатни қанчалик оқлаш мумкин?

**Речел:** Юқумли касалликлар бўйича фактларнинг яширилишини ҳеч оқлаб бўлмайди. У фақат зиён келтиради, ҳамда мижозларни керакли даъво олиш имконидан маҳрум қилиб, аҳоли орасида хавф-хатарни оширади. Буни Хитой ҳукумати узоқ вақт яшириб келган, аммо кейинчалик дунёда кенг тарқалиб кетган атипик пневмония миносида кўриш мумкин.

**NBCA:** Сизнингча туркман ҳукумати соғлиқни сақлаш тизимининг шаффофлигини нечоғлик таъминлаб бериши мумкин? Бунинг учун нималарни амалга ошириш мумкин?

**Речел:** Биз мамлакат соғлиқни сақлаш тизимидаги вазият бўйича мустақил баҳолаш ўтказишни талаб қилгандик. Аммо бу сайи-ҳаракатларимиз самара бермади. Халқаро ҳамжамият соғлиқни сақлаш тизими бўйича шаффофликни таъминлаш юзасидан кўпроқ чоралар кўрмоғи лозим. Туркманистондаги соғлиқни сақлаш тизими бўйича асосий маълумотларнинг йўқлиги, бу вазиятни яхшилаш ишларини йўққа чиқаради.

Интервьюни IWPR нинг Туркманистон ва Ўзбекистон бўйича бош муҳаррири Инга Сикорская тайёрлади.





## Африкаликлар Қозоғистонда яшаш ҳуқуқи учун курашмоқдалар

Қозоғистонда узоқ муддат давомида яшаб келаётган бошқа давлат фуқаролари, ҳуқуқатнинг ўз бошимчалиги ва уларни мамлакат ҳудудида кўриш нияти йўқлиги билан тўқнаш келаётганларини айтишмоқда.

Мали фуқароси бўлмиш Идрисса Траоре Қозоғистон миграция хизмати билан ҳуқуқий муаммоларга дуч келди. Траоре қозоқ миграция хизмати уни ноқонуний жарима тўлашга мажбур қилаётгани, акс ҳолда эса, мамлакат ҳудудидан бадарға қилиш билан кўрқитаётгани ҳақида гапириб берди.

Траоренинг ўтган йил кузида ўзини миграция хизматига топшириш эвазига, аксинча, бу давлат органи билан олишиш қарори шунчалик антиқа тарзда юз бердики, бу ҳолатни декабр ойида ҳаттоки машҳур “Время” газетаси ҳам ёзиб чиқди.

Аввалига гап Қозоғистонга яқиндагина келган иммигрант ҳақида кетаётгандек, аммо аслида Траоре Қозоғистонда 20 йилдан бери яшаб келмоқда. У совет даври пайтида, Қозоғистондаги Олий ўқув юртлирининг бирида ветеренарлик бўйича таҳсил олган. У мустақилликни қўлга киритган Қозоғистонда ўқишни битиргач қолиб кетган 200 нафар африкаликлардан биридир.

Улар бу мамлакатда узоқ вақт яшаб келаётган бўлсалар-да, уларнинг Қозоғистонда қонуний яшашларига тўсқинлик қилаётган муаммолар юзасидан арз қилмоқдалар. Траоре Қозоғистонда қонуний яшаш учун бериладиган ҳужжатни 2004 йили олган. Аммо у ана шу ҳужжат муддатини чўздирish учун ўтган йил август ойида миграция хизматига мурожаат қилганида, расмий орган африкаликка нисбатан 2007 йили 100 доллар миқдорида солинган жаримани тўлаши кераклигини маълум қилган. Бунга эса, Траоренинг Олмаотада пропискадан ўтиб, Остонада ишлагани сабаб сифатида келтирилган.

Траоренинг таъкидлашича, у жаримани вақтида тўлаган, аммо расмийлар, ўз навбатида, уларда жарима тўлангани ҳақида маълумотлар йўқлигини айтишган. Аммо энг асосийси шундаки, аслида африкалик ушбу жаримани тўлаши керак бўлмаган. Чунки Қозоғистонда қонуний яшаш учун бериладиган ҳужжатга асосан, улар мам-

лакат ҳудудида ҳеч бир тўсиқсиз кўчиб ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қозоғистонда қонуний яшаш учун бериладиган ҳужжатни чўздирish-га руҳсат берилмагани боис, Траоре ҳозирда ҳеч қаерда ишлай олмайди. Ҳозир унинг ёнида паспорти ҳам йўқ, чунки африкалик уни Қозоғистонда қонуний яшаш учун бериладиган ҳужжат муддатини чўздирish учун миграция органига топшириб қўйган.

Траоре миграция хизмати унга нисбатан жарима солгани ва ишлаб, тирикчилик қилиш имконидан маҳрум қилгани боис, миграция полицияси Бошқармаси устидан шикоят қилиб, судга мурожаат қилди. Шунингдек, у миграция хизмати ходимларидан бири уни Қозоғистонда қонуний яшаш учун бериладиган ҳужжатини тортиб олиш учун исталган сабаб топиши ҳақида айтган дағдағаларидан кейин ёзган аризасини кўриб чиқишларини сўраб, прокуратурага мурожаат қилган.

“Бу ишни охиргача олиб бориш мен учун қатъиятчиликдир. Мен ҳеч қандай жарима тўламайман”, - деди IWPR га Траоре. Шунингдек, у мамлакат бўйлаб кўчиб ўтиш, қонуний иш жойи танлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб турган вазиятда узоқ яшай олмаслигини ҳам қўшимча қилди.

Қозоғистондаги инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш халқаро бюросининг юристи Виктория Тюленева Траоренинг ишини олиб бормоқда. Унинг айтишича, африкаликнинг жарима тўламасликка буткул ҳаққи бор.

Тюленева, айна пайтда, миграция хизмати африкаликка худди мамлакатда виза бўйича яшаб келаётган хориж фуқаросига нисбатан муносабат қилаётгани, аслида эса, Траоре Қозоғистонда қонуний яшаш учун бериладиган ҳужжатга эга бўлгани боис, барча Қозоғистон фуқаролари каби мамлакат ҳудуди бўйлаб эркин кўчиб юриш ҳуқуқига эга эканлиги ва маҳаллий миграция хизматида рўйхатдан ўтиши керак эмаслигини айтади.

Траоре иши билан шуғулланаётган расмий, Олмаота миграция полицияси бошқармаси раҳбари ўринбосари Айкелди Асановнинг таъкидлашича, барча хориж фуқаролари миграция хизматида рўйхатдан ўтмоқлари керак. “Улар қонунга бўйсинишлари керак”, - деди у. “Агар улар бунга кўнмасалар, у ҳолда Қозоғистонда яшаш ҳуқуқидан воз кечсинлар”.

Асанов африкаликка нисбатан солининг жарима юзасидан қўйилган саволни кўриб чиқишни истамади. Кейинчалик бу масала бўйича миграция полициясига қилган мурожаатлар ҳам самара бергани йўқ. Қозоғистонда яшаётган бошқа африкаликлар ҳам айнан мана шундай муаммоларга тўқнаш келаётганларини айтишмоқда.

Қозоғистондаги африкаликлар Иттифоқининг раиси, Сера Леона фуқароси бўлмиш Ламин Бангура Траорени ёқлаб чиқмоқда. Унинг айтишича, ўтмишда унинг ўзи ҳам Қозоғистонда қонуний яшаш учун бериладиган ҳужжатни олишда ана шундай муаммоларга дуч келган.

“Буларнинг барчаси бир неча йилдан бери давом этиб келаяпти, - деди у. - Қозоғистонда қонуний яшаш учун бериладиган ҳужжат муддатини чўздирish вақти келганида, миграция полицияси гўё бизни атайлаб қийнаш учун ана шундай баҳоналар ўйлаб топмоқда”. Уларга бир ҳужжатни олиб келсанг, улар аслида керак бўлмаган бошқа бир ҳужжатни талаб қилишади”.

Бангура Қозоғистонда қонуний яшаш учун бериладиган ҳужжат муддатини чўздирishда бошқа миллат вакилларига тўсиқлар қўйилмаслиги, фақат африкаликларга ана шундай муносабат бўлаётгани ҳақида гапирди.

Натижада, унга кўра, қозоқ расмийлари африкаликлар Қозоғистонни тарк этишларини истаётганлари сабаб, улар ўзларини бу мамлакатда худди бегонадек ҳис қиладилар. “Биз қаерга борамиз?”, - дейди Бангура. - Бизнинг аёлларимиз, фарзандларимиз, ишимиз бор”.



Ганалик Франсиснинг айтишича, бунда коррупция катта рол ўйнайди ва полиция пора эвазига барча қонунбузарликларга юз юмишга тайёр.

“Баъзан менга бундай тизим африкаликлар пулини худди сигирлардек соғиш учун ташкил этилгандек туюлади, — дейди Франсис. — Пулни олгач, улар келаси сафаргача барчасига кўз юмишади”.

Тюленева эса, Қозоғистонда бундай муаммога фақат африкаликлар эмас, балки барча иммигрантлар тўқнаш келаётганини айтади.

“Бундай вазият ягона эмас, у миграция полицияси ва мигрантлар ўртасидаги муносабатни акс эттиради. Шунингдек, турли миллат вакиллари бўлган барча мигрантлар ана шундай муаммога дуч келмоқдалар”, — дейди у.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, Қозоғистонда 300 мингдан то бир миллионгача мигрант истиқомат қилиб, уларнинг аксари Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистонлик мавсумий ишчилардир.

БМТ Олий комиссари Бошқармаси “Қочқинларга ҳуқуқий кўмак кўрсатиш” лойиҳасининг координатори Денис Живага, миграция полицияси мигрантларни енгил ўлжа дея ҳисоблаши ҳақида айтади. Аксар ҳолларда бунга мигрантларнинг ўз ҳуқуқларини билмасликлари сабаб бўлмоқда.

“Бугунги кунда миграция полицияси мигрантларни, авваломбор, даромад манбаидек кўради, — дейди у. — Бу уларга қонунни ўз билганларича талқин қилишларига кўмак беради».

Траоренинг иши кенг жамоатчиликка ошкор бўлгач, миграция полицияси унинг иши яқин кунларда ижобий ҳал бўлиши, аммо ҳозирда юзага келган техник сабаблар туфайли бироз тўхтаб турганини маълум қилди.

Траоре иммиграция органларининг бошқача муносабатини кўришни истаётгани, аслида бундай вазиятда одамлар кўп нарса талаб қилмаётганларини айтади.

“Улар бизга ўз юртимизда яшашдек ҳуқуқ бермасалар-да, ҳеч бўлмаса, Қозоғистонда қонуний яшашга ҳуқуқ берсинлар. Эртага кимдир келиб, бу ерда ноқонуний ишлаётганимиз ҳақида гапириши мумкин, — дейди у. — “Исталган пайт иммигрантлар ёнига келиб: сен бу ерда нима қилаяпсан?”, дейишлари мумкин”.

**Андрей Гришин,  
Алмати**

## ҚИРҒИЗИСТОН



### Қирғизистон ҳукумати ер эгаллаб олувчилар билан курашмоқда\*



**Ерни куч билан эгаллаб олиш ҳолатлари зўравонликка олиб келаётган бир пайти, янги ҳукуматни тартиб ўрнатишга ундашмоқда.**

Қирғизистондаги янги ҳукуматдан пойтахт Бишкек атрофидаги ерлар учун шавқатсиз кураш олиб борилаётган вазиятда тартиб ўрнатишни талаб қилаётганлари боис, у босим остида қолмоқда.

Гарчи ер эгаллаб олиш ҳолатлари ўз бошимчалик, тизимли ва оммавий тусга эга бўлиб, одамларнинг реал муаммолари билан боғлиқ бўлса-да, таҳлилчилар бу ҳаракатлар янги ҳукуматга муҳолиф бўлган кучлар томонидан бошқарилаётганини таҳмин қилишмоқда.

Қирғизистон ички ишлар вазири вазифасини вақтинча бажарувчи расмий, 19 апрел куни Бишкек шимолидаги Маевка қишлоғида бир неча юз кишининг ерни эгаллаб олиши натижасида беш киши ҳалок бўлгани ва 40 киши жароҳат олганини таъкидлаб ўтди.



8 апрел

*\* Бюллетен чоп этилишга тайёр бўлган пайти, биз ёритиш муҳим дея топган қуйидаги ўзгаришлар юз берди:*

Маевкада юз берган тартибсизликлар натижасида 120 киши қўлга олиниб, шулардан еттигаси гумонланувчи шахс сифатида кўриб чиқилмоқда. “Улар жиноий жавобгарликка тортилади”, — дея таъкидлаб ўтди 6 май куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида Давлат миллий хавфсизлик хизмати раиси Кенешбек Душебаев.

Маевкада содир бўлган тартибсизликлардан сўнг, қишлоқ кучли назорат остида қолмоқда. Кўнгилли дружиначилар маҳаллий аҳоли билан биргаликда экинлар учун мўлжалланган ерларнинг эгаллаб олинишидан қўриқлашмоқда. Жойларда милициянинг кучайтирилган нарядлари навбатчилик қилмоқда.

7 май куни яна бошқа бир жойда, яъни “Қора-Жиғач” турар массиви ёнида 30 дан ошиқ ер эгаллаб олувчилар Чуй вилояти ва Аламудун ички ишлар бошқармаларига олиб келинди. Айни пайтда, туман суди бу ишни Қирғизистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 105-чи “Ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш” моддасига асосан кўриб чиқмоқда.

7 майга келиб Қирғизистонда 5 мингга яқин ер эгаллаб олувчилар рўйхатга олингани маълум бўлди. Улар ҳозиргача муваққат ҳукуматдан ҳар бири учун шаҳар атрофидан 4 соткагача ер ажратишни талаб қилишмоқда. Бу ҳақда матбуот анжумани пайтида уларнинг вакиллари маълум қилдилар. Ер эгаллаб олувчилар ҳукуматнинг уларга ер ажратишига аминдилар.

Ҳозир Бишкек ва унинг атрофидаги ер босқинига учраган қишлоқлар аҳолиси, худди ер эгаллаб олувчилар каби янги ҳукуматнинг қарорини кутмоқдалар. Чунки ҳозирга қадар бу муаммо ҳал қилинмаганча қолиб кетмоқда.





ТБундай ер эгаллаб олишлар, асосан, яхши ҳаёт истаб пойтахтга келган мигрантлар томонидан амалга оширилади. Бундай ҳолатлар Қирғизистон мустақилликка эришгач ва сиёсий барқарорсизлик пайтида тез-тез юз беради.

Ерларни эгаллаб олиш бўйича сўнги ҳолат, 6-7 апрел куни Қурмонбек Бакиев ва истеъфоси ва янги муваққат ҳукумат ташкил этилишига олиб келган оммавий тартибсизликлар пайтида юзага келди.

Гарчи муваққат ҳукумат ерларни ноқонуний босиб олишга нисбатан чоралар кўрилиши ҳақида огоҳлантирган бўлсада, минглаб одамлар пойтахт атрофидаги ерларни эгаллаб бошлади.

Маевкада ер эгаллаб олувчилар Бишкек марказига тўда бўлиб келиб, ерга бўлган ҳақ-хуқуқларини талаб қила бошладилар. Ер эгаллаб олувчилар ёнига чиққан Бишкек ҳокими вазифасини бажарувчи Иса Ҳумрқуловнинг кейинчалик айтиши бўйича, у ер талаб қилган одамларга маҳаллий ҳукумат бу масалани муҳокама қилишини ваъда қилган. “Шаҳар атрофида бўш ерлар йўқ” Бировнинг мол-мулки, бировнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларини босиб олишга йўл қўймаймиз, - деди у IWPR га.

Ерга даъво қилаётганлар Маевкага қайтиб келишгач, улар ва маҳаллий аҳоли ўртасида тўқнашув юзага келди. Бишкек яқинида жойлашган қишлоқда қирғизлар, этник руслар ва Иккинчи жаҳон уруши пайтида Сталин томонидан Марказий Осиё ва Кавказга кўчирилган месхети турклари истиқомат қиладилар.

Ушбу ҳодисалардан сўнг Маевкага ташриф буюрган IWPR муҳбири қишлоқни тутун ўраб олгани, уйлар, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган бинолар ва машиналар ёндирилгани гувоҳи бўлди.

Уйига ҳужум уюштирилган ушбу қишлоқдаги турк миллатидаги аёл, ер эгаллаб олувчилар Бишкекдаги тартибсизликларда иштирок этиб, Бакиевни тахтдан туширганлари, энди эса, мукофот учун келганларини айтишгани ҳақида гапириб берди.

Аёл ер эгаллаб олганларнинг муваққат ҳукуматга қарата айтган сўзларини эслайди: “Биз сизларга Оқ уйни бердик, сиз эса бизларга ер беринглар!”.

Худди шу аёл каби, IWPR томонидан сўроқ қилинган қишлоқнинг бошқа турғунлари ҳам шок ҳолатида эканларини айтиб беришди.

Ер эгаллаб олувчилар этник қирғиз бўлишларига қарамай, аҳоли уларга миллатидан қатъий назар тажовуз қилингани ҳақида айтишмоқда.

“Мен қирғизлар орасида яшашдан қўрқмайман, - дейди Маевкада яшайдиган рус аёли. – Биз бир неча йилдан бери тинч-тотув яшаб келмоқдамиз. Аммо энди мен Қирғизистонда яшашдан қўрқаяпман”.

Ўша куннинг ўзидаёқ, Маевкадаги тартибсизликнинг олдини олиш учун қишлоққа милиция, ҳамда “Фидокор” кўнгилли дружиначилар штаби вакиллари юборилиб, натижада юздан ошиқ одам қўлга олинди. Уларга кўра, ҳозир қишлоқда тартиб ўрнатилган.

Келаси куни, яъни 20 апрелда пойтахтнинг жанубидаги яна бир жойда ерни эгаллаб олиш ҳолати юз берди. Аммо бу сафар ҳодиса тинч якун топди. Ёш болали оилалар ва қариялардан ташкил топган одамлар гуруҳи палаткалар ўрнатиб, бу ерда қолиш ниятлари борлигини таъкидлаб ўтишди. Уларга нисбатан куч қўллаш ҳолати юз бергани қайд этилгани йўқ.

Ҳоким Ҳумрқуловнинг IWPR га айтишича, ер эгаллаб олувчилар талаб қилган ерлар, ҳукумат кўп қаватли уйлар қуришни режаллаган яшил ҳудудга тегишли бўлган.

### **ҲУКУМАТ КЕСКИН ҲАРАКАТЛАР КЎРИШГА ТАЙЁРЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛМОҚДА**

Маевкада содир бўлган воқеалардан бир кун ўтиб, муваққат бош вазир Роза Ҳунбаева, ҳуқуқ-тартибот органлари-



га жамоат тартибини сақлаш, одамлар ҳаёти, шахсий, фуқаролик ва ҳарбий объектларга ҳужум қилинган тақдирда, уларни ҳимоя қилиш буйруғи берилгани ҳақида фармойиш чиқарганини маълум қилди. Ҳунбаева, акс ҳолда ҳуқуқ-тартибот органларига қонунбузарларга қарата ўқ очиш ҳуқуқи берилганини ҳам таъкидлаб ўтди.

Ички ишлар вазирлигининг матбуот котиби Раҳматилло Аҳмедов, айтиш пайтида содир бўлган вазиятнинг сабабларини аниқлаш борасида тергов ишлари

олиб борилаётгани, ҳамда ноқонуний ер эгаллаш ташкилотчилари ва оммавий тартибсизлик иштирокчилари аниқланаётганини таъкидлаб ўтди.

Бакиев тахтдан кетгач, Қирғизистон ҳуқуқ-тартибот органлари вазирликка янги раҳбар тайинлангани боис, бироз иккилашиб қолдилар. Шу боис, Бишкек ҳокими апрел воқеалари пайтида тушқунликка тушган ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари қайтадан жамиятни ҳимоя қилишлари мумкинлигини айтиб ўтди.

Маевкадан узоқда бўлмаган Ленинск қишлоғи турғунлари улар ерларига босқин бўлган тақдирда, милиция ёрдамга келмаслигидан хавфсизраб, ўз ерларида нотаниш кишиларни кўргач, мудофаа учун отрядлар туза бошладилар.

“Биз уларга ерларимизни босиб олишларига йўл қўймаймиз, - деди ўз исминини айтишни истамаган қишлоқдаги аёллардан бири. Шунингдек, у Маевкадаги босқин пайтида милиция кечикиб келгани боис, айтиш пайтида Ленинск турғунлари фақат ўз кучларига ишонаётганларини қўшимча қилиб ўтди.

### **ЯШИРИН ТАЪСИРНИНГ ҲАРАКАТГА КЕЛИШИМИ?**

Ҳафта бошида маҳаллий ҳокимият биноси ва телестанцияни босиб олган Бакиев тарафдорлари, 21 апрел куни Қирғизистон жанубида жойлашган Жалолобод шаҳрида милиция билан қайта тўқнашдилар. Янги ҳукуматга муҳолиф бўлган кучлар одамларни ерларни босиб олишга яширинча даъват қилганлари ҳақидаги таҳминлар ҳам мавжуд.

“Ерни эгаллаб олаётганлар ҳаракатларини оқилонга бошқариб келишмоқда, - деди Ҳумрқулов. – Пойтахтга бошқа ҳудудлардан келган одамлар Бишкекда бундай ерлар айнан қаерда жойлашганини билмаганларида, бундай бўлмасди”.

Маевкадаги тартибсизлик пайтида милицияга ёрдам бериш учун келган “Фидокор” штабининг волонтери, ер эгаллаб олувчилар талаблари реал қийинчиликларга асосланган бўлсада, улар ҳаракати кимдир томонидан бошқарилаётганини айтиб ўтди.

“Ер эгаллаб олувчилар, асосан, 15 дан то 25 ёшдагилардир. Биз улар билан гаплашишга муваффақ бўлдик, уларнинг аксари шаҳарга четдан келиб ишлаётганлардир. Уларнинг чиндан ҳам уйлари йўқ, улар ё уйни ижарага олиб, ё қариндошлариникида яшамоқдалар, - деди Эрлан Жусупов исмли дружи-



начи. – Баъзи ёшлар, бу акциялар ташкиллаштирилмаган тақдирда, бундай кескин чораларга бормаган бўлганларини айтишмоқда. Ер эгаллаб олиш ҳолатларини маълум бир кишилар бошқармоқдалар. Улар ёшларни овқатлантириб, спиртли ичимлик билан таъминлашмоқда. Биз ер эгаллаб олувчиларнинг кўпи маст ҳолатда эканини кўрдик. Мен бу тартибсизликлар муваққат ҳукуматга қарши қаратилган бўлиб, сўнг қон тўкилгач, янги ҳукумат мамлакатдаги вазиятни назорат қила олмаяпти дейиш учун қилинаёпти дея ҳисоблайман. Миллатлараро тўқнашув мавзуси эса, яна бир бор ўзига эътибор қаратиш учун қилинаётган ишдир».

### ЭТНИК СИЁСАТ – ХАВФЛИ МАВЗУ

Можаролар бўйича эксперт, “Эгалите” жамоат Жамғармасининг бош директори Татьяна Виговская, ер билан боғлиқ масала, этник мазмун касб этган бўлсада, аслида иқтисодий масалалар билан боғлиқлигини айтади.

“Аслида этник дея аталаётган можаролар бўлмайди, – дейди у. – Можаро айна пайтда етишмаётган қадриятлар алуфчида юзага келади. Ер эгаллаб олувчиларнинг ҳаракатлари асосан – “Сизларда ҳамма нарса бор, бизда эса ҳеч нарса йўқ. Инқилоб бўлиб ўтди, энди биз сизларнинг мол-мулкингизни олиб кўямиз”, деган тушунчадан келиб чиққан. Бу можаро этник мазмун касб этишига эса, маълум бир миллатларнинг, бошқаларга нисбатан кўпроқ моддий бойликларга эга экани сабаб бўлган”.

Қирғизистондаги миллатлараро келишмовчиликлар ҳақидаги янгиликлар эса, янги ҳукумат учун долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Сабаби улар нафақат мамлакат ичида, балки хорихда ҳам хавотир уйғотмоқда. Маевкада содир бўлган тўқнашувлардан сўнг, Қирғизистондаги янги ҳукуматни қўллаб келаётган Россия президенти Дмитрий Медведев, мудофаа вазирига Россия фуқаролари ва уларнинг Марказий Осиёнинг ушбу республикасидаги мол-мулкларини ҳимоя қилиш топширигини берди.

Унинг баёноти, Қирғизистонда ҳарбий базасига эга бўлган Россия ҳарбийлари қандай ҳаракатлар амалга ошириши мумкинлигини тушунарсиз қолдирди. Гарчи месхетия турклари асли Туркиядан бўлмасаларда, бу мамлакат ҳам уларнинг хавфсизлиги борасида ўз ҳавотирини билдириб ўтди. Элчи Нежат Акчал Маевкага ташриф буюрди, Туркия элчихонаси эса, мазкур қишлоққа гуманитар ёрдам кўрсатишга тайёргарлик кўрмоқда.

### ХАОС НАЗАРИЯСИ

Гарчи ерлар эгаллаб олинишида сиёсий ўйин рол ўйнаган бўлсада, таҳлилчилар бунга бошқа факторлар ҳам сабаб бўлган бўлиши мумкин, деган фикрни илгари сурмоқдалар.

Маевкадаги ерларни босиб олишда иштирок этган ёш йигит, IWPR га улар ҳаракатлари асосли бўлганини айтади. “Одамларга ер ажратиб бериш жуда ҳам осонку, шунда можаро ҳам келиб чиқмас эди. Бизларга ер ажратишмаётгани сабабини тушунмаяпмиз”, – деди у.

У 2005 йилнинг март ойида Бакиев ҳукмронлигига олиб келган “Полақизғалдоқ инқилоби” пайтидаги ер эгаллаб олишлар, бу ишларни амалга оширганлар учун муваффақиятли яқун топганини таъкидлайди.

“Агар 2005 йилдан кейин эгаллаб олинган ерлар кейинчалик қонунийлаштирилган бўлса, бизнинг ерларимизни ҳам қонунийлаштиришда”, – дейди у.

Қирғизистон парламенти спикери этиб тайинланган коммунистлар партиясининг раҳбари Исҳоқ Масалиев, ерларни ноқонуний эгаллаб олишлар мамлакат мустақилликка эришган 90-йиллар бошида бошланганини айтади.

“Ҳар сафар ҳукумат алмашган пайтда ерларни босиб олиш ёмон анъанага айланди, – дейди у. Ҳуқуқий масалалардан ташқари, Масалиев, ер эгаллаб олганларнинг қишлоқлари кўпайиб бораётгани ёмон белги экани, боиси, шаҳарлар энига эмас, балки бўйига ўсиши кераклигини айтади.

“Тезкорлик билан қурилган турар масивлари қашшоқлик ва криминал бўйича муаммони кескинлаштиради. Ахир янги қурилган ушбу жойларда одамларнинг яшаш аҳволи жуда аянчли. У ерда яхши йўллар, коммуникация,

сув қувирлари йўқ”, – дея тушунтиради Исҳоқ Масалиев.

Қирғизистон Омбудсмени институти ходимаси Гулнора Абазбекова ҳам, ер эгаллаб олувчиларга катта миқдордаги ер участкаларини ажратиб бериш яхши эмаслиги ҳақидаги фикрга қўшилади.

“Бу варварлик. Ер босқинчилари бегона ерлар, бегона қишлоқ хўжалиги ерларини эгаллаб олдилар. Кескин равишда бунинг олди олиниши керак, – дейди у. – Ер эгаллаб олувчиларнинг асосий қисми даромади йўқ ёшлардир. Ҳукумат уларга ер ажратиб берган тақдирда ҳам, улар у ерда ҳеч нарса қуролмайдилар, чунки бунга маблағлари йўқ. У ерда электр энергияси, йўллар йўқ. Шаҳар эса ўз бўйнига бундай юкни ололмайди”.

Виговская ҳам ҳукумат бундай ҳаракатлар олдини олиш учун кескин чоралар кўрмоғи кераклигини айтади. “Оламон уларни ўзига келтириб қўядиган куч борлигини тушуниб етиши керак”, – дея қўшимча қилди у. Унга кўра, яқин ойларда Қирғизистонда ана шундай тартибсизликлар қайта такрорланиши мумкин.

“Ҳукуматнинг куч билан алмашиши қонунсизлик, зўравонлик ва агрессияни келтириб чиқаради, – дейди Виговская.

“Ҳукумат вазиятни у қадар назорат қилолмаётгани боис, Маевкада содир бўлган тартибсизликлар яна узоқ вақт давом этиши мумкин. Ярим йил давомида бундай ҳолатлар то у ерда, то бу ерда доимо қузатиб турилади. Аммо ер эгаллаб олишлар асосан Бишкекда кузатилмоқда. Бунга эса, Бишкекда аксар аҳоли яхши яшаш ва пойтахтда яшаш ҳаётни янада яхшилаши ҳақидаги тушунчалар сабабдир”, – дейди у.

**Асил Ўсмўналиева,  
Бишкек**



8 апрел.  
Дўкон эгалари  
босқинчилардан  
хавфсизраб,  
молларни  
дўкондан олиб  
чиқишмоқда.



## **Кўшни давлатлар Қирғизистонга чўчинқираб қарамоқдалар**

***NBCA томонидан сўралган  
Марказий Осиёлик шарҳловчилар,  
Қирғизистонда содир бўлган  
воқеалар кўшни давлатларда  
такрорланишига ишонмайдилар,  
аммо уларда вазиятнинг беқарор  
сизланишидан хавотир бор.***

6-7 апрел кунлари Қирғизистонда мавжуд қийин ижтимоий-иқтисодий вазият ва коррупциянинг кенг авж олганидан норози кишиларнинг оммавий норозиликларидан оқибатида қирғиз президенти Қурмонбек Бакиев тахтдан кетиб, ҳукуматга муҳолифат вакилларидан ташкил топган муваққат ҳукумат келди.

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида содир бўлган тартибсизликлар оқибатида 84 киши вафот этди, 1600 га яқини эса жароҳат олди. Бир қанча вақт давомида, Қурмонбек Бакиев Қирғизистоннинг Ўзбекистон билан чегарасига яқин бўлган ўзи туғилиб ўсган Жалолободдаги Тейит қишлоғида яширинишга уринди. У ерда Бакиев укалари ва қирғиз ҳукуматининг собиқ юқори лавозимдаги амалдорлари билан биргаликда ўз ҳимояси учун норозилик акцияларини уюштиришга уриниб, муваққат ҳукуматни ноқонуний дея атаб келди.

16 апрел куни эса, Қирғизистонда юзага келган икки ҳокимиятчилик тизими Россия, АҚШ ва ҳозирда ЕХХТ га раислик қилаётган Қозоғистон раҳбарларининг воситачилигида ҳал бўлди. Россия ва АҚШ Қирғизистон ҳудудида ҳарбий базаларга эга бўлгани боис, бу мамлакат улар учун аҳамиятлидир. Қирғизистоннинг яқин кўшниси бўлган Қозоғистоннинг эса, бу мамлакат билан кўп соҳаларда анъанавий яқин муносабатлари мавжуддир.

Ўша куннинг ўзидаёқ Қурмонбек Бакиев қозоқ ҳаво-ҳарбий кучларининг махсус авиарейси билан тартибсизликлар ҳукмрон сураётган Қирғизистондан мамлакат шимолидаги Талас вилояти билан чегарадош бўлган Қозоғистон ғарбидаги Тараз вилоят марказига келтирилди. Кўшни давлатда бўлган Бакиевнинг истъефого кетиши ҳақида аризага қўл қўйгани ҳам маълум қилинди. Бироз ўтиб Бакиев Қозоғистонни тарк этгани хабар қилинди.

Мазкур мақола ёзилиши пайтида, Қирғизистон собиқ президенти Бакиевнинг айнан қайси мамлакатда экани ҳақида аниқ маълумот йўқ эди. Қозоқ ва тожик матбуоти ва телевидениеси Қирғизистондаги воқеаларни кенг ёритиб борди. Аммо ўзбек ва туркман матбуоти бу ҳақда сукут сақлашни афзал кўрди.

Шунингдек, кўшни мамлакатлар раҳбарлари томонидан расмий муносабат ҳам билдирилгани йўқ. Фақат Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев “ҳокимият вертикалини тиклаш ва оддий одамларни бошбошдоқликдан муҳофаза қилиш учун барча кучларни бирлаштириш”га чакирди, холос. Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги эса, Қирғизистонда содир бўлаётган воқеалар “мамлакат ички иши” эканини таъкидлаб ўтди.

NBCA нинг ўзбек таҳлилчилари, ўзбек жамиятидаги норозилик кайфияти у қадар кучли бўлмагани боис, Қирғизистонда содир бўлган воқеалар Ўзбекистонда ҳам такрорланиши эҳтимолларига ишонмасликларини билдириб ўтдилар. Аммо уларга кўра, ўзбек ҳукумати ва оддий одамлардан маълум бир хавотирлар мавжуддир.

Сиёсатшунослик фанлари номзоди, Тошкентдаги жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси Университетининг доценти Фарҳод Толипов, гарчи ўзбек ОАВ лари Қирғизистондаги вазият борасида сукут сақлаган бўлсалар-да, бу жамият орасида муҳокама қилинган биринчи рақамли мавзу бўлганини айтади.

“Қирғизистонда аслида нима содир бўлганини тушунтириш учун Олий ўқув юрти талабаларига алоҳида маърузалар ўқишимизга тўғри келди, - дейди Толипов, - Аммо талабалар менга ўқитувчи сифатида: “Мана шундай вазият бизда ҳам содир бўлиши мумкинми”, деган савол қўйганлари йўқ. Яъни Ўзбекистонда халқ ўз президентига қарши чиқиши мумкин деган ўй ҳаёлга ҳам келмайди. Ўзбек жамиятидаги муҳокамалардан шуниси аёнки, бизнинг мамлакат ўзини ҳеч бир тарафдан Қирғизистонга яқин тутмайди, кўпчилик учун у узоқ бўлган бир давлатдир”.

Аммо бошқа бир ўзбек таҳлилчилари, қариндошлари Қирғизистон ҳудудида яшайдиган одамлар орасида хавотир ҳукм сураётганини таъкидлашмоқда. Ҳар куни ўзбек-қирғиз чегарасидаги назорат пунктлари орқали ишга, меҳмонга юзлаб одамлар ўтиб турганди. Қирғизистонда содир бўлган воқеалардан сўнг чегара ёпилди.

“Бизда эҳтиёткорлик чоралари кучайди. Масалан, прокуратура бинотини қўриқлайдиганлар бронжилетлар кийишмоқда, давлат муассасалари бинолари олдида парковка ман қилинган”,- дея таъкидлайди Қирғизистон билан чегарадош бўлган Ўзбекистон шарқида жойлашган Андижон шаҳридаги “Апелляция” ҳуқуқ муҳофазаси жамиятининг раиси Саиджаҳон Зайнобитдинов.

Аммо шу билан бир қаторда Зайнобитдинов, Қирғизистонда содир бўлган тартибсизликлар Ўзбекистонда ҳам содир бўлиши мумкинлигига ишонмайди. Чунки ўзбек махфий хизматлари аҳолини кучли назорати остига олган.

“Бизда ҳаммаси кучли назорат остида,- дейди андижонлик суҳбатдош.- Ҳозир фуқароларни бирма-бир прокуратурага таклиф этиб, сўроқ қилиш бўйича ҳар йиллик баҳорги кампания бошлаб юборилган”.

Гарчи кўшни Туркменистонда Интернетдан фойдаланиш имкониятлари анча чекланган бўлиб, аксар Россия ва Марказий Осиё веб-заҳиралари блоклаштирилган бўлса-да, бу мамлакатдагилар Қирғизистонда содир бўлган воқеалардан хабар топишга муваффақ бўлдилар. “Ашхобод кўчаларида полиция патруллари кучайтирилган, кечаси одамлардан ҳаттоки ҳужжатларини текширишяпти”, - дейди NBCA таҳлилчиси.

Айни пайтда Болгарияда истиқомат қилаётган туркман диссиденти ва ҳуқуқ ҳимоячиси Тожигул Бегмедова эса, туркман ҳукуматида жуда кучли хавотир борлигини айтади. Унга кўра, бунга аксар ёш туркман талабаларининг кўшни Қирғизистон Олий ўқув юртларида таҳсил олаётганлари сабабдир.

“Туркман ҳукуматининг уйқуси қочган, уларни безовта қилиб қўйишди,- дейди Бегмедова.- Аммо аҳолининг ўзи гипноз ҳолатида бўлиб, Қирғизистонда содир бўлаётган воқеаларга тўғри баҳо беролмайди. Туркменистонда одамлар ўз фикрини эркин айтиш имконидан маҳрум бўлгани боис, Қирғизистонда содир бўлган тартибсизликларнинг Туркменистонда ҳам қайтарилиши мумкинлигига асос йўқдир”.

Душанбеллик сиёсатшунос Рашид Абдулло, Қирғизистонда содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий муносабатларига салбий таъсир этиши мумкинлигидан хавотир билдиради. “Сўғориш мавсуми бошланаяпти, далаларни суғориш ҳақида ўйлаш



керак бўлади”. Қирғизистон худди Тожикистон каби Марказий Осиё асосий дарёларининг юқорисида жойлаган бўлиб, биз сувни чиқариш ишлари бўйича қарор қабул қилишда кенг ҳамкорлик юритардик. Бундан буён қандай бўлиши номаълум. Қирғизистонда ана шундай вазият юзага келиб турган пайти, суғориш ишлари ҳақида ўйлаш қийин”.

Қозоғистонлик эксперт Ярослав Разумов эса, Қирғизистондаги воқеалар қонуний ва муқаррар бўлганини таъкидлаб ўтди. Аммо унга кўра, уларнинг Қозоғистон ва минтақанинг бошқа мамлакатларига ҳеч қандай таъсири бўлмайди.

“Қирғизистон кимгадир хавф солиш учун етарли равишда катта ва кучли эмас, унинг минтақага кучли таъсири йўқ. Ҳозир унинг ўзига қўшни мамлакатлар кўмаги зарурдир”, - дея таъкидлаб ўтди Разумов.

(Мазкур мақола National Endowment for Democracy жамғармаси томонидан молиялаштирилган “Марказий Осиё янгиликлари” лойиҳаси доирасида тайёрланди).

## МАХСУС РЕПОРТАЖ

# Бозор иқтисоди шароитида қирғизистон асосий таълими ўзгаришлар талаб қилмоқда

**Экспертлар таълим даражасининг пасайишига давлатнинг ушбу соҳани етарли равишда молиялаштирмаётгани ва бу соҳада сўнгги 20 йил давомида кескин ислохотлар ўтказилмагани сабаб бўлганини келтиришмоқда.**

Март ойида Қирғизистон парламентида бўлиб ўтган навбатдаги эшиттиришлар болаларнинг таълим олишга бўлган имкониятлари мавзусига бағишланди. Махсус ташкил этилган депутатлик комиссияси ярим йил давомида мамлакат бўйлаб 31 та мактабда болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги Қирғизистон қонунчилигининг амалга оширилиши ва унга риоя қилинишини ўрганди.

Мазкур парламент эшиттиришларидан аввал IWPR томонидан Қирғизистон худудларида ушбу мавзу бўйича бир қанча давра суҳбатлари ўтказилди. IWPR га берган интервьюсида муваққат депутатлик комиссиясининг раисаси Гулжамол Султоналиева, депутатлар болаларнинг бепул таълим олишга бўлган ҳуқуқини сақлаб қолишни мақсад қилганларини таъкидлаб ўтди.

Мустақил йилларида таълим соҳасининг тижорийлашгани боис, кам таъминланган оила фарзандларининг бепул таълим олишга бўлган ҳуқуқларини аксар ҳолларда таъминлаб бериш муаммоли бўлиб қолмоқда.

Статистика бўйича Қирғизистонда 40 мингдан зиёд болалар мактабга бормайдилар. Бу рақамларни ЮНИСЕФ кўмагида республика мактабларида тадқиқот олиб борган «Эл-Пикир» жамоат фикрини ўрганиш маркази 2009 йили эълон қилди. Нодавлат ташкилотларининг норасмий маълумотларига кўра, мактабларда таълим олмайдиган болалар сони бундан уч баробар кўпроқдир.

Президент қошидаги стратегик таҳлил ва баҳолаш Институтининг ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда болалар қашшоқлиги ва тенгсизлиги бўйича олиб борган Миллий тадқиқотларига кўра, Қирғизистонда атиги 11% болалар мактабгача бўлган таълим олиш имконига эгадирлар.

Қирғизистон Республикаси таълим ва илм-фан вазирлигида таъкидлашганидек, Бишкекда 20 та мактаб етишмаётган бўлса, қишлоқларда эса рақам анча юқоридир. Қирғизистон Республикаси таълим ва илм-фан вазирлигининг мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим Бошқармасида, Бишкекдаги мактаблар ўқувчилар билан ўртача 30-50 % га тўлиб кетгани, натижада, пойтахтдаги баъзи мактабларда дарслар уч сменада олиб борилишини айтиб ўтишди.

Экспертлар эса, мактаблар етишмаслиги Қирғизистонда минглаб болаларнинг мактабда таълим ололмаётганига бўлган ягона сабаб эмаслигини билдиришмоқда.

### БЕПУЛ ТАЪЛИМНИНГ НАРХИ ҚАНДАЙ

Ана шундай сабаблардан бири сифатида экспертлар, Қирғизистон Конституцияси ва бепул ўрта таълим олишни кафолатлайдиган “Таълим тўғрисидаги” Қонунлар бузилиши ҳолатларини келтиришмоқда. Аслида

эса, боланинг мактабда таълим олиши жуда қимматга тушади.

“Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилувчилар Лигаси” ҳуқуқ муҳофазаси ташкилоти ўтказган тадқиқотларга кўра, боланинг мактабга қабул қилиниши учун бериладиган бадал мактабнинг мавқеидан келиб чиққан ҳолда 200 сўмдан (4,5 АҚШ доллари) то 20 минг сўмгача (454 АҚШ доллари) ни ташкил қилади.

Бола мактабга қабул қилинган эса, ота-оналарнинг ойлик тўлови 100 сўмдан (2, 3 АҚШ доллари) то 600 долларгача миқдорни ташкил қилади. Болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари юзасидан Қирғизистон Республикаси қонунчилигининг амалга оширилиши ва унга риоя қилиниши бўйича 2009 йил якунлари бўйича ўзи ўтказган ушбу мониторинг натижаларини муваққат депутатлик Комиссияси эълон қилди.

Бундай бадаллар талаб қилиш ҳолатлари шаҳар ва вилоятлардаги қатор мактабларда кузатилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, таълим олиш учун сарф-ҳаражатлар ва болаларни мактабда ўқитиш, авваломбор, кам таъминланган оилаларга сезиларли таъсир ўтказди.

Миллий статистика комитетининг маълумотларига кўра, 2009 йили Қирғизистонда ўртача ойлик маош 6009 сўм (136 АҚШ доллари), пойтахтда эса,



8777 сўм (199 АҚШ доллари) ни ташкил қилган.

“Аввал биз ҳар йили мактаб таъмири учун пул тўлаган бўлсак, ҳозир яна синф таъмири учун ҳам пул тўлаяпмиз. Бундан ташқари ҳар ой латта, челақ ва синф тозалаш учун ишлатиладиган бошқа нарсалар сотиб олиш учун пул тўлаяпмиз. Фарзандимни ўқитиш учун иккита жойда ишлашимга тўғри келаяпти. Бунга маорининг деярли учдан бири кетмоқда”, - деди IWRP га пойтахт мактабларининг бирида таҳсил оладиган қизнинг онаси.

Мактаблардаги пул йиғишларни қонунийлаштириш мақсадида, мактаблар қошида Жамоат жамғармалари ташкил этилиб, бундай пул йиғишлар “хайрия маблағлари” дея аталмоқда. Аммо ота-оналарнинг айтишича, бундай пул йиғишлар уларнинг ўз хоҳишича кўра амалга оширилмаяпти. Улар бадал тўламаган тақдирда, болага турли босим, жумладан уни мактабдан четлаштириш каби чоралар ҳам кўрилмоқда.

“Менга агар ойлик тўлов киритолмасам, боламни бошқа мактабга ўтказиш кераклигига шайма қилишди. Улар бу ҳақда очиқ-ойдин гапиришмайди, аммо болани мактабдан четлаштириш керак, бунга сабаб топишади”, - деди гимназияда таҳсил олувчи қизнинг онаси.

У аксар ота-оналар каби мактаб маъмурияти билан можарога боришни истамайди, шу боис, керакли органларга мавжуд қонунбузарликлар ҳақида маълум қилмайди. Сабаби бундай ота-оналарнинг фарзандлари аксар ҳолларда босимга дуч келадилар.

“Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилувчилар Лигаси” маълумотларига кўра, аксар ҳолларда ўқувчилар ўқитувчилар томонидан босимга учрайдилар. Бунда ўқитувчилар томонидан доимий танқид, ҳақорат, камситиш ва руҳий босимнинг бошқа турлари қўлланиши мумкин.

Мактаб руҳшуноси Татьяна Молчановага кўра, зўравонликнинг бу турлари энг кенг тарқалганлардан бўлиб, бола ривожланишига салбий таъсир этади.

## **БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ДАВРИДА МАКТАБ МЕНЕЖМЕНТИ**

90-йиллар биринчи ярмидан эътиборан Қирғизистон мактабларида пуллик таълим олиш тизими жорий қилинган. Булар дарсдан ташқари бўлган ўқитиш учун тўланадиган ҳақ ва мактаб маъ-

мурияти бюджет синфлардан кўра яхшироқ ўқитиш шароитини яратиб беришни ваъда қиладиган тижорат синфларидир.

Экспертлар фикрича, қирғиз қонунларида хоҳишга кўра ва мажбурий тўловлар ўртасидаги фарқ келтирилмагани, коррупциянинг авж олишига сабаб бўлмоқда.

“Мавжуд бадаллар мактаб маъмуриятининг ортиқча талаби. Ота-оналардан келиб тушаётган тўловлар миқдори катта, аммо сарф-ҳаражатлар деярли назорат қилинмайди”, - деди “Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилувчилар Лигаси” раҳбари Назгул Турдубекова.

Ўз навбатида, баъзи мактаб директорлари, давлат ҳисобидан келиб тушаётган пуллар ҳеч нарсага етмаётгани боис, хоҳишга кўра тўловлар муҳим эканлигини айтишмоқда. Қирғизистон Республикаси давлат бюджетидан 2010 йили таълим соҳасига ажратилган маблағ 7,2 миллиард сўм (164 миллион АҚШ доллари) ёки ички ялпи ишлаб чиқаришнинг 3% ни ташкил қилди. Парламент депутатлари ва нодавлат ташкилоти вакилларига кўра, ҳуқумат таълим соҳасини «ортиқ қолган пул»дан молиялаштиради.

“Бугун мактаб директори тадбиркор бўлиб кетди. Ўқув дастурларидан ташқари у молиявий масалалар, ҳаттоки мактабда трубалар ёрилиб кетмадимиз, дея ўйлашига тўғри келмоқда”, - дейди “Наше право” жамоат жамғармаси маслаҳатчиси Қалича Умуралиева.

Умуралиева, ҳозирги вазиятда ўрта мактаб раҳбарларини тугамас молиявий-ҳўжалик муаммолари қамраб олганини қайд этади.

Бишкекдаги 62 сонли гимназия директори Людмила Байбородина фикрича, молиялаштириш етишмаслигидан, авваломбор, ўқувчиларнинг ўзлари азият чекадилар. Ўқитувчилар маоши камлиги эса, кадрлар етишмаслиги муаммосини кескинлаштирамоқда. Таълим ва илм-фан вазирлиги маълумотларига кўра, айна пайтда ишни энди бошлаган ўқитувчининг маоши икки минг сўм (45 АҚШ доллари) ни ташкил қилади.

“Бизда кўпроқ нафақа ёшидаги ўқитувчилар ишлайди, чунки ёшлар бундай маош эвазига мактабда ишлашни

исташмайди. Ўқитувчилар ҳам одам, улар боқиши керак бўлган фарзандлари бор. Шу боис, биз ота-оналар тўлаётган бадалдан уларга қўшимча пул тўлаймиз”, - деди Байбородина.

Қирғизистон парламенти депутати, социал-демократик фракцияси аъзоси Ирина Карамушкина, ўтмишда мактабда ишлагани боис, ўқитувчиларнинг кам маоши билан яхши таниш.

“Бугун ўқитувчи дафтарларни текширгани учун атиги 15 сўм (0,3 \$) ҳақ олади. Бу маош улар бажараётган иш учун етарли эмас”, - дейди бир синфда 30 тагача ўқувчи таҳсил олишини қайд этган Карамушкина.


Таълим ва илм-фан вазирлигида эса, мамлакатда бир синфда 46 та ўқувчигача таҳсил олиши ва бу керакли меёрдан икки баробар кўплигини айтишмоқда.

Янги тизим ташкил этилишига қарши чиқаётганлар, булар маблағлар сарфланишини анча қийинлаштиришини таъкидлашмоқда. Бундан ташқари, ноқонуний тўловлар долзарб бўлмаган қишлоқ мактаблари учун васийлик ҳалақит бериши мумкин.

“Вилоятлардаги мактаблар керакли нарсалар билан шаҳар бюджетидан молиялаштирилади. Бизда ота-оналар томонидан қўшимча ёрдам жалб қилишга эҳтиёж йўқ”, - дейди Чуй вилояти Исиқ-Отин туманидаги мактаб директори Раби Чекиева.

## **МИГРАНТ БОЛАЛАР**

Энг қалтис гуруҳлардан бири сифатида, ички мигрантлар фарзандлари ҳисобланади. Уларнинг 80 % болалар меҳнати қонунан таъқиқланганига



қарамай, у ёки бу сабабларга кўра ишлашга мажбурдирлар.

Бундан ташқари, мигрантлар оилалари аксар ҳолларда турар жойи бўйича рўйхатдан ўтишда қийинчиликларга дуч келадилар. Гарчи прописка болани мактабга жойлаштиришда муҳим ҳужжат ҳисобланмаса-да, кўпчилик директорлар бундай болаларни мактабга қабул қилишдан бош тортадилар.

Болаларни мактабга қабул қилиш ёки қишлоқ мактабидан шаҳар мактабига қабул қилишда уларни тестдан ўтказиш яна бир долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ўтган йил август ойида Қирғизистон таълим ва илм-фан вазири, бир мактабдан иккинчи бир мактабга қабул қилишда болани тестдан ўтказмаслик ҳақидаги фармонга кўл қўйди. Бу шаҳар мактаблари қишлоқ мактабларидан афзалроқ деган тушунчанинг йўқлиги боис амалга оширилди.

“Аммо аксар мактаб директорлари бу фармон ҳақида “эшитмаганлари” маълум бўлди. Албатта, улар бу фармонни амалга оширмаганлар”, - дейди Раби Чекиева.

Пойтахтдаги мактабларга қабул қилинишдаги яна бир муаммо, бу ўрта ўқув муассасига қабул қилинишда тўланадиган бадалдир. Сараланганлар учун мактабларда жой бўлмаган бир пайтда, кўпчилик болалар турар жойи бўйича мактабларга қабул қилинмай қоляптилар.

Ҳуқуқ ҳимоячиси Назгул Турдубекова, сараланганлар учун мактаблар доимо ҳам сифатли таълим бермаслиги, бу аксар ҳолларда тижорий масала билан боғлиқлигини қайд этади.

## ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Экспертлар фикрича, мавжуд таълим соҳасининг сифатсизлиги, бир неча йилдан сўнг давлат қабул қилиб оладиган мутахассислар сифатига таъсир қилади. Демак, таълим соҳасидаги муаммолар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир ўтказади.

“Давлат ўзига ўзи чуқур қазияпти. Саводсиз мутахассислар ишлаб, юқори малакали кадрлар мамлакатни тарк этадилар. Ахир улар бу ерда ўзларини боқа олмайдилар”, - дея ҳисоблайди Қалича Умуралиева.

Қирғизистон таълим ва илм-фан вазири Абдилда Мусаевнинг айтишича, бугунги кун таълим тизими жиддий ислохотларга муҳтож. Ҳозир вазирлик муваққат депутатлик комиссияси билан ҳамкорликда босқичма-босқич таълим соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқмоқда.

“Ислохотларни бир соатда амалга ошириб бўлмайди. Биз бугун амалга ошираётган ишлар эса, 5-10 йилдан сўнг ўз натижасини беради”, - дея таъкидлаб ўтди вазир.

“Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилувчилар Лигаси” вакили Назгул Турдубекова, таълим ва илм-фан вазирлигининг фуқаролик сектори билан таълим соҳасида мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳфаол амкорлик қилаётган оптимизм уйғотаётганини айтади.

“Бизнинг қонунларимиз яхши ва тўғридир. Аммо уларга амал қилинмаяпти. Ҳозир биз учун уларнинг амалга оширилиши ва унга риоя қилинишини кузатиб бориш муҳим. Улар иккалар тараф, яъни ота-оналар ва ўқитувчиларга маъқул келиши керак”, - деди Қирғизистон парламенти депутати, коммунистлар фракцияси аъзоси ва болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари юзасидан Қирғизистон Республикаси қонунчилигининг амалга оширилиши ва унга риоя қилиниши бўйича ташкил этилган муваққат депутатлик Комиссияси раисаси Гулжамол Султоналиева.

Экспертлар кун кўриш мақсадида ота-оналардан йиғилаётган маблағларни тўплаш учун мактаблар қошида Жамоат жамғармалари ташкил этилаётганини айтишмоқда.

Аммо парламент эшиттиришлари пайтида бош вазир ўринбосари Тожикан Қалимбетова, мактаблар давлат муассасалари бўлгани боис, бу маҳаллий қонунчиликка зид эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Қирғизистон ҳисоб палатаси фақат давлат бюджетдаги маблағларни текширгани боис, ота-оналардан йиғилаётган маблағларни ҳеч ким назорат қилмайди. Мактабларнинг бундай тижорийлашиши оқибатида, кам таъминланган оила фарзандларининг конституция бўйича кафолатланган бепул таълим олишга бўлган ҳуқуқлари чекланмоқда.

Муваққат комиссия аъзолари, авваломбор, мана шу муаммони ечиш учун қонунчиликка ўзгартишлар киритишни режалашмоқдалар. Аммо Бишкекда бўлиб ўтган парламент эшиттиришларида, ҳокимиятнинг ижроия органи, парламент, мактаб маъмуриятлари ва нодавлат ташкилоти вакиллари болаларнинг бепул таълим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш тизимини ўзгартириш бўйича ягона фикрга келолмадилар.

Масалан, парламент эшиттиришларида қатнашган Қирғизистон таълим ва илм-фан вазири Абдилда Мусаев бундай деди:

**“Отдельные факты нарушений в школах имеют место быть. Но обобщать их и представлять, как системное явление, характерное для всей системы образования, не стоит. Мы должны разобраться, перерегистрировать уставы школ с тем, чтобы при приеме ребенка в школу, не ограничивалось его право на доступ к образованию. Но на дворе рынок, социалистический подход – это история, и если вводить полный запрет на коммерческие образовательные услуги, как здесь предлагается, то можно будет поставить крест на системе образования».**

**Евгения Ким,  
Бишкек**





## МАХСУС РЕПОРТАЖ

### Ажралган аёллар ҳеч вақосиз қолмоқдалар

*Қонун барчага тенг ҳуқуқ беради, аммо аксар аёллар ажрашгач эрининг мол-мулкига даъво қилиши мумкинлигини билмайди.*



«Қайнонам мени фарзандларим билан уйдан чиқариб юборди», - турмуш ўртоғи Россиядан қўнғироқ қилиб хотини билан ажрашаётганини маълум қилганини эсларкан Азиза.

“У мени қўришни истамаслиги ва мен ота-она уйига йўқолишим кераклигини айтади”, - дея қўшимча қилади Азиза.

Тожикистондаги аксар аёллар каби, 24 ёшдаги Азиза ҳам турмушга чиққач, эрининг уйида яшай бошлади. Азизанинг эри минглаб Тожикистон фуқаролари каби тирикчилик учун бошқа давлатга кетгач, аёл қайнонасининг уйида ўз оилалари билан яшаётган эрининг ака-укалари билан келишмовчилликка бора бошлади.

Аввалига Азизанинг эри уйига пул юборар, кейин эса, ишини йўқотганини айтиб, оиласига ёрдам қилмай қўйди. Шундан сўнг, эрининг оила аъзолари Азиза ишлаш эвазига икки ёш боласи билан уйда ўтирганини рўқач қилиб, уни “текинтомоқ” дея айблашди.

Ҳозир ота-онасининг уйида яшаётган Азиза ўзини ўз уйидагидек ҳис қилмаяпти. Чунки яқин кунларда унинг

уч укаси уйланиб, аънаанага кўра уйга ўз рафиқаларини олиб келадилар.

Тожикистон қонунларига кўра, эркаклар ўз аёллари билан ажрашгач, уларга алимент тўлашлари керак. Аммо афсуски, Азиза Тожикистондаги аксар аёллар каби қонуний никоҳдан ўтмаган.

Азиза ва унинг эри Исломо одалари бўйича никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган. (Бу масала бўйича батафсилроқ «Тожикистон: Никоҳ аҳдлари ҳар доим ҳам аёллар ҳимояси учун кафолат вазифасини ўтай олмайди» мақоласида ўқинг, RCA № 564, 30 январь 2009 йил).

Юрист Саодат Шарипова, аксар ҳолларда ноқонуний никоҳлар аёлларнинг алиментсиз қолиб кетиши ва ҳамкорликда ортирилган мол-мулкка даъво қилолмаслигига олиб келишини айтади.

Аммо Шарипова, гарчи аёл киши қонуний никоҳдан ўтган бўлса-да, эрининг уйи унинг катта оиласига тегишли бўлгани, баъзида аёл эрининг уйида пропискадан ўтмагани боис,

турмуш ўртоғининг мол-мулкига даъво қилолмаслигини қўшимча қилади.

Тожикистон аёл-юристлари Лигасининг ижрочи директори Зебо Шарифова, унинг ташкилоти шуғулланадиган ишларнинг кўп қисмини, ажрашгандан сўнг мол-мулкни мусодара қилиш учун ёрдам сўраётган аёллар масалалари ташкил қилишини айтади.

Тожикистон хотин-қизлар Комитети қошидаги “Бовари” аёллар инқироз марказининг раҳбари Гулнора Аҳророва, кўпчилик аёллар қўлларида никоҳ қайд этилгани ҳақидаги гувоҳномаси бўла туриб ҳам судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш учун етарли равишда юридик ҳуқуқлари ҳақида билмасликлари ҳолатини тасдиқлайди.

“Эркаклар аёллари билан ажрашгач, уларни фарзандлари билан шавқатсизларча уйдан ҳайдаб чиқаришади. Аёллар эса, судда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш эвазига, эрларининг қарорига индамай бўйсинадилар”, - дейди Аҳророва.

Аҳророва Тожикистон жанубидаги Яван туманида истиқомат қиладиган Мўхтоб исмли аёл билан яқинда содир бўлган воқеани эслайди. Бошқа аёллардан фарқли равишда Мўхтоб эри билан қонуний никоҳдан ўтган бўлиб, ажрашган пайтлари уларнинг учта фарзанди бўлган. Улар яшаб келган уй қайнотасининг номига ёзилган бўлиб, Мўхтоб эри билан ажрашгач, турмуш ўртоғининг қариндошлари аёлнинг бу уйда ортиқча қололмаслигини айтишган.

Ҳозир аёл масжидда хайр-эҳсондан келиб тушадиган пул эвазига кун кечириб келмоқда.

“Биз унга ариза ёзишга ёрдам бериб, қаерга мурожаат қилиши кераклигини



айтдик. Судда унинг манфаатларини ҳимоя қилиши учун адвокат ёлладик, - дейди Аҳророва. – Агар бу муаммо маҳаллий миқёсда ҳал бўлмаса, биз уни республика даражасида ҳал қилинишига ёрдам берамиз”.

Аҳророва, қишлоқ аёлларининг илм-сиз-лиги боис, бундай ҳолатлар қишлоқларда кўп учрагани билан, шаҳарларда ҳам бундай ҳодисалар кам эмаслиги ҳақида гапирди.

“Баъзан аёлнинг паспорти ва боласининг туғилгани ҳақидаги гувоҳномаси ҳам йўқлиги аниқланади. Аёл ажрашгандан кейин қандай ҳақ-ҳуқуқи борлигини ҳам билмайди”, - дейди у.

Шунингдек, иккинчи, учинчи хотин бўлиб турмушга чиққан, аммо қонуний никоҳдан ўтмаган аёллар тоифаси ҳам бор. Мустақиллик йиллари кўп хотинлик ҳолатлари кенг тарқалди. Гарчи дунёвий мамлакатларда бу ҳолат таъқиқланган бўлса-да, ислом одатлари бўйича никоҳ қуриш ҳолатлари кўпайиб борди.

Аксар аёллар учун, бу фақат заруриятдир. 1992-1997 йиллари Тожикистонда бўлиб ўтган фуқаролик уруши пайтида 25 минг аёл бева бўлиб қолди, турмуш қуриш ёшига етган кўплаб қизлар эса, иқтисодий кўмаксиз ва ижтимоий ҳуқуқсиз бўлиб қолдилар.

Тожикистонда ҳозир ҳам эркаклар етишмаслиги мавжуд. Чунки минглаб тожик эркаклари тирикчилик мақсадида Қозоғистон ва Россияга иш излаб кетмоқдалар. Иккинчи хотин бўлиб турмушга чиққан аёл эса, эри билан ажрашгач ёки унинг ўлимидан сўнг, на алимент олиш, на турмуш ўртоғининг мол-мулки ёки меросига даъво қилолмайди.

Юрист Қаям Юсуфовга кўра, аёл киши ноқонуний никоҳдан ўтган бўлса, унинг судга даъво аризаси билан муружаат қилиши жуда қийин кечади.

“Бундай ҳолларда аёл киши эри билан биргаликда хўжаликни юритганини исботлаб бериши ёки бунга гувоҳ топиши керак бўлади, - дейди у. – Бундай аёлларга ёрдам бериш жуда қийин. Аммо суд бошпанасиз қолган ва камситилган аёлнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилиб, эркак кишини кўчада унинг собиқ хотини эмас, балки унинг фарзандлари онаси қолиб кетганига ишонтиришга ҳаракат қилади”.

Юсуфов, Тожикистон қонунларига кўра, бола қонуний ёки ноқонуний никоҳда туғилганидан қатъий назар,

мерос учун тенг ҳуқуққа эга эканликларини айтади. Тожикистон ҳукумати ажрашган аёллар муаммолари ҳақида хабардор ва уларни ечишга ҳаракат қилмоқда.

“Ажримлар сони кўпайгани, бизни ҳимоя қилинмаган аёлларга ёрдам беришга ундади, - деди 11 январ куни бўлиб ўтган матбуот анжумани пайтида Тожикистон ҳукумати қошидаги ёшлар иши бўйича Комитети раҳбари Хайринисо Юсуфи. – Мен бу масала ечим топишида президентимиздан умидворман”.

Юсуфи турмуш қураётган ёшларга никоҳ шартномаси имзоланиши таклиф қилмоқда. Тожикистоннинг аксар аҳолиси суннийлар бўлиб ҳисобланади, улардан ташқари унча кўп санокда бўлмаган исмоилийлар, насронийлар ва бошқа динга эътиқод қилувчилар бор. Муслмонлар учун мулла томонидан никоҳ воқитида оила қуриш одатий иш бўлиб ҳисобланади.

2007 йили тожик ҳукумати қонуний никоҳи бўлмаганларни диний никоҳдан ўтказишни ман қилиб қўйди. Бундай чоралар рўйхатдан ўтмаган никоҳлар сонини камайтирди, аммо жамоатчилик бунга тўлиқ амал қилиш учун чоралар кўрмоқ кераклигини айтмоқда. Юсуфов одамларни уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида огоҳлантирмоқда кераклигини айтади.

“Бизда ҳар ерда ушбу қонуннинг бузилиш ҳолатларини кўриш мумкин, - дейди у. – Муллалар акс ҳолларда ота-она ёки қариндошларнинг ёшларнинг албатта ЗАГС га бориши ҳақидаги гапларига кўнадилар. Аммо бу иш чиндан ҳам амалга ошадими йўқми, ҳеч ким билмайди”.

Тожик парламенти юқори палатаси аъзоси, таниқли илоҳиёт мутахассиси Хожи Акбар Тўражонзода, 1990-1995 йиллари Олий кенгаш депутаты бўлган пайти, муллаларга давлат номидан никоҳдан ўтказиш ҳуқуқи берилиши ҳақидаги ташаббуси қўлланмаганини эслайди.

Тўражонзода давлат қонунидан ташқари ислом дини ҳам эркакларга бир аёл унинг никоҳида бўлган пайтда ва ажрашганидан кейин уни етарли даражада таъминлаб туриш вазифасини юклашини айтади. Унинг айтишича, келиннинг маҳрамлари никоҳгача унга муайян миқдорда мол ажратилиши бўйича ёзма кафолатномалар борлигига амин бўлишлари керак.

“Агар Европада никоҳ шартномаси 100 йилдан ошиқ вақт давомида қўллана бошлаган бўлса, бундай амалиётнинг Исломда қўлланаётганига 1400 йил тўлди”, - дейди у.

Тўражонзодага кўра, агар аёл киши иккинчи хотин бўлиб турмушга чиқишни истаса ҳам, муслмончилик қонунларига кўра, эркак киши уни алоҳида уй билан таъминлаб бериши керак. Унга кўра, келин қариндошларининг асосий вазифаси, куёв келин билан ажрашган ёки вафот этган тақдирда, унинг мол-мулки хотин ва бола-чақасига ўтиши ҳақида ёзма равишда хат олишларидир.

“Мен бугун амалда буларнинг акси бўлаётганини тушунаман. Аммо аёл киши никоҳдаги гувоҳларни чақириб, ёки боланинг отаси кимлигини исботлаш орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин”, - деди у.

**Наргис Наргис Ҳамроева, Душанбе**

## ТОЖИКИСТОНДА ҚИЗЛАР МАКТАБГА ҚАТНАМАЙ ҚЎЙДИ

**Молиявий қийинчиликка «қизлардан кўра ўғил болаларнинг таълим олиши муҳимроқ»лиги ҳақида одамлар орасида кенг тарқалган фикр ҳам қўшимча бўлади.**

Хосият Нажмиддинованинг икки кичик қизи ҳеч қачон мактабни битирмаслиги мумкин. Чунки уларнинг онаси мактабда ўқиш фақат ўғиллари учун муҳим дея ҳисоблайди.

“Агар ростини айтадиган бўлсам, болаларимнинг мактабга кийиши учун кийими йўқ, - дейди Душанбелик олти фарзанднинг онаси. – Кийимдан ташқари, мен уларга мактаб буюмлари олиб беришим керак. Бунга қурбим етмайди”.

Нажмиддинованинг турмуш ўртоғи, минглаб ватандошлари каби Россияга ишлаш учун кетган. Аммо у уч ой аввал у оиласига пул юбормай қўйгач, уйдагилар асосий даромад манбаидан маҳрум бўлди.

Аёлнинг икки тўнғич қизи Сайёра ва Мафтуна тўққизинчи синфни битиргач, мактабга бормаи қўйганлар. Тўққиз синф эса, мамлакатда умумий таълимнинг мажбурий мuddати ҳисобланади.





Гарчи бундай муддатда бола ўқишни қонуан тугатиши мумкин бўлса-да, қизлар “тугатилмаган ўрта таълим” олиб, бунинг узи олий маълумот олиш учун етарсиз бўлади.

Нажмиддинованинг икки кичик қизининг мактабга боришига ҳали эрта, аммо аёл, биринчи навбатда мактабда икки ўғлини ўқитиши, сабаби келажакда айнан улар оила боқувчилари бўлишини айтади. Сайёра онасига уй юмушларида ёрдам беради, Мафтуна эса, қаҳвахонада ишлайди.

Тожикистонда одамларнинг молиявий аҳволи оғир бўлгани ёки таълим соҳасига пул сарфлаш фойдали бўлмагани, Нажмиддинованинг қизлари каби аксар тожик қизларининг мактабга бормай қўйишига сабаб бўлмоқда.

Қизлар ўғил болалардан фарқли ўлароқ, аксар ҳолларда ана шундай ҳолатларга тушиб қолмоқдалар. Буни кўпинча қишлоқларда кузатиш мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) нинг хабар қилишича, 2008 йили 25 % қизлар ҳаттоки тўққизинчи синфни битирмай туриб, мактабга қатнамай қўйганлар.

Аксар ҳолларда улар ўн ёшга тўлгач, тўртинчи синфдаёқ мактабга қатнамай қўядилар.

Таълим вазирлигининг жорий йили келтирган маълумотларига кўра, тўққизинчи синфгача ўқиган ўн та қиздан тўрттаси яна икки йил ўқиш имконидан фойдаланмай, ўқишни ташлаганларини кўрсатмоқда.

Мамлакатда болалар меҳнати расман таъқиқланган бўлса-да, мактабга қатнамай қўйган қизлар, уй ишлари, уларнинг оилалари қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган тақдирда далада, шаҳарда яшайдиган қизлар эса, бошқа ишларга жалб қилинадилар.

Ўтган йили катталар таълими Тожикистон Миллий маркази Душанбедаги болалар меҳнати вазияти бўйича мониторинг ўтказди. Унинг натижасида 230 та ишлаётган боланинг 80 таси айнан мактабни эрта ташлаб кетган қизлар эканини кўрсатди.

Уларнинг баъзилари атиги тўртинчи синфгача ўқиган, тадқиқот координатори Ирина Шаснович маълум қилганидек, бошқалар умуман мактабга бормаган.

Бундайларни минглаб тожикистонликлар каби ота-онаси хорижда ишлаёт-

ганлар ёки қишлоқ жойлардан шаҳарга иш излаб келганлар фарзандлари ташкил қилади.

Тожикистон қонунчилигига кўра, боланинг ўн синф таълим олишига тўсқинлик қилган одам жиноий жавобгарликка тортилади. Сўнгги икки йил ичида мактабга бормай қўйган болалар ота-оналари ана шундай жиноий жавобгарликка тортилиб, суд уларни бир неча минг доллар миқдоридagi жаримага тортди.

Деньги – одна из причин, почему родители забирают детей из школ или, как Наджмиддинова, отдают сыновьям предпочтение перед дочерьми.

Как указывает Шаснович, некоторые даже не записывают детей в школу.

Шасновичга кўра, ана шундай болаларнинг баъзиларини мактабга қайтариш учун, унинг тарафидан ўтказилган тадқиқотлар таълим вазирлигига юборилиб, пойтахтда тарбия ишлари бўйича мактаб директорлари ўринбосаларлари иштирокида семинар ўтказилди.

“Аммо ўқитувчилар бундай болаларга ёрдам беришга тайёрликларини айтган бўлсалар-да, бизнинг рўйхатдаги мактабга қатнамайдиган болалар, ҳозиргача кўчада қолиб кетмоқдалар”.

“Бўлажак аёллар” (“Бонувони фардо) жамоат ташкилотининг лойиҳалар бўйича координатори Дилором Жабборова, Тожикистонга таъсир этаётган мавжуд молиявий инқироз аксар оилалар, жумладан мигрантлар ва қишлоқдаги оилалар моддий аҳволини қийинлаштирганини айтади.

Государственное образование в Таджикистане бесплатное, однако, как указывает Джаббарова, многие семьи не могут позволить себе покупку школьной формы и всего необходимого ребенку для учебы в школе.

Тожикистонда давлат таълими бепул, аммо Жабборова, кўпчилик оилаларнинг фарзандари мактабга қатнаши учун кийим ва керакли буюмлар сотиб олиб беролмаслиги ҳақида гапирди. Биринчи синф ўқувчиси учун керакли бўлган мактаб буюмлари 50 доллар туради. Аммо Тожикистондаги ўртача иш ҳаққи 60 долларга тенгдир. Бутунжаҳон банки келтирган маълумотларга кўра, мамлакат ҳолисининг ярмидан кўпи қашшоқликда ҳаёт кечиради.

Оилалар бундай қийин иқтисодий муаммога дуч келганларини ҳисобга олган ҳолда, Нажмиддиновлар оиласи каби, кўпчилик тожикистонликларнинг ўз қизларини мактабга юбормай қўйганларини тушуниш мумкин.

Тожикистонда йигитлар уйлангач, ота-онаси уйида яшай бошлайди. Қизлар эса, турмушга чиқиб, ота уйларини тарк этадилар ва бу оила ҳаётида кўп иштирок этмайдилар.

Олий маълумотлик аёллар Ассоциациясининг раисаси Гулжаҳон Бобосодиқова, қизлар таълимига бўлган бундай анъанавий ёндашув, ҳукумат ва бошқа тарафларнинг қизларни ўқитиш бўйича қилаётган ҳаракатларини йўққа чиқаришини айтади.

“Қизларни тарбия қилишда ота-оналар уларнинг яхши турмушга чиқиши кераклиги, уй юмушларини бажариши, эрининг айтганларига қулоқ солиб, бола туғиши кераклигини ўқитишди”, - дейди Бобосодиқова.

Кўп қизлар мактабни ташлаб кетаётгани, аслида мактабда кўпчилик қизлар таълим олмаётганини кўрсатади. Олий маълумот олаётган қизлар фозизи Совет Иттифоқи тарқаб, Тожикистон мустақил давлатга айланган 1991 йилдаги 34% дан жорий ўқув йилида 29% га тушди.

1997 йилдан эътиборан, қишлоқ қизларининг олий таълим олиши учун квоталар ажратилган. Таълим вазирлиги маълумотларига кўра, жорий ўқув йили мамлакат олий ўқув юртларига 635 қиз қабул қилинган бўлиб, бу ўтган йилги кўрсаткичдан 15 % га кўпроқдир. Айни пайтда, квота асосида таҳсил олаётган қизлар 4500 кишини ташкил қилади.

Жабборовага кўра, Тожикистонда аёлларнинг ж амиятдаги ролини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш мақсадида, бир қанча дастур қабул қилинган бўлиб, бу ўзига яраша ижобий кўрсаткич ҳисобланади.

Аммо ушбу ҳужжатларда кўрсатилганларни амалда тадбиқ этилишини назорат қиладиган маълум бир орган ёки тизимнинг йўқлиги яна бир муаммо бўлиб қолмоқда.

Мазкур репортажни тайёрлашда сўралган экспертлар каби, Жабборова, барчаси жамоат таълимий дастурларга боғлиқ эканини айтади. Унга кўра, аёлларнинг таълим олиши муҳимлиги ҳақида қизлар, улар ота-оналари дин вакилларини хабардор қилмоқ зарур.



Ўз навбатида Бобосодиқова, таълим олиш муҳимлиги ва унинг обрўи ҳақида ОАВ лари орқали жамоатчиликка етказиш керак дея ҳисоблайди.

Таълим вазирлиги қошидаги профессионал олий ва дипломдан сўнги таълим Бошқармасининг раҳбари Абдулхамид Нозимов, унинг бошчилигидаги ташкилот мутахассислари мамлакатнинг турли ҳудудларига бориб, мактабга қатнамайдиган қизларни аниқлаш, ҳамда уларни мактабга қайтишга ва университетда ўқиш учун бериладиган квоталардан фойдаланишга кўндириш ишларини юритаётганлари ҳақида гапириб берди.

“Муаммони ечиш учун барча томонларнинг ҳамкорлиги керак, - дейди у. – Афсуски, барча томонлар бир мақсадга эга бўлсалар-да, булар амалга ошмаяпти”.

Нозимов қизлар ва улар ота-оналари хабардорлигини ошириш учун таълим соҳасидаги амалдорлар маҳаллий ҳокимият, прокуратура, маҳаллий нодавлат ва халқаро ташкилотлари вакиллари билан ишлашлари зарур.

Шаснович, муаммони ечишда томонларнинг бирдамлиги етишмаслиги ҳақидаги фикрларга қўшилишини айтди.

“Бу йўналишда кўп ташкилотлар ишлайди, аммо уларнинг ҳар бир ўзича ҳаракатлар амалга оширади, - дейди у. – Бу масалада эса, бирдамлик муҳим... Агар бир ташкилот бундай болаларни аниқласа, иккинчиси уларни мактабга ёки бошқа ўқув курсларига жойлаштириши керак”.

Бобосодиқовага кўра, таълим аёл киши учун яхши ҳаёт ва ҳуқуқий ҳимоя гарови сифатида хизмат қилади. “Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатдики, маълумотли аёллар камроқ оиладаги зўравонлик қурбонига айланиб, моддий масалада кўпроқ мустақилликка эгадирлар, - дейди у. – Бундан ташқари улар оналик вазифаларини яхши ўтайдилар”.

**Нафиса Писарежева,  
Душанбе**

## ЎЗБЕКИСТОН



### МАХСУС РЕПОРТАЖ

## Ўзбекистонда болалар меҳнати ҳали-ҳануз “анъанавий ҳолат” бўлиб ҳисобланмоқда

**Болалар меҳнатидан фойдаланганлик учун жазони кучайтириш самара бермайдиганга ўхшайди, чунки амалдорлар бу борада саъй-кўшиш қилмаяптилар, ота-оналар эса бу қўшимча даромад келтираётганидан ҳурсандлар.**

Ҳавонинг авзойи бузилса, 13 ёшли Аъзам суюниб кетади, чунки айнан ҳаво ёмон бўлганда у автомобил ювиш орқали кўпроқ пул ишлайди. “Ёмғир ё қор ёғса, яхши – машиналар тезроқ лой бўлади, - дейди у. – Шунақа пайтларда бир кунда 5 долларгача ишлашим мумкин”.

Ўзи билан тенгдош ва ўзидан кичикроқ болалар каби Аъзам ҳам оиласининг тангроқ бюджетига ёрдам бериш учун ишлашга мажбур. У бу ишни мактабдан бўшаганидан кейин қилади. Унинг отаси қурилишда ишлайди ва унча кўп пул топмайди, онаси эса кичик укасига қараб, уйда ўтиради.

Ўзбекистонда болалар меҳнати муаммоси халқаро матбуотда фаол ёритиб келинади. Бу мақолаларда балоғатга етмаган болаларнинг давлат хазинасига асосий даромад келтирувчи экспорт моли бўлмиш пахта

етиштириш ва териш ишларига жалб қилиниши ҳақида бор ҳақиқат ошкор қилинган. 2007 йилда АҚШ ва Европа мамлакатларининг энг йирик импортчилари ўзбек пахтасидан қилинган буюмларни сотиб олмасликка чақирган, бу эса Ўзбекистон ҳукуматини 2008 йилда икки халқаро ҳужжат - Болалар меҳнатининг энг ёмон кўринишлари тўғрисидаги конвенция ва Ишга қабул қилиш учун минимал ёш тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш каби ҳаракатларга туртганди.

Ўзбекистон миллий меҳнат қону-чилиги 16 ёшгача бўлган балоғатга етмаган болаларнинг ишлашини таъқиқлайди. Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қўлланиладиган стандартлар болалар томонидан бажарилажак иш турларини таснифлайди. Бу стандартларга мувофиқ, осон ишларни 12-13 ёшгача бўлган болалар, қийинроқ ишларни 14-16 ёшдаги болалар бажариши мумкин,

“хавфли” деб таснифланган ишлар эса 18 ёшдан кичикроқ бўлган бола учун таъқиқланган.

### РАСМИЙ ЖИҲАТДАН РАД ҚИЛИШ, ХУСУСИЙ ЖИҲАТДАН ТАСДИҚЛАШ

Икки конвенция ратификация қилинганидан сўнг ва миллий ҳаракат режаси тасдиқланганидан кейин болалар меҳнатидан фойдаланиш амалиёти бундан буён қўлланилмаслиги ҳақида расмий баёнотлар берилди. Бу баёнотлар 2008 йилнинг кузида – ҳосил йиғимтерими мавсумида, болаларнинг пахта теримида иштирок этаётгани ҳақида гувоҳларнинг кўплаб гувоҳликлари бўлганига қарамай, янграганди.

Болаларни дала ишларига жалб қилиш пахта экиш мавсуми бўлган баҳорда ҳам кузатилди (“Ўзбекистон: пахта далаларида болалар меҳнати чек қўйиш мумкинми?” мақоласини ўқинг).



Мазкур масала юзасидан босим остида қолган ўзбек расмийлари, агар болалар далада ишлаётган бўлса, бу фақат уларнинг ота-оналари шуни хоҳлаётгани туфайли содир бўлаяпти, демоқдалар. Ўзбекистонда пахтачилик яхши йўлга қўйилган, давлат фермерларга бу экинни қанча ва қаерда экиш бўйича кўрсатма беради, қўшимча ишчи кучи етказиб беради, кейин эса ҳосилни бозор нархидан анча пастроқ бўлган баҳода сотиб олади. Бу омиллар ҳукумат танқидчилари кўзида расмийларнинг ижобий очколарини оширмайди. Улар таълим соҳаси бўйича давлат мутасаддилари ҳалигача йиғим-терим чоғида ўқувчиларни далага олиб чиқилишига имкон бераётганини (агар ўзлари буни рағбатлантираётган бўлмасалар), мактаблар эса пахта етиштириш бўйича ўзларига режа белгилаб олаётганларини қайд этадилар.

Бундан ташқари, болалар шаҳарларда катталар ишини қилишда давом этмоқдалар. Улар дўкон пештахталари ортида турибдилар, қаҳвахоналарда хизмат қилаяптилар, пойабзал тозалаяптилар, бозор ва темир йўл станцияларида юк ташияптилар. Давлат иқтисодий фаолиятнинг бу турини бошқаришда катта рол ўйнамаяпти, айти пайтда давлат бунинг олдини олиш учун ҳам ҳеч қандай чора кўраётгани йўқ.

Тошкентдаги жамоат транспорти ширкатларидан бирининг кадрлар бўлимида ишловчи ходимаси болаларнинг автобусда паттачилик қилиши одатий ҳол эканини айтади. “Албатта буни ҳамма билади, буни қандай қилиб

яшира оласиз? – дейди у. – Болаларни [рейслардан] фақат [молиявий] текшириш чоғидагина четлатадилар”.

Паттачи вазифасини одатда автобус ҳайдовчиларининг болалари бажаради. Бу болаларга катталар оладиган ойликнинг фақат бир қисми ва албатта расмий каналлар четлаб ўтилган ҳолда тўланишини айтган аёл ўз ўғлини ҳам оила бюджетини тўлдириш учун шунақа ишга жойлаштириб қўйганини қўшимча қилади.

“Мен боламнинг бунақа ишлар билан шуғулланишига ҳали жуда эрта эканини биламан, аммо бошқа иложимиз йўқ, - дейди у. – Эрим Россияга пул топиш учун кетган ва сўнгги икки ичида болаларига бир тийин ҳам жўнатгани йўқ”.

Тошкент клиникаларидан бирида ҳамшира бўлиб ишловчи бошқа бир она ҳам болаларини ишлатаётганини ўзининг фақирлиги билан оқлашга уринади. “Оиламизда тўрт бола бор, эрим иккаловимиз ишласак ҳам кўп пул топа олмаяпмиз, - дейди аёл. – 15 ёшли катта ўғлим ва 14 ёшли қизим ҳам ишлайди. Масалан, қизим мактабдан кейин касалхонада санитар аёлларга ёрдам беради”.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида ишловчи Ғафур Ўзбекистон болалар азалдан оила ишларида ота-оналарига ёрдам бериб келганини айтади. “Ўзбекистонда, айтиқса, қишлоқларда болалар доим ота-онасига ёрдами бериб келган, - дейди у. – Қишлоқ жойларда бу ҳолат болалар ҳуқуқининг бузилиши сифатида қабул қилинмайди, бу шаҳарликларнинг ҳафтада бир марта болаларини олиб, боғ ёки кинога боргани каби у ерларда одатий ва табиий ҳолат. Бу болаларнинг ўзлари учун ҳам табиий ҳол. Бу бир жиҳатдан аёнчаларимизнинг бир қисми, бошқа бир жиҳатдан бу у ерда бошқа шуғулланадиган машғулотнинг ўзи йўқлигидан ҳам келиб чиқади”.



## ЖАЗОНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИГА ИШОНЧСИЗЛИК БИЛАН ҚАРАШ

2010 йилнинг 1 февралидан болаларни соғлиғи ва хавфсизлигига зарар етказилиши мумкин бўлган ишларда ишлатган ота-оналар ва ишга ёлловчиларга 120 АҚШ долларидан 245 АҚШ долларигача жарима солишни кўзда тутувчи тузатишлар кучга кирди. IWPR томонидан сўралган таҳлилчилар қонун ўтган йилнинг ноябр ойида парламенти қўйи палатасидан ўтганидан кейиноқ бу чоранинг самара бериши юзасидан шубҳа билдирдилар. Чунки улар бу каби амалиётга расман таъқиқ қўйилганига қарамай, 2009 йил кузида далаларда ишлаётган болаларни кўрганларини назарда тутгандилар. (Бу ҳақда “Ўзбекистон: расмийлар болаларни эксплуатация қилганларга жарима солмоқчилар” мақоласида батафсилроқ ўқинг).

“Менга нима учун жарима соларкан? – дейди Тошкентнинг Фарғона бозоридаги ошхона хўжайини Қудрат Валиев. Унинг 15 ёшли қизи Малика барда туради, унинг икки кичкина фарзанди ҳам ошхонада отасига ёрдам беради. – Ўз фарзандларимни меҳнатдан қочмайдиган қилиб, ота-онасига ёрдам берадиган қилиб тарбиялаганим учунми? Мен унинг мактабдан бўш пайтида ишламаслиги учун бирор сабаб кўрмайман”.

Тошкентдаги ширкатлардан бирининг аудитори жорий қилинган жазолар балоғатга етмаган “ишчилар” ҳеч қайси ҳужжатда кўрсатилмагани учун ҳам наф бермаслиги айтади. “Ҳеч қайси иш берувчи балоғатга етмаган болани расман ишга олмайди, аммо у



хужжатсиз ишлаб, бухгалтерияни айланиб ўтган ҳолда маош олса, бунга кўз юмиши мумкин”, - дейди у.

Тошкентдаги Мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромов болалар оммавий равишда пахта теримига олиб чиқилганидан кўра иш берувчи балоғатга етмаган бола меҳнатидан фойдаланганлигини исботлаш қийинроқ эканини айтади. “Агар мактабни ёпиб, болаларнинг ҳаммасини далага ҳайдашса – бу мажбуран ишлатиш бўлади, - дейди Икромов. – Аммо балоғатга етмаганлар ўз ота-онасининг даласида ёки унинг дўкони, қахвахонасида ишлаётган бўлса, буни қандай таърифлаш мумкин? Буни болалар ҳуқуқининг бузилиши сифатида қандай баҳолаш мумкин?”

### **ИШЛАЁТГАН БОЛАЛАРНИ “САНАМА-СЛИК КЕРАК”, ДЕЙДИ АМАЛДОРЛАР**

Тошкентдаги Инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти ходими Абдурахмон Ташанов болалар меҳнатига қарши қонунчилик амалий натижа беришига шубҳа қилади. Унинг сўзларига кўра, қишлоқ жойларда “ҳуқумат органлари, прокуратура, ҳуқуқ-тартибот идоралари болалар меҳнатидан фойдаланишга ўзлари аралашганлар. Табиийки, бу органлар ўзларини ўзлари жавобгарликка торта олмайдилар”.

Амалда, дейди у, “Ўзбекистонда болалар меҳнатига барҳам бериш учун ишлайдиган бирор механизм йўқ. Бугунги кунда мамлакатда на давлат ташкилотлари, на жамоатчилик ташкилотлари бу муаммони ҳал қилиш бўйича бирор-бир лойиҳани амалга оширишга ҳаракат қилаётганлари йўқ”.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ўз исмини айтишни истамаган ходими расмийлар болалар меҳнати кўлами ҳақида маълумотлар йиғиш билан шуғулланмаётганини тасдиқлади.

“Биз мактабда ўқиш ўрнига бирор жойда ишлаётган болалар қанчалигини ҳатто ҳисоблаётганимиз ҳам йўқ, - дейди у. - Бизда айнан шунақа муаммо йўқ, деб қаралади, шунинг учун буни ҳисоблашга ҳам ҳожат йўқ”.

*(Сўралганларнинг исмлари хавфсизлик нуқтаи назаридан тушириб қолдирилди.)*

**IWPRнинг Марказий Осиёдаги  
ҳодимлари**

## **Расмий идоралар оиладаги зўравонлик муаммосини рад илмоқ- далар**

*Культурные традиции  
приводят к тому, что  
женщины мирятся с  
жестоким обращением  
в семье, вместо того,  
чтобы добиваться  
справедливости через  
суд.*

“Мен ҳомила орттиришга узоқ вақт уриндим ва бу менинг калтакланишимнинг асосий сабаби эди, – дейди 27 ёшли Каромат Одилова. – Эрим менга бепушт аёлга уйлангани учун ота-онаси ва оғайнилари унинг устидан қулишаётганини айтарди”.

Кароматни унинг инон-ихтиёрига қарши ичкиликка муккасидан кетган қариндошига узатишган. “Мен ҳомиладор бўлиб, туққанимдан кейин ҳам... у мени калтаклаш ва мазахлашда давом этди. Ота-онам ажрашишимга қарши бўлганлари ва эримнинг уйдан кетсам, уларни шарманда қилишимни айтганлари учун мен ҳаммасига чиқардим”, - дейди аёл.

Ўзига ўхшаган кўплаб аёллар каби Одилова ҳам бунақа вазиятда нима қилиш лозимлигини билмайди. “Ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилиш мушкул, одатда улар эркак кишининг ёнини олади, ҳатто мен [милицияга] ариза ёзган чоғимда ҳам, менга эрни ёмонлаш яхши эмаслигини айтишган”, - дейди у.

Тошкентлик адвокат Лайло Ҳамидова оиладаги зўравонлик ва жабрланувчиларнинг бунга қарши кураш олдидаги қўрқувчи оилада аёлга иккинчи даражали рол берилган анъанавий турмуш тарзи билан боғлиқ.

Ҳатто ўзида жасорат топиб, судга мурожаат қилганлар ҳам маломатга қолиши мумкин. “Хотиннинг бу иши аҳлоқсизлик сифатида қабул қилинади ва у ўз маҳалладошлари томонидан ёппасига қораланади”, - дейди Ҳамидова.

Маҳаллаларда аёлларга кучли босим ўтказилади, аёл расман ариза топшириванидан кейин дугоналари, кўшнилари ва ҳатто болалари томонидан берилган жондан тўйдирувчи сўроқ-саволлар қурбоннинг ўз аризасини қайтариб олишига ва ишни тўхтатиб қўйишига кифоя қилиши мумкин.

26 ёшли бухоролик Райҳон Абдураззоқова эрининг калтакларига тўрт йил мобайнида чидаб, индамай юрган ва навбатдаги калтакланишдан сўнг тез ёрдам бўлимига тушганидан кейингина ёрдам сўраб мурожаат қилган.

“У мени таҳқирларди, мени ва болаларимни урарди, - дейди у. - Отаонам менга бу ҳақда гапиришни таъқиқларди, улар кўшнилари устимиздан қулишларини ва агар мен бу ҳақда кимгадир айтсам ёки милицияга мурожаат қилсам, мендан юз ўгиришларини айтишарди”.



Абдураззоқова касалхонада даволанаётган пайтда бошқа бир бемор унга оилавий зўравонлик қурбонларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва психологик консультациялар бериш билан шуғулланадиган “Ойдин Нури” номли маҳаллий ташкилот ҳақида гапириб беради. Шунга қарамай, у ташкилотга ёрдам сўраб мурожаат қилишга ҳалихануз қарор қилгани йўқ.

Тошкентлик юрист Наталья Полянова аёллар ўз муаммолари билан судга камдан-кам ҳолларда мурожаат қилишларини айтади.

“Чекка жойларда миллий зеҳниятни ҳисобга олиб, [улар] калтакларга чидаб юришади. Зўравонлик ҳолатини ошқор қилиш уят иш ҳисобланади ва қизлар фақат қайнота-қайнонасининггина эмас, ўз ота-онасининг танбеҳидан ҳам чўчишади”, - дейди Полянова.

1996 йилда Ўзбекистон Аёлларга қарши дискриминациянинг барча турларига барҳам бериш ҳақидаги БМТ конвенциясини ратификация қилган. Миллий қонунчилик аёлга қўл кўтарганлик учун жазолашни кўзда тутаяди, бироқ оилада зўравонлик қўлланганлик учун ҳеч қандай ҳуқуқий мезон йўқ.

Оиладаги зўравонлик муаммосини тан олинмаслиги ҳақиқий тўсиқ бўлиб ҳисобланади, дейишади экспертлар. “Аёл уйдаги гапни кўчага олиб чиқмаслиги ва калтакларга чидаб юриши лозимлиги ҳақидаги кўрсатма муаммо борлиги тан олмаётган давлатнинг ўзидан келиб чиқаяпти”, - дейди Ҳамидова.

Ҳуқуқий мезонлар йўқлиги билан бир қаторда ўзбек сиёсатчиларининг кўпи оиладаги зўравонликнинг муаммо эканини ҳам инкор қиладилар.

“Бизнинг жамиятда аёлга бўлган ҳурмат-эътибор, уни она, опа-сингил, қиз деб қараш туфайли оилавий зўравонлик каби муаммо йўқ, чунки эркаклар заифаларга доим иззат-ҳурмат билан муносабатда бўладилар”, - дея билдирди IWPRга Ўзбекистон парламенти қўйи палатами раисининг ўринбосари ва мамлакатдаги энг таниқли аёл сиёсатчиларидан бири бўлган Дилором Тошмухамедова.

“Агар оилавий тажовуз бор бўлса ҳам, улар бир-иккита бўлиб, кенг қўламга эга эмас, биз бошқа мамлакатларда бўлгани каби оилавий террор авж олганини кўрмаймиз... агар бундай ҳолат содир бўлган тақдирда ҳам мавжуд қонун меъёрлари аёлларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишларига

имкон беради. Шунинг учун Ўзбекистонда бунақа муаммо борлиги ҳақида гапиришга ҳожат йўқ”, - дея қўшимча қилади у.

Бошқа бир таниқли аёл сиёсатчи, мамлакат бош вазирининг ўринбосари ва Ўзбекистон Аёллар қўмитаси раҳбари Фарида Акбарова ҳам оилавий зўравонлик Ўзбекистонда муаммо даражасида эмаслигини билдирди.

Мавжуд шароитда аёллар шикоят қилишга шовилмаётганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. “Ўзбек аёллари эрларнинг кўнгиллари тусаган ишларини қилишлари олдида моҳиятан ҳимоясиздирлар, - деди Хоразмдаги “Нажот” ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилоти раҳбари Ҳайитбой Ёқубов. – Уларнинг кўпчилиги мунтазам калтакланиш ва хўрланиш аёллар ҳақ-ҳуқуқларининг бузилиши бўлиб ҳисобланиши эканини ҳатто билмайдилар ҳам. Улар милицияга шунчаки хоҳламаганлари сабаб бормайдилар, деб бўлмади; моҳиятан улар шу йўл билан ўз ҳақларини, шу жумладан, яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш мумкинлигини билмайдилар, чунки бунда ўлим билан тугаган ҳолатлар ҳам етарлича топилади”.

Ёқубовнинг сўзларига кўра, жорий йил бошидан буён Хоразмдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ учта ҳолатни қайд қилганлар. Милиция буни оиладаги руҳий ва жисмоний зўравонлик билан боғламоқда.

Ана шундай воқеалардан бири шу йил январ ойида ўзини осиб қўйган 22 ёшли Наргиза Оллоберганова билан содир бўлди. Бу ҳолатни ўрганган Ёқубовнинг сўзларига кўра, Оллобергановага эри томонидан зўравонлик қилинган.

Гарчи бу ҳақда очиқ маълумотнинг йўқлиги статистик маълумотлар йиғиш имконини йўққа чиқарса ҳам, афтидан, Наргиза Оллоберганова ўлими ягона ҳолат бўлмаган.

Тошкентдаги касалхоналардан бирининг шифокорлари яқинда икки аёл ҳаётдан кўз юмганини айтиб бердилар – улардан бири тайёрлаган овқати эри ёқмагани учун у томонидан қаттиқ калтакланиши оқибатида жигари ёрилиб ўлган, иккинчиси эри томонидан етказилган жароҳатлар туфайли нобуд бўлган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда оилавий зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш билан шуғулланадиган ноҳу-

қумат ташкилотлари жуда кам. Андижон шаҳрида ҳукумат аскарлари намоийшчиларни ўққа тутган 2005 йил май ойидаги қонли воқеалардан кейин Ўзбекистоннинг ғарб мамлакатлари билан алоқаси ўта ёмонлашиб кетди. Ноҳукумат ташкилотларининг кўпи, шу жумладан, аёллар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган ташкилотлар ва кризис марказлари ё маблағ йўқлиги, ёки ҳукумат томонидан босим бўлганлиги сабабли ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлдилар. Фақат бир неча ҳуқуқ ҳимоячиси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларигина норасмий равишда хизмат кўрсатишда давом этмоқда.

“Бундай аёлларга кўмак кўрсатувчи марказларнинг барчаси доимий босим остидалар, - дейди Жиззах вилоятидаги кризис марказларидан бирининг ходими. - Расмий давлат идоралари бунақа фаолиятга ишончсизлик билан қарайдилар ва бизни “аёллар эмансипациясига ёрдам бераяпти, аёлларни ўз эрларига қарши оёқлантираяпти”, деб ўйлайдилар. Биз жуда кўп қизлар ўзларининг зolim эрлари қўлида ўлиб кетаётганини тушунтиришга уриндик, аммо улар буни ўзбек оилаларида азалдан бор бўлган ҳолат эканини айтишиб, “бизга ўзимизга ёт бўлган ғарб маданияти унсурларини олиб келиш керак эмас”лигини уқтирмоқдалар”.

Кризис маркази ходими аслида мамлакат оилавий зўравонлик қурбонларига кўмак кўрсатувчи марказларнинг бутун бошли тармоғига муҳтож, деб ҳисоблайди.

*(Сўралганларнинг исмлари ҳаёфсизлик нуқтаи назаридан тушириб қолдирилди).*

**Бахтиёр Расулов, тошкентлик журналистнинг таҳаллуси.**



# ОИТС ГА ҚАРШИ КУРАШЧИ ЎЗ ҚАРАШЛАРИ УЧУН ҚАМОҚДА ЎТИРИБДИ

*ОИТС профилактикаси билан шуғулланувчи психологнинг қамоққа ташлангани ҳақидаги хабар шарҳловчиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар бунга мантиқсиз қарор, деб атадилар.*

24 февраль куни оммавий ахборот воситалари тошкентлик 28 ёшли психолог Максим Попов етти йилга озодликдан маҳрум этилгани ва аллақачон Навоийдаги колонияда жазо муддатини ўташни бошлаб юборгани ҳақида хабар тарқатдилар.

Озодлик радиоси хабарига мувофиқ, Максим Попов ОИТСга қарши кураш соҳасида гиёҳвандлар ва фоҳишалар билан ишловчи, гиёҳвандлар учун игна алмаштириш дастурини амалга оширувчи “Изис” ноҳукумат ташкилотига раҳбарлик қилган.

Ferghana.ru сайти Максим Попов ЮНИСЕФ кўмагида ёшлар учун жинсий йўл билан юқувчи касалликлардан қандай сақланиш каби превентив чоралар, касалликнинг юқиш хавфини қамайтирувчи презервативдан фойдаланиш ҳамда гиёҳванд моддалар истеъмол қилаётганда бир марталик шприцлардан фойдаланишнинг зарурлиги ҳақида ҳикоя қилувчи безакдор китоб нашр қилганини ёзади.

Бироқ Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар суди Поповнинг китобини ёшларни банг моддалари ва психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб қилувчи нашр деб топиб, муаллифдан ўн нусха китобни мусодара қилган ва уни етти йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарган.

НВСА томонидан сўралган шарҳловчилар жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламини хатардан огоҳлантирган кишини судлаш ҳар қанақа мантиққа зидлигини айтадилар.

“21 аср - ОИТС эпидемияси тўлқинида, аммо “ўзбек зеҳнияти” билан, - дея тажанглашади тошкентликлардан. У Поповнинг қамалиши фото ва кино-документалист Умида Аҳмедова устидан бўлган суд каби тўмтоқ айбловлар қаторида туришига қатъий ишонади. (“Ўзбекистон: Умида Аҳмедова “бемаъни” айбловни кутаяпти” мақоласини ўқинг)

НВСА суҳбатдоши расмийлар “Ўзбек халқи зеҳнияти билан мувофиқ эмаслик” бирикмасини қўллашни ёқтиришини ва бу шиор остида улар прогрессив ғоялар ташвиқ қилувчи ҳар қандай одамни судлашлари мумкинлигини айтади.

“Максим Попов устидан чиқарилган ҳукм ўзбек адлияси мудроқ эканининг ёрқин намойиши бўлиб ҳисобланади”, - деди у.

Тошкентдаги ноҳукумат ташкилотларидан бирининг вакили судланган психолог ташкил қилишга урингани каби ОИТСга қарши ахборот кампаниялари Ўзбекистонга қўшни бўлган, ўз урф-одатлари ва зеҳнияти билан ўзбек халқи жуда ўхшаш одамлар яшовчи Қирғизистон ва Қозоғистонда кенг қўлланилади. Бироқ улар таъқиб қилинмайдилар.

“Қўшни мамлакатларда замонавий жамиятда иммун тақчиллиги вирусидан сақланиш ҳақидаги билимларсиз ҳеч қаёққа бориб бўлмаслигини тушунадилар”, - дейди НҲТ ходими.

Давлат клиникасида ишлайдиган, исмини ошкор қилишни истамаган сексопатолог шифокор расмийларга профилактик китоб муаллифини панжара ортига ташлаш нима учун керак бўлиб қолганини тушунолмаётганини айтади. Тиббиётчи бунақа нашрни “жуда ўринли” деб билади, чунки унда жуда кўп фойдали маслаҳатлар берилган.

“Одамларга ёрдам бермоқчи бўлган одамни судлаганлари бемаънилик, - дея хулоса қилади шифокор. – Ҳозир Ўзбекистон ёшлари орасида ОИТС кенг тарқалган, ёшларда гигиена маданияти йўқ, кўпчилик бу касаллик ҳақида билмайди, мактабларда бу муаммо очиқ муҳокама қилинадиган фанлар ўтилмайди”.

Давлат рўйхатидан ўтмаган Ўзбекистон ҳуқуқ ҳимоячилари альянси вакиласи Елена Урлаева фуқаролик жамияти фаолининг қамалишини инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг “қўпол” равишда бузилиши эканини айтади. Биринчидан, бу суд махфий равишда, ёпиқ тарзда ўтган, ҳукм ўтган йил кузида чиқарилган, бу ҳақда эса эндигина маълум бўлди. Иккинчидан, судланувчи бу ҳукм устидан шикоят қилиш имкониятига эга бўлмаган.

“Бу одам муаммо ҳақида гапирган, у билан курашган, Ўзбекистон расмийлари эса бунга мутлақо ёқтирмайдилар ва ҳаммани жим бўлишга мажбур қиладилар”, - дея қайд этади Урлаева.



## ШАРҲ:

# Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ кўмитасининг Ўзбекистондаги вазиятни ўнглаш бўйича чақириқлари саҳродаги одам чинқириғини эслатади

*Март ойида БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитаси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг бажарилиши доирасида Ўзбекистондаги ҳуқуқ муҳофазаси билан боғлиқ вазиятни кўриб чиқди. Мажлис якунларига кўра, хулоса эълон қилинди. Мазкур хулоса Human Rights Watch халқаро ташкилоти томонидан” .*

БМТ кўмитаси резолюциясида [<http://www2.ohchr.org/english/bodies/hrc/hracs98.htm>] Ўзбекистонда ҳамон давом этаётган қийноқ қўллаш амалиёти, матбуот эркинлиги, ҳаракат эркинлиги, эътиқод эркинлиги йўқлиги, ҳуқуқ ҳимоячилари таъқиб қилинишининг давом этаётганлиги, мамлакатда мажбурий болалар меҳнати сақланиб қолаётганлиги юзасидан жиддий ҳавотир билдирилади. Кўмита Андижон воқеалари тўла мустақил текширувдан ўтказилмагани юзасидан ҳам таассуф билдирган.

Ўзбекистон ҳукумати инсон ҳуқуқлари жамият учун улкан муаммо эканини ҳеч қачон тан олмаган ва БМТнинг халқаро ҳужжатларини бажариш зарурлигини ҳеч қачон жиддий қабул қилмаган.

Расмийлар мустақиллик [1991 йил] бошидан буён инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар имзолангани ҳақида ғурурланиб гапирадилар. 1995 йилдаёқ Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича БМТнинг олти асосий ҳужжатига қўшилган. Аммо имзоланган пакт ва конвенциялар самараси унча сезилмаяпти. Қийноқлар қўлланишига қарши конвенция Райҳон

Соатовани зўрлаган милиция ходимлари гуруҳи учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Ўтган йил майида бир гуруҳ маст милиционерлар томонидан зўрланган Райҳон Соатова иши расмийларнинг қийноқлар муаммосига бўлган муносабатини ёрқин намойиш қилади. Шу йил январида қамоқхонада бўлган Райҳон фарзанд кўрди, чақалоқнинг отаси зўрловчиларнинг бири бўлган. Ҳуқуқ ҳимоячиларининг жонбозлиги ва уларнинг БМТ қийноқлар бўйича махсус маърузачиси Манфред Новакка мурожаатидан кейингина Ўзбекистон прокуратураси зўрлаш ҳодисаси бўйича жинойят иши очди.

БМТнинг саккизта махсус маърузачиси Ўзбекистонга келиш учун таклифнома кутиб ўтирибдилар. 2001 йилдан буён ҳуқуқ ҳимоячилари аҳволи бўйича маърузачи, 2004 йилдан буён эътиқод эркинлиги бўйича маърузачи, 2005 йилдан буён суддан ташқари ва ўзбошимча қатллар бўйича маърузачи, 2006 йилдан буён қийноқлар бўйича маърузачи, 2007 йилдан буён қўлликнинг замонавий кўринишлари ва аёлларга нисбатан зўравонлик бўйича маърузачи, 2008 йилдан буён ноқонуний ҳибсга олишлар ҳамда судлар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича маърузачи таклифнома кутиб ўтирибдилар. Аммо, афтидан, яқин йиллар ичида уларга ҳеч қанақа таклифнома берилмайди.

2002 йилда расмийлар БМТнинг қийноқлар бўйича махсус маърузачиси Тео Ван Бовенни таклиф қилгандилар; унинг мамлакатда қийноқлар мунтазам равишда қўлланиши ҳақидаги хулосаси бугунги кунда ҳам, яъни орадан саккиз йил ўтганидан кейин ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. БМТ кўмитаси бир неча маротаба Ўзбекистон олий раҳбариятини қийноқларни очиқчасига қоралашга чақирди, бироқ халққа қийноқлар иллат эканини айтиш каби оддийгина иш ҳам ҳанузгача бажариб бўлмайдиган иш бўлиб қолмоқда.

Амалдаги ҳукумат ҳар қанақа мустақил текширувдан ўлгудек кўрқади, расмийларга бўйсунмайдиган ноҳукумат ташкилотларидан чўчиди, хира ҳуқуқ ҳимоячиларини таъқиб қилади, Каримов портретини масжидда кўришни истамаган мустақил мусулмонларни қамайди. Расмийлар муаммо мавжудлигини тан олмаганидан кейин уларни ҳал қилиши мумкинлиги эҳтимолдан йироқ.

Бундай шароитда [БМТ] кўмитасининг вазиятни ўнглаш ҳақидаги чақириқлари саҳродаги одам чинқириғини эслатади.

Нью-Йоркка келган Ўзбекистон ҳукумати делегацияси мунозара чоғидаёқ кўмита аъзоларига кун тартибидаги кўпгина жиддий бандлар бўйича ҳеч қанақа ўзгариш бўлмаслиги ҳақида ишора қилганлар.

Андижон воқеалари амалдаги режимнинг энг оғриқли нуқталаридан биридир, шунинг учун расмийлар 2005 йилдаги хунрезлик бўйича мустақил текширув ўтказишга қодир деб ўйлаш соддалик бўлар эди. Қарийб беш йил давомида расмийлар ўз версияси бўйича мазкур воқеалар тарихини қайта ёзди ва у бундан ҳеч қачон воз кечмайди. [БМТ] кўмитаси Андижон воқеалари қурбонларига товон пули тўлашга чақириб келмоқда, бироқ яқинда Австралиядан Ўзбекистонга қайтган андижонлик қочқин Дилорон Абдуқодированинг ҳибсга олиниши “исёнчилар”нинг барчасини Ватанда товон пули эмас, жазо кутиб турганини кўрсатди.

Шунга қарамай, БМТ кўмитаси резолюцияси халқаро кузатувчилар Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича чинакам аҳвол юзасидан алданмаётганини кўрсатади. Афсуски, БМТда ошқора танқиддан ўзга диктаторларга босим ўтказиш бўйича бошқа ҳеч қандай механизм йўқ, шу ваддан вазиятни ўзгартириш учун Европа Иттифоқи ва АҚШ томонидан кетма-кет босим ўтказилиши шарт.

Биз, ҳуқуқ ҳимоячилари эса, ўз ишимизни давом эттиришимиз – инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳақида баланд овоз билан ва доимий равишда баёнотлар бериб туришимиз лозим. Биз Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлари ўзбек режими билан алоқа қилаётганларида доимий равишда инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши масаласини кўтаришларини қаттиқ талаб қилишимиз шарт, биз ҳар қанақа инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак вазиятни чинакамига ўзгартириш эвазига берилишига эришимиз лозим.

Масалан, вазият ўзгарганини билдирувчи асосий индикаторлардан бири Ўзбекистон қамоқхоналаридан ўн тўрт ҳуқуқ ҳимоячисининг озод қилиниши бўлиши мумкин эди. Ўзбекистон Бирма ва Шимолий Корея каби дунёдаги энг репрессив мамлакатлар ўнлигига кирганлиги сабабли демократик мамлакатларнинг амалдаги режимга нисбатан муносабати ҳам шунга яраша бўлиши керак.

**Умида Ниёзова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон-Германия форуми раҳбари ва НБСА эксперти**





## Қонунларни инсонпарварроқ қилиш бир текисда амалга оширилиши лозим

*Жиноий ва процессуал қонунчиликни либераллаштирув ғояси чинакамига мустақил бўлган адвокатура институтининг барпо этиш ҳамда судлар ва ҳибсга олишнинг барча босқичларида ҳимоячилар ваколатларини кенгайтириш билан биргаликда амалга оширилмоғи лозим.*

1 март куни Давлат хавфсизлик Кенгаши мажлисида президент Қурбонқули Бердимухаммедов, жиноий-процессуал қонунчиликнинг либераллаштириш кутилаётганини маълум қилди.

Жумладан, қонунчиликка қамоқдаги маҳ-бусларни жамоатчилик томонидан назорат қилиш процедураси ва уларни меҳнат тарбиясига жалб қилиш киритилиши кўзда тутилмоқда.

Парламент ишлаб чиқиши керак бўлган янги Жиноят кодексига оғир жиноятлар учун энг кўп жазо муддати 25 йилдан 15 йилга туширилади, шунингдек, унда жарима шаклидаги жазо чоралари ҳам кўзда тутилган.

Туркман раҳбари бошқа чоралар қаторида адвокатура ролини кучайтириш ҳақида ҳам айтиб ўтди. Президент таклиф этган жиноий ва процессуал қонунларга ўзгартиш киритиш режаси аллақачон пишиб етганди. Жиноий жавобгарликка тортиш туркман системаси эскирган бўлиб, уни ҳозирда янгилаш зарур.

Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар буни аллақачон амалга ошира бошладилар. Улар оғир жиноятлар учун жазо меёрларини осонлаштириб, оғир бўлган жиноятлар учун жарима билан жазолаш ва муросага келиш институтини қонунийлаштирдилар.

Туркменистонда эса, товуқ ўғирлиги учун беш йилга озодликдан маҳрум қилишлари мумкин. Халқаро юридик амалиётида эса, акс ҳолларда бундай жиноятлар жарима солиш билан жазоланади.

Оғир оқибатларга сабаб бўлмаган безорилик учун уч йилдан то беш йилгача қамоқ муддати белгилаш, ҳамда

иқтисодий жиноятлар учун жазо меёрлари ҳақидаги моддалар либераллаштиришни талаб қилади.

Масалан, йиғим-терим кампанияси вақтида қўшиб ёзиш орқали маблағ ўмарганлик (фирибгарлик) учун аксар ҳолларда максимал муддат, яъни беш йил қамоқ жазоси белгиланади. Бундай жиноятлар шартли жазо ёки жарима солиш орқали жазоланиши керак.

Шунингдек, янги қонунда, агар баъзи жиноятлар илк бора содир этилаётган бўлса, уларни енгил меёрлар орқали жазолаш кўзда тутилиши керак. Халқаро жиноий-процессуал амалиётга кўра, бундай меёрга ўғрилиқ, талончилик, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар (одам ўлдириш, талончилик ҳужуми, одам зурлашдан ташқари), иқтисодий жиноятлар, давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, ҳарбий хизматга қақриқдан бош тортишлар киради.

Аммо туркман қонунига кўра, ушбу жиноятларни содир этган фуқаролар, содир этиш вазиятидан қатъий назар, икки йилдан то етти йилгача озодликдан маҳрум қилинадилар. Амалда эса, судлар бундайларга жазо меёрини белгилашда жуда катта муддатлар белгилашларини кузатиш мумкин.

Танқидчилар Туркменистоннинг жиноятчиликка оид қонунчилигида юмшоқ моддалар борлиги, масалан, Жиноят кодексининг 78-моддасига мувофиқ, ҳомиладор ва ёш болаларга нисбатан жазо кечиктирилиши мумкинлигини айтиб, эътироз билдиришлари мумкин. Шартли ҳукм чиқаришни кўзда тутган 68 модда ҳам бор.

Аммо бизнинг Ассоциация ўтказган ҳукм чиқариш бўйича мониторинг на-

тижалари, 1996 йилдан эътиборан ушбу моддаларнинг бирортаси ҳам амалда қўлланмаганини кўрсатди.

Адвокатура институтини ташкил этиш ҳам муҳим ҳисобланади. Авваломбор, ҳимоячиларга керакли ваколатлар берилиб, ҳибсга олишнинг барча босқичларида тергов қилинаётганларни қонуний ҳимоя билан таъминлаш зарур.

Бунинг учун, авваломбор, Туркменистонда 1970 йилдан бери қўлланиб келинадиган “Адвокатура ва адвокатлик фаолияти” ҳақидаги эски қонун ўрнига янгисини қабул қилиш керак.

Бу соҳадаги эски қонунга кўра, бизнинг мамлакатда адвокатлар амалий ҳуқуқларга эга эмаслар. Туркменистондаги адвокатлар қўлга олинган кишининг ҳибсга олинишига расмий санкция берилмагунча, у билан учрашолмайдилар.

Қўлга олинган кишилар бирор-бир жиноятни содир этишда айбланиб, расмий рўйхатдан ўтказилмай вақтинча сақлаш изоляторларида ўн кунгача сақланганлари ҳолатлари маълум.

Қўлга олинганлардан кўрсатма олиш учун уларга нисбатан руҳий ва жисмоний қийноқлар қўллаш ҳолатлари мавжуд. Агар ҳуқуқ-тартибот органлари шунда ҳам ундан кўрсатма ололмаслар, қўлга олинган кишини безорилик ёки ҳуқуқ-тартибот органи ҳодимига бўйсинмаганлик айблови билан ўн беш кунга озодликдан маҳрум қилишлари мумкин.

Шу вақт давомида, гумонланувчи турли қийноқларга дучор қилинади. Иккинчидан, адвокатларга ҳудди айбловчига берилган ҳуқуқлар берилиши





лозим. Туркман суд тизимининг камчилиги шундаки, у 1995 йилдан бошлаб бирор-бир оқлаш ҳукмини чиқармаган.

Судлар судланаётган кишининг айбини исботлаш ва адвокатларнинг аризаларини қабул қилмасликка ўрганиб қолганлар. Учинчидан, барча демократик давлатларда бўлгани каби, адвокат ўз текширувини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Шу билан бир қаторда, янги қабул қилинадиган қонунга “ҳимоянинг гувоҳи” каби тушунча киритилиши керак. Дастлабки тергов органлари айбланувчининг айбини топишга ҳаракат қиладилар. Адвокат эса, ўз ҳимосидаги кишининг айбсизлиги бўйича фактлар ва гувоҳларни қидириши, улар билан суҳбат юритиш керак.

Аммо амалда буларнинг акси бўлмоқда. Агар адвокат суд маҳкамасидан аввал гувоҳлар билан учрашиб, улар билан суҳбатлашгани маълум бўлса, у суд жараёнидан четлаштирилади.

*Туркменистон мустақил адвокатлари Ассоциацияси раҳбари, Нидерланддаги НВСА эксперти Тимур Мисриханов.*

## **ШАРҲ: Ишсизларга эътибор қилма- ган расмийлар уларнинг ҳақ- ҳуқуқларини бузмоқда**

*Туркменистонда ишсизлар расмий мақом ва ижтимоий нафақа олиш юзасидан қонуний имкониятга эга эканликларига қарамай, аслида маҳаллий ишсизлар бундай имтиёздан маҳрумлар, чунки мамлакатда ишсизлик борлиги тан олинмайди ва аҳолини иш билан таъминлаш жамғармаларини молиялаштириш механизмлари йўқ.*

Туркман ҳукумати бозор муносабати ўзгаришлари ҳақида таъкидлаган пайти, меҳнат муносабатларининг янги шакллари пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган иқтисодиёт қайта-қурилиши ўз ортидан ишсизлар сонининг кескин кўпайишига олиб келишини тушунмоқлари керак.

Бу корхоналарни хусусийлаштириш шаклларининг модернизацияси, штатлар қисқариши ва ишчиларнинг мажбурий ишдан бўшаши билан боғлиқдир. Кенг омма учун ёпиқ бўлган расмий статистика маълумотларига кўра, Туркменистондаги ишга лаёқатли аҳолининг тахминан беш фоизи доимий иш жойига эга эмас.

Аммо мустақил таҳлилга кўра, мамлакатда ишсизлар сони бир ярим-икки баробар кўпроқ бўлиб, у тахминан 240 минг кишини ташкил қилиши мумкин.

Айни пайтда, штат қисқариши оқиба-тида ишдан бўшаганлар, ўқув юртлари битирувчилари, ички мигрантлар, турли сабабларга кўра иш жойини алмаштириш ниятида бўлган мутахассислар, армиядан қайтганлар иш жойи қидириш билан машғуллар.

Кузатувчилар, бундай тоифадаги кишилар доимий даромад манбаига эга бўлмаганлари боис, ўта паст турмуш тарзи юритиб, пуллик тиббий хизмат олиш имконидан маҳрумдирлар.

Аммо уларнинг бирортаси ҳам ишсизлик расмий мақомига эга эмас, шу боис, бошқа мамлакатларда бўлгани каби турмуш кечириш учун ижтимоий нафақадан маҳрумдирлар.

1991 йили Туркменистонда “Аҳолининг бандлиги” бўйича қонун қабул қилинган бўлиб, меҳнат биржалари ҳақидаги қонуний актлар халқаро меёрлар асосида ишсизлар мақомини аниқлаб, уларни тан олиш шароитлари, ҳамда ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кафолатлашига қарамай, мамлакатдаги ишсизларнинг бундай вазияти тушунарсизлигича қолмоқда.

Қонунга кўра, ишсизларни нафақа пули билан таъминлаш учун ташкилот, корхона ва муассасаларнинг ҳар бири меҳнат ҳаққининг тахминан икки фоизи миқдорида мажбурий пул ажратишлар тўлайдилар. Аммо қонун амалга ошиши учун аниқ механизмлар бўлмагани боис, амалда у бажарилмай қолмоқда.

Авваломбор, иш берувчиларни бандлик жамғармасига мажбурий пул ажратишлар тўлашга мажбурлайдиган ваш у орқали ишсизларга нафақа тўланишини кўзда тутган солиқ қонунчилиги “Аҳоли бандлиги” қонуни билан мувофиқлаштирилмаган.

Шунинг учун, ишсизлар мақоми иш изловчилар мақомига ўзгартирилиб, бунда уларга керакли нафақа тўланмайди. Иккинчидан, бандлик хизматлари уларга иш қидириш мақсадида мурожаат қилган одамларни рўйхатдан ўтказмаганлар. Бу эса, қонунан нафақа олиши керак бўлган ишсизни бундай ҳуқуқдан маҳрум қилган.

Кейин бандлик хизматлари фаолияти бекор қилиниб, улар ўрнига меҳнат биржалари ташкил қилинди. Ўз навбатида, улар ҳам худди бандлик хизматлари каби иш қидириб келганлар миқдори ҳақида статистика органларига ҳисобот бериш билан шуғулланадилар. Аммо шунга қарамай, ишсизлар вазияти ўзгармади, улар ҳозиргача маълум бир мавқега ва ижтимоий ёрдамга эга эмаслар.

Яқинда президент Қурбонқули Берди-мухамедов, асосий эътибор инсоний заҳираларга қаратиладиган мамлакатнинг янги иқтисодий стратегияси ва халқаро хўжаликка интеграцияси ҳақида айтиб ўтди.

Аммо бу каби йирик ўзгаришлар бир қатор салбий факторлар, яъни иш жойлари қисқариши ва ишсизлар сони ортиши кабиларни келтириб чиқаришини унутмаслик керак.

Ҳукумат меҳнат заҳираларини жамлаш, иқтисоднинг иш кучига бўлган аниқ эҳтиёжлари, ишсизларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус жамғармаларни молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиши керак.

Бунинг учун аҳоли бандлиги масаласини ўрганадиган институтлик органини ташкил этиш, ҳамда иш қидириш билан банд бўлган одамларнинг турмуш кечириши учун маблағсиз қолмаслигини таъминлайдиган қонунчилик базасини такомиллаштириш лозимдир.

**Ақсўлтан, Аннағурбанова,  
аишхободлик иқтисод бўйича  
эксперт тахаллуси.**



## **Institute for war & peace reporting**

48 Gray's Inn Road  
London, WC1X 8LT, UK  
Tel: (44 20) 7831 1030  
Fax: (44 20) 7831 1050  
Web: [www.iwpr.net](http://www.iwpr.net)  
E-mail: [info@iwpr.net](mailto:info@iwpr.net)

---



### **IWPR нинг Қирғизистон Республикасидаги ваколатхонаси**

Қирғизистон Республикаси,  
Бишкек шаҳри 720017  
Тоголок Молдо кўчаси, 18-2  
Тел.: + 996 312 664453, 61 38 70  
Факс: + 996 312 61 38 70  
E-mail: [iwpr.kyrgyz@iwpr.net](mailto:iwpr.kyrgyz@iwpr.net)

---



### **IWPR нинг Қозоғистон Республикасидаги ваколатхонаси**

Қозоғистон Республикаси,  
Алмати шаҳри, 050000  
Қазибек би кўчаси, 50  
2 - чи қават, 84 офис  
Тел.: + 7 727 2725903, 2726421, 2726890  
E-mail: [iwpr.kazakhstan@iwpr.net](mailto:iwpr.kazakhstan@iwpr.net)

---



### **IWPR нинг Тожикистон Республикасидаги ваколатхонаси**

Тожикистон Республикаси,  
Душанбе шаҳри, 734003  
Рудакий проспекти, 137  
“Тоҷикматбуот”, 6 – чи қават  
Тел.: + 992 372 247026  
E-mail: [iwpr.tajikistan@iwpr.net](mailto:iwpr.tajikistan@iwpr.net)  
Тел./Факс: + 992 372 247051

---